


Шарафиддин Кўнчи

МАРОКАШДАН ЯПОНИЯГАЧА



ШАРАФИДДИН КҮНЧИ

МАРОКАШДАН ЯПОНИЯГАЧА

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2004

Ушбу рисолада журналист Шарафиддин Күнчи кўп йиллар мобайнида Марокашдан Япониягача ўттиздан ортиқ мамлакатларга қилган сайру саёхатларда кўрган-кечирганларини хикоя қилиб беради.

K98

Кўнчи, Шарафиддин.

Марокашдан Япониягача. – Т.: «Маънавият», 2004.
– 72 б.

Муаллиф: Туробов Шарафиддин (Кўнчи).

ББК 26.89(5/6)

К 4702620204-10
M25(04)-04 15-03

©«Маънавият», 2004

* * *

Шарафиддин Кўнчи кекса журналист, дунёning кўпгина мамлакатларига қадами етган сайёҳ.

Устоз шоир Эркин Воҳидов:

Йиллар оша бир ёш ўсасан,

Йўллар оша бир бош ўсасан, – дея бехуда ёзмаган. Турли мамлакатларда бўлган, элу халқларнинг яшаш тарзи, ҳаёти билан яқиндан танишган инсонлар қиёслаш имкониятига эга бўлади, фикрлаш даражаси юксалади. Ушбу китобнинг муаллифи сизу бизни Марокашдан Япониягача сайру саёҳатга чорлайди. Ўйлашга, фикр юритишга, баҳслashiшга ундейди. Шекспир ватанида бўлган муаллиф бошқа сайёҳлар эътибор бермайдиган манзарага диккат қиласди:

«Вильям атак-чечак кила бошлагандга онаси унинг қўкрагидан шу ходача учига боғлаб қўйиб, юмушини бемалол бажара-верар экан. Ходачани ушлаб олган бола олди ва орқасига йи-килмай юриб, овуниб ўтиради».

Муаллиф саёҳатда бўлган юртларнинг бетакрор манзарасини чизади. Ҳар бир халқнинг ибратли урф-одатлари, маросимларига диккатимизни жалб қиласди. Ният шулки, дунё кезиш орзусида юрган инсонларни Шарафиддин Кўнчи билан дунёning турфа мамлакатларига сайру саёҳатга чорлаймиз.

ИТАЛИЯ ВА МАРОКАШДА

Римда ўтмиш меъморий ёдгорликлари, музейлар, расм галереялари шу қадар кўпки, у ерга уч-тўрт кунга борган сайёх ҳаммасини кўриб улгуролмайди: Гарibalди обидаси, авлиё Пётр ибодатхонаси, Боргези галеряси, Колизей... Қадимги Рим империяси даври – милоднинг 75–80-йилларида қурилган Колизейда 50 минг чамаси одам йигилиб, гладиаторларнинг чинакам наизабозлиқ, қиличбозлиқ жангларини, йирткич ҳайвонлар билан олишувларини томоша қилган (Колизей – лотинча колосей – улкан, баҳайбат сўзидан келиб чиккан).

Колизей деворида қўл сиғадиган коваклар бўлиб, унга терилган тошларни бир-бирига маҳкамлаш учун ўша замонда шу ковакларга қўрғошин қўйилган экан. Иккинчи жаҳон урушида ўқ тайёрлаш учун қўрғошин танқис бўлиб қолганида Колизейнинг шу қўрғошини эритиб олинибди.

Бу давлатда шахснинг эрки, хуқуки нақадар юксак эканлигини битта мисолдан билса бўлади: Колизей рўпарасидаги тепаликда Италия халқининг қаҳрамони Гарibalдининг отлиқ ҳайкали турибди. Ҳайкалнинг ёни боғ бўлиб, у қаровсиз ҳолда эди. Тўғрироги, уни чакалак-боғ деса ҳам бўлади. «Боғ»нинг теварағи ўраб қўйилган. Таажжуб билан сўрасак, у бир графнинг хусусий мулки бўлиб, ворислари богни шаҳарга на сотар, на инъом этар экан.

Шундан 15 йиллар ўтиб, яна Римда бўлганимда «боғ»нинг ахволи ўша-ўша эканлигини кўрдим. Шаҳар гоятда серқатнов, дунёдаги ҳар бир русумдаги автомобилларни кўриш мумкин. Шу билан бирга файтунга тушиб манзилга шошмай, бафуржа борса ҳам бўлади. Файтунга ҳам чўт ўрнатилган, ундаги кира ҳаки таксидан икки баравар киммат. Ана шунаقا, «чидаганга чиқазган».

Шаҳардаги муҳташам Треви фавворасининг суви 40 километр наридаги булокдан кувур ётказиб келтирилганига мана 500 йил бўлибди, римликларнинг айтишларича, шу оромгоҳ сувидан ичиб, унга танга ташлаган сайёҳ қайтиб яна шу ерларга келишга мұяссар бўлар эмиш. Ҳар қалай, бундан анча

йил аввал мен ҳам танга ташлаган эдим – буни қарангки, яна бориб күриш насиб күлди...

Мамлакатнинг шимолидаги Флоренция шаҳри сари кетар экансиз, йўл-йўлакай кичик-кичик шаҳарларнинг ҳам бинолари, кўчалари неча асрлик обидалар бўлиб қолганлигига шохид бўласиз.

Одамга ҳаво керак бўлганидек, иморатта ҳам «ҳаво» керак. Флоренциянинг энг улкан бутхонаси Санта-Мария дель Фьоре олдида майдон йўқлигидан бикиқ бўлиб қолиб хусн-латофатини намоён этолмаган. Сарфланган шунча меҳнат «кўринмай қолганлигига» ачинасиз. Ҳолбуки, ундан сал наридаги катта бир майдон этагига тушган чоғроқ бутхонанинг олди яйзара бўлганлигидан, у «кўкракли» кўринади, халқ ҳам шунисини ардоклади.

Худди шунга ўхшаш аҳволни Чехиянинг Прага қремлида ҳам кўргандим. Кейин қурилган ҳукумат бинолари бутхонани тўсиб кўйганлиги натижасида унинг кўрки йўқолган. Яқиндан туриб қараганда унинг бўй-бастини буткул илғаб ололмайсиз.

Флоренция вилоятининг серсув – шолипоя далалари қўп экан. Чигитдай-чигитдай десам муболага бўлмас – «қозонбузар» гуручни шу ерда кўрдик.

* * *

Марокаш – араб дунёсининг нариги чеккасида, уларнинг айтишларича, Мухити Атлас – Атлантика океани бўйида. Шундан бўлса керак, араблар уни Мағриб ал-Ақса, яъни Узок Фарб дейишади.

Касабланка замонавий шаҳар. Баланд-баланд иморатлар орасида хиёбонлар қарқара бўлиб турибди. Бир чеккасида қадимги бозор ва бир ёқда кўчаси юзига ҳам паркет қопланған расталар. Шаҳар маҳкамаси олдидағи истироҳат боғидаги «Ранг ва оҳанг» фаввораси Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг хайр-эхсонига қурилибди. Фавворадан отилаётган сув чалинаётган мусиқага мос тусда товланиб туради.

Шаҳар номи испанлар давридан қолган. Мағрибликлар бу жойни «Дар ал-Байда», яъни «Оқ уй» дейишган. Испанлар эса бу номни ўз тилларига ўтириб, Касабланка деб юборишган. Ҳозир шаҳарни ўша эски номига қайтариш-қайтармаслик масаласи муҳокама қилинаётган экан (Жазоир шаҳрида эса Дар ал-Байда деган аэропорт бор).

Дарҳақиқат, баландга чиқиб қарасангиз, тоши ва гишти оклигидан бўлса керак, шаҳар оппок бўлиб кўринади.

Работдан юз эллик чақирим чамаси шаркда Мағрибнинг

илгариги пойтхати Мекинес жойлашган. Шу шаҳар яқинидаги Рим империяси замонига мансуб Валибулис шаҳри харобалари ҳозирда ҳам кишини ҳайратда қолдиради. Шаҳар катта бир тепаликка курилган ва шу ерда ўсуви мойчечакка ўхшаш валибула чечаги номи билан аталган. Унга батанд акдведук-кўтарма нов орқали сув келтирилган. Умуман якин 3000 йиғлиқ тарихга гувоҳ бўлган бундай шаҳарларни ўша замон тоштарошлигининг обидаси дейиш мумкин. Ҳаммомининг кошинкор ҳовузлалига ҳозир ҳам сув қуийб чўмилса, тош жувозига эса зайдун магзини тўкиб ёф чиқарса бўлади. Зотан, атрофдаги зайдунзорлар, валибула чечакзорлари бу гапларга «тирик» шоҳид бўлиб турибди.

Олис-олисларда дехқонлар ерда куйманишмоқда. Уларнинг ер майдонлари бир-биридан девор ўрнига кактус экиб ажратилган бўлиб, ундан на одам, на ҳайвон ўта олади. Иклими юмшоқ – йил ўн икки ой дехқончилик қиласа бўлади.

Ундан наридаги Фас шаҳри ўрта асрларда қандай бўлса шундайлигича сакланган.

Попукли тўққизил ҳожи дўппи – Фас дўпписининг ватани шу ер. Ҳунармандларнинг расталари бир-бирига туташиб кетган бўлиб, ҳам устахона, ҳам дўкон вазифатарини ўтамокда.

Шаҳардаги «Хотинмасжид» деб аталмиш кўхна бир масжидга кирдик. Ҳовли ўртасидан ўтган катта ариқда лиммо-лим сув оқмокда. Масжиднинг сиркори айвонлари, нақшлари биздаги масжидларникига ўхшаб кетади.

Работ шаҳридаги саёҳат дастурига мувофиқ «Ботаника боғи» сайри бор эди. «Боғда нимани ҳам кўрардик» деб шаҳарда қолган ҳамсафарлар ҳам бўлди. Аммо боғ баоят ўзига хос бўлиб чиқди: юз гектар чамаси ерда бутун Африка набототию дов-дараҳатлари ўстирилган. Табиий ҳолида қандай ўssa – боғда ҳам шундай чакалакзор бўлиб кетган. Боғни кўриш учун сўқмоклардан юрасиз, яккачўлардан, осма кўприклардан ўтасиз. Ивир силаб қолсангиз, адашиб кетишингиз хеч гал эмас. Хуллас, биз билан бормаганлар армонда қолди.

Танжер шаҳри Гибралтар – арабларнинг айтишларича, Жабал ат-Тарик бўғози бўйидаги порт эмасми – бутун дунё кўргазмаси деса бўлади: Япония, Хитойдан тортиб Америкагача нимаики мол тайёрлаб чиқарилган бўлса, шу ерда мұҳайё. Дўкондорлар жамики Ўрта денгиз мамлакатларининг тилини билади. Бир дўкондорнинг ҳамсафарларимдан бирига таъна килиб тургани кулогимга чалинди: «Арабча билмасант, инглизча билмасант, франсузча билмасант, испанча билмасант, итальянча билмасант, юнонча билмасант – қанақасан ўзинг?!»

Кўча бўйидаги қаҳвахоналарда мағрибликлар қаҳва, чой, кока-коладан ҳам кўра кўпроқ янги терилигган ялпиз солиб дамланган ширин чойни хуш кўриб ичишяпти. Бир ёқда ажабтовор уст-бош кийган мешкобчи кўнғироқ чалиб, келаётганидан огоҳ қилиб бормоқда. Мешкобнинг оғзига расмана жўмрак ўрнатилган. Стаканларини эса овчининг ўқкамарига ўхшатиб териб олган.

Дўконларнинг биридан совға-салом ҳарид этиб чиқаётиб витринасига кўзим тушди: мис, чинни асбоблар орасида хочга тортилган Исо ҳайкали ҳам турибди. Ҳайрон бўлдим (бу мамлакатда яхудийлар, Фас шаҳри тарафларида эса ҳатто мусулмонликни қабул қилган яхудийлар ҳам бўрлигини айтишганди). Дўкондор йигитга ўтирилиб:

- Мусулмонмисиз? – дедим.
- Алҳамдулилоҳ!
- Йўқса, мана бу нимаси, – дея бояги ҳайкалчани кўрсадим.
- Э жаноб, буни бизнес дейдилар, бизнесга тўғри келса, Исо ҳайкали тугул буту бутхона анжомларигача пуллайверамиз...

Ҳавана – Москва ҳаво кемаси йўлда фақат бир ерга – Работга қўниб ўтаркан. Олти соатдан сўнг Москвада бўлдик.

БИРОДАРЛАШГАН ТУНИС

Биз Тошкент билан биродарлашган Тунис шаҳрига жавоб ташрифи билан боргандик. Делегация таркибида Тошкент шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг ходимларидан ташқари шаҳардаги институтларнинг олимлари, илгор ишчилар, филармониянинг артистлари ҳам бор эди.

Тунис шаҳри Ўрта дengиз бўйида милоддан илгари гуллабишишнаган қадимги Карфаген шаҳри харобалари ёнида қад кўтариб турибди. Карфаген сўнгра римликлар қўлига ўтган. Ўша замонларда курилган ҳаммомлар, театрнинг харобалари шундокқина дengиз бўйида. Шу театрда ҳамон мусиқа ва қўшиқ фестиваллари ўтказилиб тураркан. Бизнинг «Баҳор» ансамблимиш шу фестивалларнинг бирида биринчи ўринни олибди.

Тунисдан чикиб, жанубдаги қадимий Кайрувон шаҳри сари боряпмиз. Йўлнинг икки ёғи зайдунзорлар. Мамлакатда жами 30 миллион туп зайдун бўлиб, иилига 170 минг тонна зайдун ёғи берар ва шу жиҳатдан у Африка китъасида биринчи ўринда тураркан.

Узоқ-узоқларда сардобалар ҳам кўриниб қолди. Тунислик-

лар ҳамон улардан фойдаланишар экан. Сардобалар қўшалоқ қилиб қурилган бўлиб, гумбази кошин билан қопланган. Гузарларда болалар итқовунга ўхшаб кетадиган бир мевани таклиф қилишарди. Бу нарса кактус меваси бўлиб чиқди.

Кайрувонга ҳам етиб бордик. VI – XI асрда араблар қурган машхур масжиди жомеъ ҳамон ишлаб турибди. Масжиддаги обхона кишининг эътиборини жалб қиласди. Сув тақчил жойлар эмасми – масжиднинг текис тош ётқизилган каттакон ховлиси нишаб қилиб ишланиб, ёккан ёғин ўрталиқда ер остига қазилган ҳовузга йиғиб олинаркан. Ҳовузнинг қудукникига ўхшаб ишланган оғзидағи тош чамбар сув тортиб олувчи арқон ишқаланаверишидан ариқча-ариқча бўлиб кетибди.

Мамлакатдаги ҳамма шаҳарларнинг қадимий қисми – касба кўл тегизилмай сақланган. Шаҳарнинг замонавий кўчатари, бинолари қадимий қўргон деворидан ташқарида жойлашган. Касба ичи эса гиж-гиж расталар: мискарлик, атторлик, қассоблик, бazzозлик¹, саҳҳофлик², саррофлик³, саррожлик... (йўғе, энди от абзаллари ўрнига автомобиль эҳтиёт қисмтари ни сотувчилар).

Туниснинг янги шаҳар қисмida бутун бир кўчанинг икки ёғида автомобиль қисмлари билан савдо қиласидиган дўконлар жойлашганди.

Мискар усталар ясаган асбобларнинг ҳар биттасини санъят асари дейиш мумкин: баркашлар, кўзалар, обдасталар, читимлар, исириқдон, шамдонлар растани тилладек ярқиратиб юборган.

Тунисдаги давлат музейи – Бордо саройида ўймакор устарларнинг ишини кўриб танг қолдик. Ганч ўймакорлиги ҳеч му болағасиз уқадек нозик қилиб ишланганди.

... Хайрлашув кечаси Тунис дўстлик жамияти аъзолари билан учрашув бўлди. Сўнг Тунис этнографик ансамбли, сўнгра Тошкентдан борган артистлар ижросида қўшиқ ва ракстар янгради. Хонанда Олимжон Орифжоновнинг яллалари, ракқоса Моҳиҷеҳра Исломованинг ўйинлари тунисликларга, айниқса, манзур бўлди.

ҚИБРИС ОРОЛИ

Кемамиз шаҳарга шом маҳали етиб борди. Шу кўйи шаҳарга чиқмай ёта қолдик. Тонг паллада уйгониб, кеманинг тўгарак дарchasидан қарасам – мўъжаз бир шатакчи кема ўтиб кетаётган-

¹ Газламафурушлар.

² Китобфурушлар.

³ Пул майдаловчилар ва пул алмаштирувчилар.

лигига қўзим тушди. Унинг номи нима экан денг: «Отелло». «Ия, бу қандоқ бўлди?» Э, ҳа, биз туркларнинг аташларича Киприс оролидамиз: венециялик Отелло фожиалари юз берган юрт. Ўзиники бўлгач, номини хоҳ катта кемага, хоҳ кичик кемага қўяверади-да!

Орол-давлат пойтахти Никозияда ўша венецияликлар истилоси даврида қурилған истехком саройлар сакланган. Кипрда илгари турклар билан греклар араплаш яшашган. Ўртада «низо» чикқач, турклар шимол қисмини, греклар эса жануб қисмини эгаллашган. Никозия ҳам шу тахлитда бўлиб олинибди. Аммо, туғилиб ўсан жойидан кўчишга унамай – жанубдаги Лимасолда қолиб кетган турклар ҳам бор. Шундокки, ҳозирда ҳам кипрли уч-тўрт грекдан биттаси албатта туркча сўзлаша олади. Кўчанинг ўнг тарафида бутхона бўлса, сўл тараф рўпарасида масжидни кўрасиз.

Никозиянинг пинжидаги ресторонларнинг бирида тушлик қилиб бўлганимиздан сўнг қибрисликлар бир оз «кўнгилхушлик» ўюштириши. Мусика, ўйин, ашулалар бўлди. Бизни ҳам ўртага тортишди. Шунда бир гаройиб синоат юз берди...

Гуруҳимиздаги йигитлардан бири ўша чалинаётган оҳангларга чунон ракс қилдики, қибрисликлар «бақа бўлиб» қолиши: «во ажаб, бизнинг мусиқага ҳам шунчалар ажаб ўйинга тушса бўларканми-а?» деган маънони уқиб олардингиз уларнинг ҳайратомуз чехраларидан. Тўғрисини айтсам, мен ҳам эркак кишининг бунчалар ракс қилишини ҳали сира-сира кўрмагандим.

Кўйинтки, шу куни издиҳомнинг «улоги» ўша йигитда кетди.

Суриштирсам, ракқос йигит Сирдарё вилоятида банк хизматчиси экан. Аттанг-аттанг, юзлаб ва ҳатто минглаб дуруст банк хизматчиларини бемалол тайёрлаб чиқариш мумкину, аммо шу йигитдай санъат соҳибини худо аҳён-аҳёнда битта яратади.

Дарҳақиқат, «Эгамнинг ғазнаси кенгдур, тилаган бирла оз ўлмас» экан.

Орол қадим замонларда мис конлари билан машхур бўлган. Номи ҳам лотинча купрум-мисдан келиб чиқкан. Ҳавоси жуда майин. Умуман Ўрта дengiz теварагидаги мамлакатларнинг ҳаммасида шундай – қиши йўқ, ёзи жазирама эмас. Шундан бўлса керак, бу ернинг ҳамма ёғи зайдунзор. Зайдун барги толникига ўхшайди, лекин бир оз оқиши. У ҳамиша кўм-кўк – бирини тўйса ўрнини бошқаси тўлдираверади, ер танламай неча юз йиллаб яшайди. Қадимги юнонларнинг олимпиада чемпионлари бўйнига зайдун чамбар таққанликлари бежиз бўлмаган.

Кипрликлар куёш энергиясидан фойдаланишни бошлаб юбо-

ришибди. Имаратларнинг томларида қуёш нурини электрға айлантирадиган, офтобни сув иситишга йўллаидиган мосламалар ўрнатилган.

КЎХНА ТЕАТР

Юноистоннинг гарби-жанубидаги Полопоннес ярим оролини саёҳат килар эканмиз, Эпидавра деб ататмиш кентда тўхтадик. Афинадан 150 километр наридаги бу кент театри билан машҳур экан. Карагай ва сарв дараҳтзорлари қўйинидаги очик театрнинг 14 минг киши бемалол сифадиган ўринлари тепалик ёнбағрини ёй монанд эгаллаган бўлиб, саҳнаси пастда – худди циркницидек доирадан иборат.

Милоддан уч аср аввал меъмор Поликлет лойиҳаси билан курилган бу театрнинг акустикаси кишини ҳамон лол қолдиради: роҳбин ўша саҳнада туриб қофозни ғижимлаб ёзди – энг тепада ўлтирган менга ҳам қофоз худди кулоғим тагида шитирлаёттандек бўлиб эшитилди. Саҳнага танга итқитиб ташлаган эди – унинг жарангি баани ўзим ташлагандек яқиндан эшитилди.

Умуман Ўрта денгиз теварагидаги ҳамма мамлакатларда шунақангি кўхна театрларни учратасиз. Неапол яқинида вулқон кули остидан очилган қадимги Помпей шахридаги театр, Афинанинг ўзидағи антик театрлар, Мағрибдаги, Тунисдаги театрлар ҳам худди шундай эди.

Кўп ўйлаб, бундай акустиканинг сири ўринларининг қиялик бурчагига боғлиқ бўлса керак, деган холосага келдим.

Қайтишда ярим оролни оролга айлантирган Коринф каналини кесиб ўтдик. Канал ўтган асрда қазилган бўлиб, Крит дентизи билан Иония денгизини бир-бирига боғлаган.

ИНГЛИЗЧА ТАЪЛИМ

Республикамизда талабалар олий ўкув юртларига тест синови билан қабул қилинадиган бўлди. Шу хабарни эшитдиму, Англия Оксфорд университетига талабалар қабул қилиш усули ёдимга келди.

Лондондан автомобилда бир ярим соатлар чамаси юртладиган масофа наридаги Оксфорд бир улкан университет ва унинг хизматини бажарадиган турли майший корхоналар, кутубхона, спорт залларидан иборат бир шаҳарча. Англиянинг кўпдан-кўп зодагонлари, олимлари шу нуфузли олий мактабни битириб чиккан кишилардир.

Ўқиши пуллик. Одатдагидек, кириш имтиҳонлари ҳам топширилди. Ўқувчи имтиҳонларни яхши топширган тақдирда ҳам дархол талаба бўлиб қолавермайди.

Университетда 43 та кафедра бор. Ўқувчи бу олий ўқув юртига қабул қилинса, қайси кафедра бўйича таълим олажагини дастлаб ёзган аризасида кўрсатган бўлиши керак. Университетта киришнинг сўнти босқичини ани шу кафедра мудири билан ўтказиладиган сұхбат ҳал қиласи. Мудир сұхбат чоғида маъкул ва матлуб деб топсагина, абитуриент талабаликка қабул қилинар экан.

Энди талаба яхши ўқиби кетса хўб-хўб. Борди-ю тузук ўқий олмай университетдан ҳайдаладиган бўлса, талабага қўшиб уни қабул қилган ўша кафедра мудири ҳам ҳайдалар экан. Лекин бундай ҳоллар камдан-кам рўй беради, дейишиди.

ШЕКСПИР ВАТАНИ

Лондондан автобусга чиқиб шимоли-ғарб сари икки соатлар чамаси юргач, Шекспир туғилиб ўсган кент – Стратфордга етиб келдик. Мўъжазгина шахарча. Адиб туғилган ҳовли музейга айлантирилибди. Ўчоқбошида бир учи кашакли турумда айланадиган қилиб ишланган пастак узун бир ходача кишининг дикқатини жалб этади.

Вильям атак-чечак қила бошлаганида онаси унинг кўкрагидан шу ходача учига боғлаб қўйиб, юмушини бемалол қиласевар пар экан: ходачани ушлаб олган бола одди ва орқасига йиқилмай юриб (жувозга кўшган отдай) овуниб ўтиради.

Каттагина ҳовлидаги чимзор, гулзор, текис кирқилган ямияшил буталарни кўтарар экансиз, эгаси хозир чиқиб қоладигандек туолади.

Шу кўчадан сал нарида Шекспир дафн этилган бутхона ҳам турибди. Кириб зиёрат қилдик. Ҳовлиси тизза бўйи келадиган тошқаламағовдерор билан ўралган. Чамаси мол-ҳол кирмасин учун кўтарилган бўлса керак.

Кун кеч бўлиб қолганди. Бир вақт қарасам – ҳамсафарларим кетиб бўлишибди, сўппайиб ёлғиз ўзим қолибман. Довдараҳтларда қаргалар гужгон ўйнар, бутхона ичкарисида эса Шекспирнинг қабри гира-шира кўринарди...

Лондон сари қайтар эканмиз, бир пайт роҳбин ўнг тарафга ишора қилиб: «Черчилнинг боғи» деди.

ЖАННА д'АРК

Оврўпа бўйлаб айланадиган кемамиз Франциянинг Ҳавр портига келиб лангар ташлади. Биз автобусларга тушниб, Париж сари кетаяпмиз. Пешинга яқин Руан шаҳрига етиб кеңдик. Шу ерда тушлик ҳам қиласидиганимиз.

Франция халқининг миллӣ қаҳрамони Жанна д'Арк мана шу шаҳарда қатл этилган. Марказий кӯчалардан бирининг четидаги пастаккина бир супада ўтда куйдирилаётган Жаннанинг ҳайкали турибди.

XV асрда Францияни ёв босганида кўшин енгилади, кирол эса қочади. Мамлакатнинг кўптина феодаллари ёв томонга ўтиб кетадилар. Заминдорлар Франциянинг бошига тушган фалокатни даф қила олмайдилар. Шунда оддий бир дехқон қизи Жанна Франция халқининг озодлик курашига раҳбарлик қўтиб, мамлакатни оёққа турғизади ва ённи эсанкиратиб қўяди.

Зодагонлар тобора қулоч ёзib бораётган халқ ҳаракатидан ва Жанна д'Аркният тобора обрў-эътибор қозонаётганидан чўчидилар. Кўйингчи, Жанна кўшини кенг майдонда душман билан олишиб бўлиб, бир истеҳкомга кириб кетаётганида хонин зодагонлар қалья қопқасини ёлиб, кейинда келаёттан Жаннани химоясиз қолдирадилар ва асири олинишига сабабчи бўладилар. Кўшин эплолмаган, кирол эплолмаган, зодагонлар эплолмаган ишни «қора халқ»нинг оддий қизи улдалаши уларнинг обрўсини, салтанатини кунпаякун қилар эди-да!

Ёв – инглизлар ўзларига неча бор қақшатқич зарбалар берган Жаннани назардан қолдириш учун мугаассисиб католиклар орқали уни жодутар деб эълон килишади «бизни жоду кучи билан енгиб келди», – дея жар солишиади. Франция кироли эса Жаннани қутқариш учун ҳеч чора кўрмайди. Бечора Жанна «юртимга қайтиб бориб чўпонлигимни яна қиласерай» деб ҳарчанд илтимос қиласин, унинг илтижоларига ҳеч ким кулоқ солмайди. Ниҳоят, бокира қиз Жанна «Жодугар» деб ҳукм чиқартирилиб, мана шу биз кўриб турган жойда ўтда ёқиб ўлдирилади. Бу воқеа 1431 йилда содир бўлади, ўшанда қиз эндиғина 19 га кирганди.

... Тушликни бизнинг эски синчли ҳовлиларимизга ўхшаб кетадиган икки қаватли бир ресторонда килдик. Унга ичкари ҳовлидан камбар зинапояларни айтаниб юриб кўтарилидик. Емак-хонасининг шифти эса «ла ҳавла ва ла қувватла илла биллаҳил алиюл азим...» бизнинг қадимги ўлларимиздек ўн бир ёғочли ва ораси тоқили эди.

ПАРИЖ ПАНТЕОНИ

Пантеон – халқ эъзозлаган буюк сиймолар дағын этиладиган муқаддас бир турбатады.

Унинг пештоқига «Буюк сиймоларга миннатдор ватандан» деб ёзіб қўйилибди. Бу ерда мутафаккирлардан Волтер, Руссоларнинг, ёзувчи Виктор Хюгонинг, кимёгар олим Бертлу ва бошқа кишиларнинг хоки ётибди. Шунингдек, қўзи ожизлар хатининг ижодкори Луи Брайл ҳам шу ерга қўйилганди.

Турбат ходими бу ерда ётган азизларни булбулдек овози билан бирма-бир таърифлар экан, улар орасида биттаю битта хотин киши ҳам «абадий уйқуда» ётганлигини, бу – ўша Бертушинг рафиқаси эканлигини ҳам айтди (бизда «Бертоле тузи» сифатида машхур бўлган тузи ихтиро этган киши шу бўлади). Чунки унинг хотини эри ўлганидан сўнг уч соатгина яшаган. Жудоликка бундан ортиқ чидомаган. Шундан сўнг юртнинг катталари эр-хотин майитларини бир-биридан ажратмасликка қарор қилишган экан.

1995 йилнинг апрелида икки марта Нобель мукофоти совриндори, радиј элементининг кашфиётчилари Мария Кюри Складовская билан унинг эри Пьер Кюри хокларини кўчириб келтириб, шу пантеонга дағы этиш маросими бўлди.

Пантеонга бундан бўён муносиб аёлларнинг хоклари ҳам кўйиладиган бўлди.

БЕЛГИЯ САЁҲАТИ

Белгиянинг бош кенти Брюссел Тошкентдан чоғроқ бўлса ҳам, аҳолисининг сони баравар келар экан. Ҳаммаёкни босган «жонли» реклама чироклари минглаб хил буюмларни, нарсаларни сотиб олишга чорлайди. Ўн қаватли бино устида чироклар воситасида ясалган катта автомобиль шинаси турган жойининг ўзида «ғилдираб» турибди. Бу – шина ишлаб чиқарувчи аллақандай фирманинг реклами.

Бутун шаҳар кўчаларига тўртбурчак тошлар ётқизилганди. Кўчаларнинг икки ёни – сон-саноқсиз дўкон, қаҳвахона, пивохона, ошхона, ресторан, кинотеатрлар.

Кечқурун кўп одамлар кўча ёқасидаги столлар ёнидан жой олиб, пиво ёки сув ичиб ўлтиришибди. Бир шиша сув дастмоя – икки-уч соат дам олиб кетишади.

Брюсселнинг маркази «Грант палас» Тошкентдаги Эски жўва майдонича келади. Майдоннинг атрофида шаҳарнинг кўхна, мухташам бинолари қад кўтарган. Шаҳар маҳкамасининг минораси

юз метрларга борар. Шу бино бундан беш юз йыл бурун қурилган экан.

Миноранинг ички деворларига шахар тарихига онц расмлар, ўрта асрлардаги турли ҳунармандларнинг портретлари ишланган, Белгия подшосининг мармар бюстси кўйилган.

Авлиё Гудулла бутхонаси Брюсселдаги энг қадимий, улкан бинолардан бири. У XIII асрда курила бошлаб XV асрда битказилган экан. Бу ерда биз инсон идрокининг беназир санъатларидан бирини кўрдик. Бу нарса – бутхонанинг кафедраси эди. Кафедра теварагига ёғочга ўйиб ишланган «Одам Ато билан Мома Ҳавонинг жаннатдан қувилиши» деган экспонат-манзара ишланган. «Жаннат боғи» ва ундаги товус, бургут, маймун, парилар, афсонавий жониворлар, ўсимликлар ниҳоятда жонли, табиий ишланган. Кўйингчи, куш патларининг чизиклари, дарахт баргларининг томирларигача бўртиб турибди. Манзарага дастлаб узоқдан қараганингизда у бронзадан қуиб ясалганга ўхшайди. Яқинига бориб чертиб кўрганингиздан кейингина унинг ёғочдан ишланганини биласиз. Асрлар оша ёғоч қорайиб бронза тусига кирган. Уни антверпенлик ҳайкалтарош Хенрих Ванбрюген ишлаган экан.

Брюсселдан 24 километр наридаги Малин кенти авлиё Ромбо бутхонаси ва қўнгироқ чатувчилар мактаби билан шуҳрат қозонган экан. Бутхонанинг қўнгироқхонаси баланд минорада бўлиб, унга биркам элликтакатта-кичик қўнгироқ осилган. Шу қўнгироклардан тортилган тизимчалар пианинога ўхшатиб ишланган клавишларга bogланган. Қўнгироқ созандаси шу клавишларни босиб исталган мусиқа асарини чала оларкан.

Кентга кириб келганимизда ёмғир ёғиб турар, баланд минорадан чиқаётган вазмин, ёқимли қўнгироқ садолари нотаниш, гўзал бир оҳангни шаҳарга таратарди. Кўнгироқда музика чала билиш учун бутун бир мактабни битириш кераклиги бежиз эмас экан (русча «Малиновый звон» иборасини ана шу шаҳарга мукояса килишади).

Машҳур Ватерлоо кишлоғи Брюсселдан 18 километр жанубда. Маътумки, 1815 йил Ватерлоода коалиция (Англия, Голландия, Пруссия) қўшинлари Наполеонга қақшаткич зарба берган эдилар. Бу жанг натижасида Наполеоннинг 130 минг кишилик қўшини енгилиб, чекинишга мажбур бўлган эди.

Шу урущда Голландия шаҳзодаси д'Оранж яраланган жойда бўйи 45 метрга борадиган тепалик уйилиб, унинг устига улкан шер ҳайкали кўйилиби. Шу шер Франция тарафга қараб турибди. Ана шу собиқ жантгоҳда сигирлар ўтлаб юрибди. Четроқда эса автомобилларида келган зиёратчилар кўм-кўк

ўтлокқа кала тикишиб дам олишяпти. Атрофдаги дўконлар, пивохоналарда савдо қизиган. Дўконлардан Ватерлоо манзаралари акс эттирилган неча юз хил совфа буюмларини харид этиш мумкин.

Ватерлоо билан Брюссель ўргасидаги қишлоқда Виктор Ҳўого яшаб ижод этган уй сакланган.

Брюсселнинг шимолий чеккасидаги истироҳат боғи – Хейзелда 1958 йилги жаҳон кўргазмасидан ёдгорлик – «Атомиум» қад кўтарган. 1889 йилги Париж жаҳон кўргазмасига қурилган Эйфел минораси «пўлат асри»нинг рамзи бўлса, «Атомиум» – XX аср – «атом асри»нинг рамзи. Унинг бўйи 102 метрда боради.

«Атомиум» – сиртига алюминий югуртирилган пўлатдан қурилган. У темир молекуласи чизмасининг 160 миллиард баравар катталаштирилган шаклидан иборатdir. Темир молекуласининг тўққизта атомига ҳар бирининг диаметри 18 метрдан келадиган ичи ховол шар ишланган бўлиб, шу шарлар диаметри 3 метрдан келадиган қувур металл конструкциялар орқали бир-бирига бирлаштирилган.

«Атомиум»нинг ҳар бир шари каттакон бир залdir. Томошибинлар бир залдан иккинчи залга металл конструкцияларнинг ичига жойлаштирилган эскалаторлар орқали ўтадилар. Марказий колоннада жойлашган лифт 20 секундда энг чўкки шарга олиб чиқади, бу ерда ресторон бор. Қуий шарларда эса, турли мамлакатларда атом энергиясидан тинчлик мақсадларида фойдаланиш соҳасида эришилган тадқиқот ишларининг самаралари намойиш қилинган. Энг остки шарнинг тагидаги айланна бинода совфа-саломлар дўкони бор, унда сотиладиган ҳамма нарсаларга «Атомиум» расми туширилган ёки кичик атомиум шакли кўшиб ишланган.

«Атомиум» шарларига кечаси боқсангиз, унда жимиirlab ёнувчи минг-минглаб юлдузчалар темир атоми электронлари-нинг айланишини ифодалайди.

Биз Белгияга кемада келиб Антверпен портига лангар ташлаган эдик. Уйимиз ҳам кема. Шаҳардан жой банд килмадик. Ҳар куни автобус бизни Антверпендан Брюсселга 40–45 минутда элтиб қўяди. Бора-боргунча атрофдаги хушманзара жойларни томоша қўламиш. Ҳаммаёқни турли рекламалар тутган. Уйларнинг деворлари, ҳатто том черепицаларигача реклама ёзувлари туширилган. Бу ҳам камлик қилганидек, осмонга варрак янглиг учирилган рекламалар ҳам бор. Масалан, аллақандай ичимликнинг тол бўйи келадиган шишаси ишланиб, ичига енгил газ тўлдириб осмонга учирилган. Шиша чилвир билан газ

баллонига боғлаб қўйилибди. Ёхуд шу зайдада иштаган сигарета ва печенье қутиси ҳам осмонга учиритган. Улар бир неча километр наридан ҳам кўриниб туради.

Брюссел сари борар эканмиз, забардаст бир йигитнинг зулм кишишларини парчалаб қад кўтараётган холати тасвирланган ҳайкалга қўзимиз тушди. Унинг орқасида эса тикашти сим билан ўралган катта майдон, кимсасиз пастак бараклар кўринади. Бу – собиқ немис қамоқ лагери Брендонк. Иккинчи жаҳон уруши йиллари шу лагерда Белгиянинг уч минг ватанпарвари азоблаб ўлдирилган экан. Шунинг учун ҳам атрофдаги бир карич ерни ҳам ишловсиз қолдирмаган белгияликлар мусибатли кунларнинг шохи迪 сифатида шунча майдонга экин экмай саклаб кўйишган.

Антверпендаги Қирол музейига атокли рассомлардан Рубенс, Ван-дейк, Иорданс ва бошқаларнинг ўлмас асарлари кўйилган. Бу ерда Рубенснинг уй-музейи, Нафис санъат музейларища ҳам бўлдик.

Музей хоналарига шифтга ўрнатилган деразалардан ёруғлик тушади. Иситувчи радиаторлар хонанинг ўртасига ўрнатилган бўлиб, тевараги креслолар билан билинтирмай тўсишган.

Антверпендан Шелда дарёсининг жанубий кирғоғига ўтиш учун тоннел қазилган бўлиб, унинг 700 метридан пиёдалар, 3 километрга борадиган иккинчи қисмидан эса автомобиллар ўтиб турибди. Антверпенда қадимий «икки арава ҳам сиғмайдиган» кўчалар бор. Шаҳардаги асрий биноларнинг учига қараидиган бўлсангиз «дўппингиз ерга тушади».

Ватанга жўнайдиган кун минглаб антверпенликлар кемамиз ёнига келдилар. Шаҳар марказий кўчаларидан бирининг охири порт устига қурилган бостирилага келиб туташади. Шу бостириманнинг усти ҳам, ости ҳам кузатувчилар билан лиқ тўлган эди. Бир вақт кема оркестрига жўр бўлиб қўшиқ бошланиб кетди: пастда қўшиқ айтгаётганларнинг бошловчилари бизнинг роҳбинларимиз. Уларнинг кўтчилиги муаллимлар, тътил маҳали эмасми, сайдёхларга роҳбинлик қилишган.

Кема куйруғига яқин четроқда турган бир кекса бизга қаратса қўл силкиди-да, рус тилида чала-чулпа сўзлай бошлади:

– Тошкентни биламан, пахта олгани борганиман. Анча бўлган. Энди қариб қолдим, – у лабларини кўтариб милкини кўрсатди, оғзида битта ҳам тиши йўқ, – пахтакорларга салом айтинг...

Шу зайл байрамона зўр тантана бирор соат давом этди. Қуёш уфқقا ботгач, секин жила бошладик. Кемамиз Шелда бўйлаб сузиб, Шимолий дengиз сари йўл олди.

КОПЕНГАГЕН САВДО ПОРТИ ДЕГАНИ

Копенгаген – мўъжазгина шаҳар. Йўловчи кўрфазига истироҳат бοғи туташиб кетган. Ресторан, кўрфаз омбори томларига тупроқ солиб гулзор қилингти.

Шундокқина кўрфаз ёқасидаги беш-олти туп теракни кўрибок ўз юртимни эсладим. Бу ерда ҳам худди биздагидек тераклар ўсиб турипти.

Кўрфаз сувининг тиниқлигини кўриб ҳайрон қолдим. Еврўпа кўрфазларининг биронтаси ҳам бу жиҳатдан Копенгагенга бас келолмайди.

Шаҳар кўчалари озода, хиёбонлар кўп. Айтишларича, европаликлар бу ерга дам олгани келиб туришар экан.

«Сув париси» шаҳарнинг донгини дунёга ёйган рамзий бир ҳайкалдир. Бу ҳайкал кўрфаз ёнидаги қирғоқ тошларидан бирига ўрнатилган: гўё пари сувдан бош кўтаргану, биринчи учраган тош устига чиқиб ўлтирибди.

Машхур эртакчи Андерсен ҳайкали шаҳар марказидаги пастакина супачага ўрнатилган.

Копенгагенликлар велосипедда юришни хуш кўришаркан. Кекса ҳам, бола-бақра ҳам велосипедда, хуллас, кўчаларни велосипед чигирткадек босган. Катта кўчаларнинг икки четига алоҳида велосипед йўллари қурилган.

Майдоннинг бир чеккасидаги қўндокларда икки-уч велосипед турибди. Шиналари ёрилиб кетган. Бир-икки ой ўтибди ҳамки, эгалари чикмаётганмиш.

... Эл-элатларнинг урф-одатлари билан танишар экансиз, дарҳақиқат, киши ҳайрон қолиб ёқа ушлайди. Данияликлар балиқ мойи ҳидини ёқтирадиган ҳалқ бўлиб чиқди. Ёғочдан ишланган гўзал бир бутхонани кўриб чиқдик. Ич-ташига бўёқ ўрнига балиқ мойи суртиб чиқилибди.

Шекспир Ҳамлети «яшаган» Кронборг қасрига автобусда бирор соатларда етиб бордик. Қаср жуда салобатли, ёнида боғофлари ҳам бор. Денгиз бўйидаги шу қасрдан Швеция қирғоги кўриниб турибди. Ҳар куни кемада Швецияга қатнаб ишлайдиган данияликлар ҳам бор экан.

Денгиз қонунига кўра, қатновда бўлган кема ичидағи сийишичиш ҳақидан солик, устама пул олинмайди.

Кўйинг-чи, даниялик бир шоввоз йигит тўйни арzonга тушириш учун уни Швецияга қатнайдиган паром ресторанида ўтказади. Қирғоққа тушмай боришади-келишади, боришади-келишади – тўкин-сочин тўй давом этаверади. Куёвбола бир вакт

караса, ҳамёнидағи пул тугабди, паром эса шу пайт Швецияга келиб тақалган экан. Энди (мехмонтар билан биргатықда) қайтиш кираси ҳам бор-ку...

ЯМАН, ҚУВАЙТ ҲАВОЛАРИ

Адан... Ҳаво кемаси Масковдан уч хатлаганида (Одесса, Кохирага қўниб) етадиган жой бўлиб қолибди.

Кечқурун Шереметьево аэропортига кетаётганимизда шамол аралаш кор бўралаб турарди. Эрталаб Аданга тушсак... офтоб чараклаган, иссиқ ёз. Аэропорт биносининг гулзорида анвойи гуллар очилган, кутиб олувчилар – саёҳат бюросининг ходимлари ёзги кийимда, бино ичкарисида вентилятор гувитлаб, кондиционерлар пишиллаб тўхтамай ишлаб турибди.

Зотан, бу диёр – қиши нималигини билмайди. Энг салқин ойи – декабрда ҳам ҳаво 32–33 даражада иссиқ эди.

Адан – Арабистон яриморолининг жанубида тоғ билан дениз ўртасидаги камбаргина соҳилда жойлашган шахар. Олимларнинг фикрича, бундан тахминан миллион йиллар аввал яриморолнинг жануби-гарбий соҳили тез-тез отилиб турдиган вулқонлар минтақаси бўлган. Шундан бўлса керак – бу ернинг тоглари гиёҳ ўスマган тақир ва бўзранг тошлардан иборат. Лекин меҳмонхона деразасидан карасам, нефть компанияларининг катта-катта чонлари ўрнатилган ҳовлиларнинг деворлари устида кўм-кўк ўт ўсибди. Дикқат бериб қараганингиздагина кўк шиша синкларини бетонга териб ўтга ўҳшатилганлигини биласиз. Адандаги кўлчилик ҳовлиларнинг деворлари шу тахлитда ишланган. У ер-бу ерда учрайдиган гулзор, чимзор тупроғи эса кўпинча олисдан ташиб келтириларкан.

Шаҳарнинг тоғлар, кўлтиқлар билан бўлиб ташланган эски қисмларидан бири – Шамсан тоги бағридаги Кратер дараси қисмидир. VI асрларда даранинг куйи қисми табиий сув омборига айлантирилган экан (Аданда сув доимо тақчил бўлган – кудукларнинг суви шаҳар аҳолисини бемалол таъминлай олмаган). Сув омбори чукурлиги 20–30 метрга борадиган ва бир-бири билан боғланган ўнта катта тошховузлардан иборат бўлиб, ёмғир суви навбатма-навбат бутун омборни тўлдирган. Шу тахлитда 40 минг тоннагача сув йифилган. Сўнгра шаҳар кўп ойлар мобайнида шу сувни ҷонгариб олди. Ҳозирги вактда омбор суви фақат довдараҳт, экин-тиқин сугоришгагина ишлатилар экан.

Бугунги кунда шаҳарда ичимлик суви етарли бўлса-да, сира исроф қилинмайди, ҳар бир уйга киритилган қувурга сувчўтлар ўрнатилган.

Эңдилиқда Кратер дараси оромгохга айлантирилган. Аданлик мезбонлар бир кечи бизни шу ерда қабул қилдилар. Дара этагига етиб келганимизда қоронғи түшганди. Дарвоза ёнидаги этнографик музейга кирдик. Сүнгра бояги ҳовузлар бўйидаги торгина йўлкалардан ўтиб чоғроқ бир майдонга чиқиб қолдик. Бу жойда ресторон бор экан. Ранг-баранг чироқлар билан нимкоронғи қилиб ёритилган очик саҳннинг уч чеккаси юз метграча борадиган тик тоғ, тепада қоп-кора тун қўйинидаги юлдузлар узуб олгудек яқин, порлоқ – ажаб бир манзара касб этганди.

Яманликлар шу кечи зиёфат чоғида ҳалқ мусиқа ва рақс ансамблининг концертини ҳам кўрсатишиди. Илгари мамлакатда бунақанги ансамблдан ном-нишон ҳам бўлмаган. У озарбайжонлик устоз Чингиз Содиқов саъй-ҳаракатлари туфайли яқин икки-уч йил мобайнида бунёдга келтирилипти. Табиийки, бошдан-оёқ қоп-кора абайя ёпинган қизларни очиб, аввалио уларга ўйин ўргатиш, сўнгра эса саҳнага олиб чикиш ҳазилакам иш бўлмаган.

Тун яримлаб қолганди. Уд, най, тараб-сетор, даф, чилдирма садолари арабий куйларни янгратмокда. Сутдек ойдинда қоя панасидан чиқиб келган бир оху санам тўтиғига боғланган кўнғироқларини жиринлатиб, оҳиста одимлаб машшоқлар ёнига якинлашди ва машхур «баладий» рақсини ўйнай кетди...

Эртасига Қурбон ҳайит – арабларнинг айтишларича «Ийд ал-адҳа» ёки «Ийд ал-қабир» бўлиб қолди (шундай – биздаги удумга тескари ўлароқ рамазондан кейинги ҳайитни «Ийд ал-фитр» ёки «Ийд ас-сагир» – Кичик ҳайит дейишаркан). Шу муносабат билан бўлса керак, шаҳарда биз тушган меҳмонхона – «Рок отел» («Қоя отел»)да байрам катта эди.

Тоғ бағрида денгизга қаратиб қурилган тўққиз қаватли бу отел кўриниши узукка ўхшайди. Энг юқори қавати – рестораннинг шифти ранг-баранг чироқлар билан товланганлитидан пастдан қарасангиз дарҳақиқат улкан бир узукнинг кўзига ўхшаб кетади.

Пешгоҳдаги супада ўлтирган созандалар чалаётган арабча куйларга рақс ҳам мос келарди. Уд чалаётган созанда кўшиқ ҳам айтарди. Бир-бирига пайваста шундай ашуулалар бўлдикси, Навоий замонида уд энт биринчи соз қилиб олингани бежиз эмас экан. Шундай қилиб Солих Ҳусайн Удий ашууларини тинглаб кўп роҳат қилдик. Эртасига аданликлар бизни далаларга ҳам олиб чиқишли. Шаҳардан гарб сари юз километрча кириб бордик.

Бананзор, пахтазор, жўхоризор, бедазорлардан ташқари бошқа хил экинзорлар ҳам бор. Ери қумлок. Сув етган жойигина экинзорга айлантирилган. Жумладан, пахта пайкаллари ҳам

бўлтак-бўлтак ерларда. Орада қумтепалар ҳам учраб туради. Афтидан, яманликлар ҳали юксак агротехникадан йиринади. Фўзалар жўякка эмас, балки эгатнинг қоқ ўртасига экиб кўйилганди. Шундай бўлгач, доимо қаткалодан ўсади-да. Аммо, дengиз якинлигиданми – ҳаво майин, намхуш. Шундай ҳавони эмгандигидан бўлса керак, фўза сув тақчилигига қарамай тийрак эди. Ҳамиша ёз бўлган бу ўлкада йилига бемалол икки марта ҳосил олса бўларкан.

«Бўстони Ҳусайн» деган худудни айландик. Сувга сероб экан, ҳақиқатда бўстон ерлар. Банан, апелсин, лимон, хурмо, папайя ва биз номини ҳам эшифтмаган бошқа кўп хил мевалар ҳам шу бўстонда муҳайё.

Банан – барглари шоҳигулга ўхшаб кетадиган, лекин бир ярим-икки одам бўйи ўсадиган экин, папайя – кўринишдан қовокқа ўхшаш, лекин ҳомлигича еса бўладиган чевали дарахт экан...

Яман ҳакида ёзилган китобларда яманликлар қот деган ўсимликка муккасидан кетган, уни ҳётнинг лаззати деб билишади. деган галларни ўқигандик. Сафаримиз ҷоғида шу гапнинг ҳам тагига етдик.

Қот – биздаги ғов бутага ўхшаш, лекин барги ва новдалари ундан майдароқ, ҳамиша кўм-кўк бута ўсимлик бўлиб, яманликлар унинг барги ва ёш новдаларини овқатдан сўнг ҳузур килиб чайнашар экан. Кўча-кўйда бир лунжи шишган яманликини кўрсангиз, билингки, у қот чайнаётган бўлади: бир боғ қот тамомила чайналиб бўлгунчга турпи лунжда йигилиб бориб, мазаси сўрилаверади.

Қотда юрак фаолиятини кучайтирадиган, руҳий қувват бағишлайдиган модда бор экан. Лекин у қимматлигидан (бир боғига бир кунлик овқат ўтиши мумкин) ҳар кимнинг ҳам курби етавермайди.

Мен ҳам чайнаб кўрдим – мазаси тахиррок. Балки биринчи марта шундай туюлар...

Адан кўрфази Сувайш канали орқали Ўрта дengизга ўтиладиган катта дengиз ёқасида. Биз турганда Япония, Франциянинг савдо кемалари келиб лангар ташлаганди. Адан кўлтиғига акула ҳам ўтиб турса керак – биз кунда чўмилишга бориб турган кумсоллик – «Соҳили заҳаби» («Олтин кирғоқ»)да дengизнинг бир қисми қозик қоқилиб, симтўр ғов билан тўсиб олинганди.

Яманлик араблар қорамагиздан келган содда одамлар. Аёлларининг ҳали абайя ёғиниб юрадиганлари ҳам, очилиб европача либосга ўтганлари ҳам бор. Ранг-баранг шохи фуга – юбка эркакларнинг миллий либоси.

Адан күчаларининг икки чеккасида зич кетган дўконларда дунёнинг кўп мамлакатларидан келтирилган хилма-хил моллар қалашган.

Кўпчилик дўконлар хусусий бўлганилигидан мол савдо қилиб олиниди. Ҳамсафарим – арабшунос олим Исламуллоҳ Абдуллоҳ бир қимматбаҳо маржонни савдолашиб нархини келишишди. Ҳакини чикариб берганида (биздаги валюта Америка доллари эди), дўкондор динор билан тўлашни сўради. Шу ўртада мен алланарсага чалғидим. Бир вақт қарасам, Исламила aka маржонни ўраб чўнтакка солаётиттилар.

– Хўш, нима гап?

– Маржонни олиб кетаверинг, ҳакини пулингизни алмаштириб олгач, эртага келтириб берарсиз, – деди.

Дўкондор бизнинг на исмимизни, на қаерлик эканимизни, на қаерга тушганимизни сўради.

Эртасига саёҳат дастурига кўра куни бўйи банд бўлдик, домла маржон ҳакини кечга томон элтиб бердилар.

* * *

Яман ҳаво кемаси бизни Кувайтга элтиб қўйди.

Кувайт (биз шу чокқача Кувайт деб талаффуз қилиб келган бу шаҳарни араблар Кувайт деб талаффуз қилишар экан) – Форс кўрғази бўйига жойлашган ва нефт бойликлари туфайли иктисодий жиҳатдан тараққий топган араб давлати.

Мамлакат пойтахти ал-Кувайт улкан шаҳар бўлиб кетипти. Аэропортдан чиқиб, автобусда шаҳар сари боряпмиз. Иккиёклама кўчанинг ҳар тарафида автомобил уч қатордан бўлиб кетаётитти. Ўртада яна шунча жой қолдирилган.

«Нефт вужудга келтирган янги ҳаёт» шундай йўллар қуришга ва эски ал-Кувайтни қайта қуришга имконият яратган ва буни зарурат қилиб қўйган.

Шаҳарни қайта қуришда Англия, Австрия, Америка, Дания, Югославия ва Ливан қурмакорлик фирмалари иштирок этган. Айрим лойиҳаларни тузиши устида Англия, АҚШ, Австрия, Миср, Ливан ва бошқа араб мамлакатларидан келган ўнлаб меъморлар меҳнат қилганлар. Натижада Кувайт замонавий «европалаштирилган» шаҳарга айланиб, нуфуси милиондан ошиб кетган.

Банк, суругта компаниялари ва савдо фирмаларининг ҳашаматли бинолари жойлашган марказий Фаҳад ас-Салим кўчасидан бурилсангиз, «сук» – бозорга чиқасиз. Баззозлик, заргарлик, уст-бош, пойабзал расталари, қассобликлар орасида саррофларнинг дўконлари ҳам бор. Автомобил дўконларида эса Америкадаги машҳур фирмаларнинг келаси йилги модел автомобиллари декабр ойидаёқ сотилаётганди.

Чакана савдогарларнинг кўпи эронилар. Улгуржи савдо эса фақат қувайтликлар кўлида экан. Такси хайдовчилик ҳам фақат қувайтликлар «маҳрига тушган». Такси машиналари хусусий бўлиб, чўти йўк. Кира хақи келишиб олинади. Хуллас, сердаромад соҳаларнинг ҳаммасига Қувайт фукароси бўлмаган кишилар йўлаттирилмайди. Ҳолбуки, бошқа араб давлатларидан, Эрон, Ҳиндистондан бу ерга келиб ишлаётган муҳожирлар, фаластинликлар мамлакат жами ахолисининг ярмидан кўпини ташкил қиласди.

Қувайт фуқаролигига ўтиш учун эса бу мамлакатда 30 йил яшаш керак. Давлатга алоҳида хизмат кўрсатган кишиларгини беш йилдан сўнг Қувайт фуқароси бўлиши мумкин.

Қувайтликлар бепул тиббий ёрдамдан фойдаланишади, мактаб ва мамлакат ичида телефон ҳам белуп. Ўтра мактабни битирган ўқувчи дунёнинг хоҳлаган университетига бориб ўқиса, ҳаражатларни давлат кўтаради.

Амирлик охири бориб курийдиган нефт конларининг узок келажаги ғамини ҳам еб банкларга миллиард-миллиард пул ўтказиб, уни дахлсиз қилиб қўйган.

Кўчаларда новвойхона ва автомобил устахоналари ҳар муилишда учрайди. Бир-икки тандирли новвойхоналарда (кувайтликлар «таннур» деб талаффуз қилишаркан) чапати – «қубз» ёпилиб, шу жойнинг ўзида сотилмоқда. Автомобил эгалари эса ҳатто шинаси ёрилса ҳам машинасини устахона бикинига келтириб тўхтатяпти.

Шаҳарнинг оқар суви йўқ, албатта. Асосан ер ости суви ва чучуклаштирилган денгиз суви ишлатилади. Катта биноларнинг томида металл чонлар ўрнатилган. Махсус цистернали автомобиллар шу чонларга икки хил сув ҳайдаб чиқариб туради: ичишга ва овқатга чучук сув, бошқа мақсадларга эса шўр сув. Икки хил сув хонадонларга икки хил кувур орқали берилади. Алоҳида жойлашган ҳовлилар эса мотороллер цистернасидан сув олиб туради. Шаҳарда денгиз сувини чучуклаштириб берадиган тўртта завод бор.

Пойтахтда гидроглобуслар қурилган. Гидроглобус – устун кўйиб 40–45 метр баландликка кўтарилган улкан шардан иборат бўлиб, ичига йигилган сув ахолига етказиб берилади: хукумат саройларидан бирида қад кўтарган ва юзига зангори кошин қолланган кўшалоқ гидроглобус бутун шаҳардан тўлин ой янглиг кўриниб турипти.

Ал-Қувайтнинг ҳали «теша тегмаган» эски маҳаллаларини ҳам айландим. Биздагига ўхшаш: кўчага дераза очилмаган,

күштабақа бағдоди эшикли ичкари-ташқары хөвлілар, ташқариси «девония», ичкариси «ҳарам» деб аталаркан.

Шаҳарда очилған халқ маорифи музейи Тошкентдаги Табиат музейига үхшаб кетади-ю, лекин у асосан үқувчилар, талабаларнинг амалий машғулотларига хизмат қиларкан. Музейда ҳамма иклим ҳайвонотлари ва қушлари табиий шароитда ёзib олинган овозлари билан намойиш қилинмоқда. Одамнинг физиологик фаолияти электрлаштирилған схема, макетлар орқали тушунтириб берилмоқда. Фазони үзлаштириш босқичларига ҳам бир неча заллар ажратилған. Ҳовлида планетарий бор. Музейни айланыётганимизда муаллимлари билан хонама-хона юриб, дарс үтәётган үқувчиларнинг сафи узилмасди.

Кувайтнинг бош музейи – Давлат тарих музейида ҳам бўлдик. Унинг милоддан аввалги даврдан ўрта аср араблар давригача бўлган тарихни ёритувчи бўлимлари бор.

Музейнинг кўпчилик экспонатлари ҳақиқий ашёлардан иборат. Кўчирилған нусха ва макетлар эса зўр маҳорат билан ишланган. Бир залда Кувайтдаги қадимги денгиз кемаларининг моделлари ва кемасозлик жараёнлари тасвиранган бўлса, иккинчи залда денгиздан дур овлаш тасвиранган, бу ишнинг жамики асобоб-ашёлари кўйилған.

Зинадан юриб тагхонага тушиш – денгиз тубига тушишга тақлидан ишланган: бошига қора никоб тутган ғаввос сув тагида марварид чиганокларини териб, бўйнига осиб олган саватига солмоқда. Белига боғланган тизимчанинг иккинчи учи кемадаги шеригида: кемадаги киши шеригининг ишини кузатиб туради ва тизимча тортиб берилған ишоратга мувофик уни савати билан бирга тортиб чиқаради.

Бирон сабаб билан безовта бўлган моллюска-чиганоқ кўшалоқ палласининг бир чети сал очилдими – орасига қум зарраси ўтиб қолади. Шундай қилиб ёт жисмга «ғаши келған» моллюска уни ўзидан чиқарувчи елимшак мoddага булғай бошлиди. Шу модда секин-аста қотиб, чиганоқнинг катталигига, озиқланиши ва сувнинг ҳароратига қараб орадан мұайян фурсат ўтгач ялтироқ мунчоқ – дур хосил қилади. Ипак курти сўлагани ип қилиб пиллага айлантирганидек, моллюска ҳам «сўлагани» қотириб дурга айлантиради.

Шу ҳолни мавлоно Машраб чиройли қилиб ифодалаганлар:

Бир зарра эрдим, чўмдим денгизга,
Кирдим садафга – дурдона бўлдим.

Баъзан моллюска палласига бошқа бирон маҳтүқ тегиб кетса, уни тешиб қўяди. У шу тешикни ёпиш учун ҳам елимшиқ

модда чиқаради ва шу тахлитда ҳам дур ҳосил бўлди. Шундай қилиб, палтанинг «жароҳатланган» жойи рўнарасидан ҳам дур чиқмаган ҳол камдан-кам содир бўлди.

Форс кўрфазида 15 метр чуқурликкача шўниб сув остида бир-икки дақиқа турга оладиган фаввослар тузук овчилардан ҳисобланади. Уларнинг иши оғир ва хавф-хатарли. Аввато, улар эрталабдан кечгача ишлашади. Эски удум уларнинг акватангистлар асбоб-анжомларидан фойдаланишга йўл кўймайди. Сув остида дур овчиларига хавф-хатар кўптиги шуки. Форс кўрфазида акула, денгиз илони, сув тагидаги қумлокда булғаниб ётган электр скат балиги, тошлар орасига бикинган заҳарли мурена, баданга тегса жизиллатадиган каттакон медузалар оз эмас.

Палтани ёриб олинган дур катта-кинклиги, кўркамлиги ва тусига қараб Қувайтда беш хилга ажратилди ҳамда дурнинг товланиши ва шаклига қараб баҳоси чиқаритади. Текис, думалок, нимпушти товланадиганлари «жавохир» дейилади ва жуда киммат туради. Уни «тиллоий гул» ҳам дейиншади. Шундан сўнг новвоти дур, ундан кейин оқ ялтироқ «зужожи», сўнг «само-вий» ва кўкиш «санкабаси» келади. Корамтири-яшил тусдаги энг кўримсиз дур «калабия» бўлади. Кимматбаҳо дурнинг тузи ва товланиши хусусида бирон шубха туғиладиган бўлса, уни товукқа юттириб кўрилади. Товук корнидан рангини ўзgartирмай ўтган дур асл ҳисобланаб, тегнишли ҳаки тўланади.

Жавохир ҳеч қачон бошқа навларга аралаштирилмаиди – у одатда кулон, узук, сирғага ишлатилади.

Музей залининг ўртасидаги ойнабанд кутида кора духобага кўйилган бир жуфт жавохирнинг ҳар бири муболағасиз айтганда бодомдек-бодомдек эди...

Қувайтга қўшни Баҳрайн якинида эса денгиздан йигирма хил дур олинар, улар ҳам рангига (оқ, кулранг, пушти, яшил, сарик, ҳаворанг ёки кора), шаклига (думалок, чўзинчоқ, ноксимон) ва ниҳоят тинклиги ва ялтирашига қараб баҳоланар экан. У ерда дурнинг сифати жами юздан ошадиган алломатларига қараб аниқланаркан. Корга тусдаги думалоқ нусхатар энг киммат нархда сотилар экан.

Япониядан олинган кейинги хабарларга кўра япон олимлари кўп йиллик тадқиқотлардан сўнг табиий дурнинг тузи денгиз суви таркибидаги турли тузларнинг микдорига кўп даражада боғлиқ эканлигини аниқлаганлар.

Шундай қилиб, сув таркибида марганец кўп бўлган жоїдаги чиганоқ тугадиган дур жавохирга айланади.

Маътумки, японлар мамлакат соҳиллари бўйлаб дур-чиганоқ фермаларини барпо этишган. Энди шу фермалар денгиз сувига турли металларнинг тузларини кўша бошлаганлар. На-

тижада «бокилаётған» чиғаноқлар зангори, кўкиш, қизғиши ва ҳаттаки гунафша тусда товланувчи дурларни етиштирган.

Кувайтта келгач, нефт конларини бориб кўрмасдан қайтиб бўлармиди. Пойтахтдан ўттиз километрча жанубдаги Аҳмадий райони нефт конлари ва нефтни ҳайдаш заводларининг марказларидан биридир. Ишчилар ва инженер-техник ходимлар ҳам шу ерда яшашиди. Бу ерда парклар барпо этилган, спорт инишотлари курилган.

Энди Кувайт бутун нефт саноатини тамомила давлат тасаруфига ўтказиб бормокда.

АЛҲАЗАР!

Кувайт – ичкилик тамомила ман этилган давлат. Бинобарин, мамлакатга четдан келувчиларнинг ҳам бирон шиша бўлсин ичкилик олиб киришига йўл қўйилмайди. «Йўл қўйилмайди»-гина эмас, шундай одам қўлга тушса, қамалмаган тақдирда ҳам, жуда катта жарима тўлашга мажбур бўлади.

Шаҳарда бир неча кун бўлдик. Дастурхонларда ҳеч қандай ичкилик йўқ. Дастурхон ҳар хил лимонад, мева шарбатлари билан безатиларди, холос.

* * *

Тошкент Давлат университети (хозирги Ўзбекистон Миллий университети) география факультетининг доценти Турсункул aka хикоя қилиб берган эдилар:

– Факультетимизнинг талабалари практикани Венгрияда, Будапешт университети талабалари эса бизнинг Ўзбекистонда ўтказиб туришади.

Шундай қилиб, бир йили можорлардан беш-үн талаба бизда практикада бўлди. Ҳайрлашув арафасида уларга чойхонада ош қилиб бердик. Студентларга ўткир ичкилик бериш тўғри келмас деб, бир-икки шиша «Сояки», «Ғулакандоз» каби винолар келтиргандик, ош сузилаётганда шу винодан бир пиёла қўйиб можор талабага тутдим.

– Йўқ, мен сира ҳам ичмайман, менга мумкин эмас, – деди у (улар оз-моз русча билишарди).

Шундан кейин пиёлани унинг ёнидаги қизга тутдим. Шунда киз қолиб яна бояти йигит гап қотди:

– У ҳам ичмайди. У менинг қайлиғим.

– Қайлиғинг бўлса нима, бир пиёла «кўнгил очар»га ҳеч нарса қилмайди.

– Саккиз ойдан кейин тўйимиз бўлади. Ичмаслигимизнинг боиси шу – авлодимиз соглом туғилмоғи лозим...

Улар бир қултум ҳам ичишмади.

Можорлар диёрида неча бор бўлганман. Улар анвойи вино-лар тайёрлашга корафта одамлар. Лекин хоҳ шахарлари, хоҳ кишлопклари бўлсин, бирон жойда маст-аласт ёхуд ичкилиқдан сергап бўлиб юрган кишини учратмаганман. «Хурмачасини» биладиган халк.

МАККА ЗИЁРАТИ

Бир замонлар бир неча йилларга чўзилган Макка зиёратига «Ўзбекистон ҳаво йўллари»нинг кемаси кишини атиги 5 соатда элтиб қўймокда.

Маккадан автомобилда бир соатликкина нарида – Кизил денгиз бўйида жойлашган Жиддага октябр бошларида тушсак, биздаги июл ойининг тафти... Аэродроми катта – юзлаб ҳаво кемалари сафарга шай турибди.

Дастурга кўра биз зиёратчилар аввал Мадинаи мунавварани зиёрат этиб, сўнг Маккан мукаррамага борар эканмиз. Жиддаги «Қасри Мадина» кўнонкхонасида («Мадина палас отель») дам олиб, хуфтондан сўнг автобусларга тушдик ва Мадина сари йўл олдик. Уларда кондиционерлар ишлаб турибди, салкинликни саклаш учун кўшқават қилиб тутилган қалин-қалин дарпардалар кирғогидаги ёпишадиган жияги воситасида бир-бири билан туташтирилиб яхлит ҳолга келтирилган.

Жидда билан Мадина ораси Тошкент билан Самарқандчалик келганидан, азоида Мадинада бўлиш учун ортиқча шошмай боряпмиз. Ана, денгизнинг бир кўрфазига курилган ва проекторлар ёритиб турган улкан фонтан юз метрдан ҳам баландга отилиб, шаҳарнинг кўркига кўрк кўшмокда.

Умуман, бу шаҳарда Европа курувчилик услуби сезилади. Гарчи рекламалар бирон киши ёки буюмнинг тасвири туширилмаган қуруқ сўзлардан иборат бўлса-да, у ер-бу ерда абстракт – модернизм санъетининг дафъатан қараганингизда хеч нарсани англатмайдиган зўраки ҳайкаллари манзарани хира килган (олдиндан айтай, Маккаю Мадина эса бунақа нарслардан холи).

Бир оз юргач, сув устида курилган замонавий «Масжид ал-Байзо» (Оқ масжид)ни зиёрат қилдик. Кизил денгиз сувида юзкўл ювиб, ундан баҳра олдик.

Мадинага бир-бир ярим соатлик йўл қолганида бир чароғон гузарда тўхтадик. Гузарнинг чой, кофелари гилам тўшаб кўйилган супаларга берилмокда. Супа дедиму, аслида уни «ер супа»

деса түгри бўлади. Биз билган тупроқ йўқ, замин майдада тошлокдан иборат бўлганидан бир кат-бир кат саҳннинг тўрт тарафига тизза бўйи гишт терилиб, устидан цемент сувоқ қилиб юборилган. Гиламга чордана курган ёки ёнбошлаган йўловчи истаса такбас қилиб қўйилган «тая чилим»лардан бирини ҳам чакириши мумкин (аммо мамлакатда мутлақо сигарета рекламаси йўқ. Бир ҳамсафарим сигарета олмоқчи бўлган экан, мезбонлардан бири таниш дўкондорининг пештахтаси тагидан олдириб берибди). Гиламга кичик-кичик саганага ўхшаб кетадиган жилди пластик ёстиклар ҳам ташлаб қўйилибди.

Ахлат яшиклари орасида икки-уч мушук ўралашиб юрибди (лекин бутун элнинг бирон жойида ҳам ит кўрганим йўқ).

Хуллас, шу гузарда бирор соат «оёқ чигилини ёзib олгач», яна йўлга равона бўлдик ва шаҳар бўсағаларига етиб бордик.

Муҳаммал алайҳиссалом Мадинада курдирган биринчи масжидлари – салобатли «Кубо масжиди» рўпарасига келиб тўхтадик. Пайғамбаримизнинг «Бу масжидда ўқилган намоз Умра амалини бажарган билан баравар», деган калималари бинонинг бир ташки деворига арабча, инглизча, франсузча ва туркча лисон билан ёзилганди. Ана шу масжидда бомдод намозини ўқидик.

Биз бориб кўнган отелдан караганингизда бир бурчига пайғамбаримиз дағн этитган Масжиди набавийнинг мезаналари кўриниб турарди. Улар асосан олтита. Симметриядан четроқда бўлсада, еттинчиси ҳам бор. Бир вақтлар Туркияда хукм сурган сulton Аҳмад Истанбулда масжид солиб, унга ҳам олтита мезана курдирди. Шунда дин пешволари «Қандоқ бўлди, пайғамбари миз қўйилган Масжиди Ҳарамда ҳам олтита мезана, сизда ҳам олтита бўладими?» деганларидан сўнг сulton Мадинадаги бу муқаддас Ҳарамга еттинчи мезанани ҳам қурдирган, дейишади.

Масжиди муборакнинг олди, ёнлари, орқаси оппоқ мармар тўшалган майдонлар. Бош дарвозаларнинг бири – 21-сидан кириб бораман. Дарвоза олдида пойабзални ечиб қўлга олдим ва кираверишдаги 21 ракамли сўкчакнинг катагига қўйиб кетдим. Ҳаммаёқ сокинлик. Аллақаёқ баланд шифтдан чумчукларнинг «чирк-чирк»и келади. Хонақо шу қадар улканки, қаёққа қарсангиз хисобсиз йўғон устунлар қаторлашган. Ўнг ёкнинг ҳам, сўл ёкнинг ҳам охирини кўз илгамайди. Пастга эса минглаб бир хилдаги (3x4 м) янги гиламлар тўшалган. Пастак-пастак курсиларга 34–40 литрли термос баклар турнақатор терилган. Иссиқ юрт эмасми, чанқаган киши бакнинг ўнг ёнига тахланган қофоз стаканлардан бирини олиб тугмачани босса, замзам суви қўйилади. Ичиб бўлгач, чап ёнга тахланади. Шунда эҳтиёт бўлмоқ лозим. Қора ёзувли баклар музлатилган замзам, яшил ёзувлиси

эса табиий хароратдаги замзам. Бир куни пешинда чанкаб келиб муздагидан ичиб панд еган пайтим ҳам бўлди.

Барвакт келган намозхонлар устунлар ёнига қўйилган пастак тилла жавонларга юзи билан терилган қуръонлардан бирини олиб, шу жойдаги лавҳга қўйиб истаган сурасини такрорлаб ўқияпти. Устунларнинг таг курсиси, белдамчалари ҳам тилладан.

Бомдод намози маҳалида Ҳарам ўртасининг шифтидан очик осмон кўриниб турарди. Пешинда келиб қарасам шу жойга тарагн қилиб чодир тортиб қўйилибди. Тўнкарилган улкан нитуфар гули янглиғ бу чодирлар таноби пастдан туриб моторлар орқали автомат тарзда тортилар экан.

...Нихоят хушхон имом-хатиб такбир айтиб намозни бошлиди, микрофон орқали.

Намоздан сўнг олга юриб сўл тарафдаги дарвоза сари борган эдим, унинг ёнгинасида сарвари олам, расули акрам жаноб пайғамбаримиз Мұхаммад алайхиссалот равзан муборак қабри шарифлари олдига шифтга етгулик тилла панжара тутиб қўйилибди. Панжара эмас, оятлар қўймасининг ўзи панжара ҳосил қылган.

Пайғамбаримизнинг халифалари – ўринbosарлари ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ бирла Ҳазрати Умар разийоллоҳу анху қабрлари ҳам шу жойда.

Шу ерда бирор менга салом берди (дўппимдан таниб келган бўлса керак). Сўращдик. Тошкентнинг пинжидаги Қовунчидан бориб қолган ватандошимиз экан.

Мадинада бўлсин, Маккада бўлсин ватандошлар сероб. Бизнинг мезбонимиз – «Ал-Марва» саёҳат агентлигининг Мұхаммаджон Айюб бошлиқ барча ҳодимлари, ошпазлари ана шу ватандошлардан иборат эди – ўз уйимизда юргандек бемалол гаплашиб юрдик.

Шаҳар дўконларида ҳам ватандошлар тез-тез учраб турарди. Араб саррофлар, дўкондорлар эса савдо килишга етарлича туркий тил билади.

Эртаси тушиқдан сўнг солтоб ёшлардаги ватандош Раҳматулоҳ Марғилоний «Бу ерга қўйган муборак қадамларингизга ҳасанот» деб ниёзмандлик билан бир оз ами маъруф килганларидан сўнг агентлик номидан биттадан қуръони карим ва бир пакетдан хурмо ҳадя қилилар (Ватанга қайтаётганимизда эса, аэропортда 10 литрдан оби замзам ҳам ҳадя этилди).

Денгиз яқин эмасми, бир куни тушдан кейин ҳаво бир оз булутланиб чанг-тўзон кўтарилди-ю, ундан сўнг ёққан олашовор ёмғирнинг кучи асфалт йўулларни танга-танга қилиб ҳўллашдан нари ўтолмади. Ҳаво яна очилиб кетди.

Мадинада уч кун тургач, хуфтондан кейин Маккага жўнадик.

Бирор соат юргандан сўнг Масжида Мийқод обхонасида фул килиб эҳром боғладик: Каъбани тавоф этувчи эркаклар эҳромда бўлишлари даркор. Эҳром дегани ҳар бири икки метрдан икки бўлак бўз ёки сурпдан иборат бўлиб, бир бўлаги – изор белга лозим ўрнида ўралади, иккинчиси – ридо эса елка ошириб ўраб кўйлак қилинади. Шунда ўнг кифт очик қолиши лозим.

...Маккан мукаррамага ҳам етиб келдик. Маккада ҳам Каъбаи муаззамадан салгина нари ўрликдаги «Қасри Муваддаҳ» отелига қўндиник.

Каъбатулоҳ – тоғлик этагидан чикқан замзам булоғи устида бўлиб, атрофига мукаддас Ҳарам масжиди курилган.

Бизнинг Тошкент кинидигида – Чорсунинг бикинида ҳам Ҳасти Уккоша булоғи бўлгувчи эди (хозир бу жойда «Чорсу» меҳмонхонаси салобат тўкиб турибди). Мешкобчилар ёзда унинг муздек сувини бозорларда «обихудойи» килиб юришар, қищда эса суви илиқ-иссиқ туюлар эди. VII асрда араблар Тошкентни олгач, ҳали бирон масжид қурилмасданоқ шу булоқ яқинида намоз ўқиган бўлишса керак – яқин-яқингача Эски намозгоҳ деб аталувчи ота маҳалламнинг номи шундан қолганов деб ўйтайман (эндиликда ана шу булоқ суви нарироқдаги Чуқурқишлоқ маҳалласидан ўтувчи ариққа чиқариб юборилган).

...Тонгталаш пайтда Ҳарам сари бомдод намозига бормоқдамиз. Оппок мармар ётқизилган каттакон майдондан ўтиб Боб ал-Малик сардараси орқали ичкари кирдик (Саудия малиги – подшосининг Маккадаги қасри шу майдоннинг ёнгинасида).

Аллақаёқдан ёлғиз қора чигиртканинг чириллаши ва яна чумчуквойларнинг «чирқ-чирқ»и кулоққа чалинади.

Майдон ўртасида осмондан тушган қора тош – Ҳажар ал-Асводни ўз ичига олган куб шаклидаги хонаи Каъбанинг остки бир бурчагидан шу тошнинг бир уни чиқариб кўйилган. Бинога эса зардўзи қора духоба ёпиленган. Тавоф этувчилар ана шу илонгий тошга қўл тегизиб олишни эзгу насиба деб биладилар. Лекин одам кўплигидан бундай қилишнинг имкони жуда кийин.

Масжид уч ошиёнли олтибурчак (мусаддас) иморат ҳолида Каъбани ўраб туради. Уч ошиёнли дедигу, ваҳоланки, унинг томи тўртингчи ошиён, тагхоналари эса бешинчи ошиён бўлади. Шуларнинг ҳаммасига бирйўла 1 миллион 700 минг намозхон сигаркан.

Олдинроққа ўтиб Каъбага қарасам, осмонда таниш күшлар жавлон уриб чигиллашиб учмокда. Атроф қандиллар устида, бурчак-бурчакларда уларнинг уялари ҳам кўзга ташланади. Жарқалдиргоч ёки узунқанот деб аталувчи ҳашаротхўр шу күш илгарилари бизнинг Тошкентда бўлмасди. 70-йиллардан бошлаб пайдо бўлди чоғи. У бизга апрель бошларида келиб, сентябрда

кайтиб кетади. Демак, баҳорда жарқатдириғоч пайдало бўлдими – у тўппа-тўғри Каъбадан учиб келган бўлали. Эрта кузда учиб кетдими – тўппа-тўғри Каъбага боради.

... Шундай китиб Ҳажар ал-Асводдан 10 – 15 қадам нарида микрофон олдида турган имом хатиб такбир айтиб нбодатни бошладилар. Бу пайтда Каъбани тавоғ этаётган ахли мўмин ҳам шу заҳоти атрофга гир айланниб сафланиб нбодат қўтишга киришиди. Улар ҳеч қандай сажжода ташламай мармар майдоннинг қоқ юзида намозни адо этавердиштар. Ҳарамнинг бутун саҳни шу қадар покизаки, у ҳар куни шампун билан ювнб чикилиб, минг-минглаб бир хилдаги (3x4 м) гилтамстарнинг чанги тозаланиб туриларкан.

Каъба ёнида иккита тобут турган эди, намоздан сўнг салоти жаноза ўқилди.

Хонақоларнинг у ер-бу ерида тортилган иккни катор мувозий – параллел кўк чизикларга кўзим тушди. Кейин билсан – улар кишини Каъба сари тўғри туриши учун ишорат экан.

Ҳарамнинг 93 дарвозасидан хонақога тушиб бораётганингизда ҳам замзам сувили термос-баклар раста-растада қилиб терилганини кўрасиз. Улар вакти-вакти билан янгилаб туриларкан. Майдон тагига тушсангиз абадият сарчашмасининг бевосната ўзидан чиқарилган жўмраклардан сув қуйиб олиб чанқогингизни кондириасиз.

Намози жумада Ҳарамнинг учала ошиёни намозхонтарга тўлди. Ийд ас-сағир ёхуд Ийд ал-фитрда (бизда уни Катта ҳайит деб адаштириб юришади) айниқса ҳаж маҳати – Ийд ал-кабир ёхуд Ийд ал-адҳада (Қурбон ҳайити) атроф майдонлар ва беш ошиён бўлиб бирйўла, 2,5 миллион намозхон саждага бош кўяр экан.

Бутун дунёдан Каъба тавоғига келувчи ахли мўъчин шу қадар кўпки, Ҳарам кечаю кундуз 24 соат очик. Ҳар бир дақиқада Каъбай муаззама теварагида Оллоҳга ҳамду сано, талбия айтиб, Расулилоҳга дуруд айтиб, дуои таважжуҳлар қилиб ётвониб айланадёттан мўъминларни кўрасиз.

Камина Оврўпо, Осиё китъаларида бўлиб, ўтиздан ортиқ эл-элатларни кездиму, лекин Каъба Ҳарами билан Мадина Ҳарамидек улкан, файзиёб, вужудни титратадиган руҳафзо бу биноларнинг назири йўқ эди.

... Отел хонасига кирсак, каравотда куруқ адёл бору (гарчи унга эҳтиёж бўлмаса-да) чойшаблар йўқ эди. Тавоғ амалини адо этиб бўлгач, энди умра эҳромидан чикишим керак эди. Кўйингчи, унинг изорини тагимга чойшаб, ридосини эса устимга чойшаб қилиб ётавердим.

Шаҳарга чиқсан, йўл ёқаларида барги бодомникига ўхша-

ган ёш дарахтлар қулф уриб турибди. Ҳолбуки, шаҳар санғзор – тошлокдан иборат заминда. Ҳар бир түпнинг тагиғати чукурга аллақаёклардан тупрөк ташиб келтириб солишибди ва биттадан жўмрак ўрнатишибди.

Бу икlimда сув яхламаганигидан биноларга киритилган қувур-трубаларга чўт ҳам ўрнатиб қўйилибди. Кейинги 10 – 15 йилда муқаддас Арафот тогининг қадамжолари ҳам шу таҳлийт да дарахтзорларга айлантирилибди.

Бояги дарахт шу жазирамада бизнинг токдек сурхун новда бериб турганлиги мени завқлантириди. Танаси тутникига ўхшайди, барги қаттиқ. Отел олдида турган мулланамо бир кишидан унинг номини сўрасам «Шажара ат-тарик» деди. Яъни «йўл ёқасига ўтқазиладиган дарахт». Хўш, бу – унинг умумий номи. Асли бошқача бўлса керак. Бизнинг кумликда акаснинг бир тури – сўзан ўсади дейишади, ўшамикин?

Шунингдек, фов бута – чавранинг жазирамага чидамли бошқа бир турини ҳам топиб қўпайтиришибди.

Шаҳар майдонларида капитарлар учиб-кўниб юришибди. Одамлар пича дон харид этиб, уни сепиб туришади. Аммо биздагидан фарқли ўларок, у ер-бу ерга тосда сув ҳам қўйилган. Ҳатто бетон ётқазилган майдонларда чамбарак дўнгса ҳолидаги «жом»лар бор. Уларга ҳам сув қўйиб қўйилибди.

...Отелдан салгина нарироқдаги тоннелга поии пиёдалаб бир четдан кириб бораман. Ёнимдан автомобиллар гизиллаб ўтиб турибди. Ер ости ўйлининг нариги оғзидан чиқсан... эҳ-ха, Макканинг ҳамма бозори шу ёқда экан. Раста-раста тим бозорлар. Баъзи дўконлар молга шу қадар тўлаки, сотовчининг битта ўзигагина жой қолган. Бир дўконда ҳатто унинг боши ҳам осилган газламалар билан тўсилиб қолганди.

Каттароқ дўконларда сизнинг бирон нарса харид қилиш-қилимаслигиниздан қатъи назар, фақат бир кириб ўтишинизни илтижо қилишади: «Ҳожи, марҳабо!»

Бу ерда ватандош дўкондорлардан Абдусамад ва Абдулбокийлар билан ҳамсуҳбат бўлдим. Бирлари пичок, қайчи ва устаралар билан, иккинчилари эса кийим-кечак ва газмол билан савдо қилишмоқда. Антика буюмлар дўкондори Абдуманон ака билан ҳам сұҳбатда бўлдим.

– Қаердан бўладилар? – сўрадилар Абдуманон ака.

– Тошкентнинг Жарарик маҳалласи – Шоилҳом аканинг маҳаллаларидан.

Ота-боболардан эшитган эдимки, бир ёнида Туркистонда энг катта қўнчилик ёстанган бу маҳалладан НЭП даври охирларида Шоилҳом бакқол Маккага хижрат килганлар деб (Жарарикда бизнинг боғ ховлимиз бўларди).

– Э, мен Шоилхомни ўзим ювиб-тараб қабрга кўйганман...
Хайрон бўлдим. Кейин билсам, Маккада майитни энг якин
кишилари ювиб-тарар, фассол эса ҳеч кимсаси йўқ ғариб-гура-
боларнигина сўнгти йўлга ҳозирлар экан.

Афсонавий мушк-анбарлар, муаттар атирлар, сурма-сурук-
лар, зира, зарчўбалар бисёр, мисвок савдоси ҳам катта. Бир
қўлида мисвок уштаб тишига, милкига ишқаб кетаётган киши-
лар тез-тез учраб туради.

Аудиокассета дўконларида овозни баланд кўйиш йўқ. Фа-
катгина хушхон кори ўқиган Куръони карим тўлиқ мажмуи
сотилаётган дўкондагина қироат овози эшитилиб турибди.

Жамики сотувчилар, фаррошлар фақат эркаклардан ибо-
рат. Мамлакатда биронта бир юмушни бажараётган хотин ки-
шини учратмадим.

Фаррошлар сарик тусдаги жомакор кийган бўлиб, ерга туш-
ган нарсани пешма-пеш супуриб олиб қутисига йифмоқда. На-
моз маҳали. Дўконлар тақа-тақ ёпилиб, тимлар худди яrim ке-
часидагидай ҳувиллаб қолди. Аммо, намоз тугаши биланоқ, беш
дакиқа ичида ҳамма дўконлар очилиб, яна ғала-ғовур бошланиб
кетди (буни атайлаб кузатдим).

Биз билан Умра амалига борган бир йигитнинг отаси бул-
турги Ҳаж ал-акбар маҳали Маккаи мұкаррамада бу жаҳон –
дорилғурурдан у жаҳон – дорилсууррга риҳлат этиб, парварди-
гор раҳматига пайваста бўлган эканлар. Шу кишининг фарзан-
ди аржумандлари отелда тушликка ош дамлатиб тортиб, падари
бузрукворларининг рухи покларига бағишладилар.

...Соат олтилар¹ эди. «Қасри Муваддаҳ» фойесида ўлтириб
телевизор кўраётгандим. Салом бериб кексароқ бир ватандош
кириб қолдилар. «Хозиргина Тошкентни эшитиб булиб бүёкка
йўл олдим», – дедилар ҳол-аҳвол сўрашиб. Бир оз ўлтиргани-
миздан сўнг «сайёра² кутиб турибди», – деб шошиб жўнаб
кетдилар. Шунда сўрамабманки, «Тошкентдан арабча эши-
дингизми, ё ўзбекча?» деб.

Сафар ҳам қарили. Бугун ярим тунда Жидда аэропорти томон
жўнаймиз. Бир ҳафта ичида «Ҳаж ал-асфар» (кичик ҳаж – Умра)
амали адо этилди. Энди «Ҳаж ал-акбар»га (катта ҳаж) тайёр бўлдик,
десак бўлади. Ҳаж килиш учун виза олиш ҳам осонлашиб қолди.
Илгари виза Саудиянинг Москвалаги элчихонаси орқали олинарди,
чикимлари ҳам бор эди. Тошкентда ҳам Саудия элчихонаси очил-
гач, ҳеч бир чикимсиз бир кундаёқ виза олдик. Берилган ҳужжат-
да «Бепул. Мажжонан» деб мухр урилган.

¹ Бизда саккиз бўлади.

² Автомобиль.

«ГУЛ-ЛОЛАЛАР ПОЯНДОЗ МЕНГА»

Ха, шундай. Шоир түғри айтган экан. Агар июл ойи Молдова чегарасидаги Чүп стансиядан поездда мажорлар диёри – Венгрияга кириб борадиган бўлсангиз, хеч муболагасиз гул-лолалар сизга пояндоз бўлади. Мажорлар темирийўл четига экишганми ёки ўзи униб чиқканми – ишқилиб қалин очилган лолакизғалдоқлардан йўл қип-қизил гилам бўлиб кўринади.

Икки ёқ кўм-кўк дала, дам ўтмай серкиллаб юрган турналарни, иргишилаётган кўёnlарни, потиллаб кўтарилаётган бедана, кирғовулларни кўрасиз. Кийиклар эса поездга бемалол термулиб турипти.

Асраш, қарашиб, парвариш яхши бўлса керак – мамлакатнинг овлоқ жойлари шундай бўлиб кетипти.

... Будапештнинг қок марказида Дунайнинг ўнг соҳилида Геллерт тепалиги юз метрдан ошади. Бугунги кунда шу тепаликка Озодлик ҳайкали кўйилган. Ҳайкал бутун Будапештга, унинг атрофларига яққол кўриниб туради. Гранит супадаги аёлнинг улкан бронза гавдаси палма новдасини боши узра кўтарган. Бу – озод Венгрия давлатининг рамзиdir.

Дунай узра саккиста кўприк ташланган. Улар Буда тарафи билан Пешт тарафларини бир-бири билан боғлаган. Шахарнинг энг кўхна қисми Буда ўнг соҳилдаги тепаликларда жойлашган. Пешт эса текис сўл соҳилда ястанган.

Машхур Балатон кўли бўйида дам олаётган йилим якин атрофдаги Шиафок кентининг боф кўчаларини сайд қилиб юрадим. Бир ҳовли рўпарасидаги кўча ёқасига терилган қутиларда нок, олма, помидор тўлғазилган, ёнига тош-тарози ҳам кўйилган. Хоҳлаган мевангизни ўзингиз тортиб олиб, пулини ёнидаги кутига ташлаб кетаверасиз.

Мамлакатнинг гарбида Австрия чегараси яқинида жойлашган Кёсег кентининг ёв ололмаган қадимги кўрғони этагидаги кўчада эса олма, олхўри бир кило-бир килодан қилиб тортилиб пакетлаб кўйилган. Ҳарид пулини эса шу жойдаги шиша банка қопқогининг тиркишидан ташлаб кўясиз.

ТОГОЛЧА

Тобут гўр ёнига келтириб кўйилди. Гўрковнинг ҳали яна бир оз юмуши бор экан, бирпас кутиб туришга тўғри келди. Бирор ўлтирган, бирор чўнқайган. Шу топда қазилаётган қабр ёнида ўсган мунгайтан бир туп тоголчага ҳамманинг назари тушди. Табиийки, уни бирор атайлаб ўтқазмаган, данаги қуш тумшугидан тушганми ёки оёққа илашиб келганми, худо билади.

Бу жайдари сариқ тоголтча ғоятда беор мева бўлиб, сугориб туришга ҳам муҳтож эмас. Иллизи ер бағрига чуқур кетиб сув топади. Шундан бўлса керак, барглари ана шу қафра мозористонда ҳам кўм-кўк бўлиб турипти.

Илгари боғимиз этагида ҳам бир туп шундай тоголтча бўлгувчи эди. Олти ой ёз у билан хеч кимнинг иши бўлмайди. Кеч кузга боргандা шигит меваси тилла тангадек товланади. Унинг энг муҳим фазилати шуки, пишгач ерга тўқишиб кетмайди. Азбаройи куз йигим-теримини тамоман битказганингиздан кейин тоголчага навбат келганида етилиб ўтганидан пўсти бир оз буришиб, эти дурдага айтланиб қолган бўлади.

Бизда кўп сув татаб қилмайдиган яна бир неъмат – тоқдир. Ёз бўйи бир мартагини сугорсангиз кифоя қиласди. Пахтазорларнинг анча қисми токзорларга айлантирилса, анча сув тежалган – балким Орол муаммоси ҳам ҳал этилган бўлармиди?

Узумнинг даромади пахтаникidan қолишмайди дейишади. Айникса, ҳусайн узуммиз, қовунларимиз бутун дунёга машхур. Бошқа иклимларда ҳам битади-ю, аммо биздагичалик ширин-шакар эмас. Ҳавонинг қуруқлигидан шундай бўлса керак. Бобурдек подшоҳ ҳам ватаннинг беназир меваларини кўмсаб:

«Қовун бирла узумнинг ҳажрида кўнглимда гам ҳар сў,
Оқар сувнинг фирокидин қўзимдан ҳар дам оқар сув», –

деган эканлар.

Ўзбекистонда ишлаётган япон археолог олимлари юритига қайтаётганида ҳар сафар беш-ўнта қовуну беш-олти кило узум олишар экан, холос.

Шунчаларки, Хорун ар-Рашид замонида бизнинг қовунларни кўроғшин кутилардаги асал ичиди сақлаб Бағдодга етказиб туришар ва донаси салкам эллик динордан сотитар экан.

Энди бўлса транспорт харажатлари анча арzonга тушиши мумкин. Замонавий йўллар қурилса, катта-катта юккаш ҳаво кемалари тўппа-тўғри полиз ва токзорлар яқинидаги йўлга кўниб, қовун бўлсин, узум бўлсин – уларни турли мамлакатларга беозор ташиб кета олади.

Кейинги йилларда кўчаларга мевали дарахтлар ўтқазиш керак, деган гаплар бот-бот айтилмоқда. Ният яхши-ю, лекин мева дарахтининг умри узок эмас, ташлайдиган сояси ҳам кам. Оврўпо мамлакатларида бўлса асосан шаҳардан ташқаридаги кўча ёқаларига ўтқазилган. Уларнинг мева-чеваси дахлсиз. Бизда илгари вакф ерларининг маҳсулотига қандай муносабат бўлса, бунга ҳам шундай қарашаркан. Тушган даромади шу йўлни созлашга сарф қилинади, дейишади. Ҳеч ким мевани териб кетмайди, шохини синдиримайди. Германия Ҳарц төғларининг ёнбағрида жойлашган Вернигероде шаҳрида бунга амин бўлган эдим.

Биз жойлашган сарой бөг күчасининг ёқаси гилосзор экан, гарқ пишган маҳали эди. Гилослар күччани киркәйни гулдек безаган. Уч-түрт яшар болалар йўлкада ййнаб юрипти. Шуларни бир фурсат кузатдим.

Кўлини бундок чўзса эгилган шохлардаги гилосга етади. Лекин уларнинг биронгаси на гилосни узади, на баргини.

Ўзбекистон шахарларининг кўп кўччаларини акация дараҳтлари эгаллаган. Акасингдан акаси, унинг сояси қуюқ бўлмаса, тупига қараб кўз кувонмаса – тиканак, шох-шаббалари кўп. Ваҳоланки, илгарилари камсув жойларга асосан қайрагоч, сада-қайрагоч, адл қайрагочлар ўтқазиларди. Барги ҳамиша кўмкўк, қуюқ соя беради, дубга ўхшаб чивин йифмайди. Ёғочи қайир-қаттик, ундан кўп максадларда фойдаланса бўлади.

ФОРЛАР ЧИРОЙИ

Шоввоз солдат Швейкнинг ватани Чешска Будеевица шаҳрини зиёрат қилиб бўлиб, Брно кенти сари борардик. Бир вакт автобус катта йўлдан далага бурилди. Баланд тоғлик этагидаги илонизи йўлда бораяпмиз. Суришириб билсан, Мацуҳа горини кўргани кетаётган эканмиз. Етиб бордик. Фор оғзида ошхона ва буфет, дўкон. Фор копқасининг ёнгинасидағи анҳорга тоғ қаъридан ҳайқириб сув чикмоқда. Бу сувни Пунква деб аташар экан. Қайнама тепасига негадир тўр тўсиб кўйилипти.

Форга кирдик. Ходим йўл-йўлакай чирок, прожекторларни ёкиб, ўчириб кетмоқда. Бир-бираидан гаройиб тош сумалаклар – сантоклар. Шигдан осилтганлари ва ҳатто фор тагидан қозикқа ўхшаб кўтарилиганлари ҳам бор. Бир жойдаги билакдек келадиган қозик қора туслаги болакайга ўхшаб кетганлигидан «хиндубача» деган ном ҳам олипти.

Бошқа бир саҳнадаги сантоклар худди қабристон макетига ўхшаб кетганлигидан «мусулмонлар мозори» деб аталипти.

Шундай манзараларни кўриб-кўриб ер юзига чиқиб қолибмиз. Йўғ-е, ер юзи эмас экан. Кун ёргуни кўриб шундай деб ўйлаган эканман. Диаметри 30–40 метрларга борадиган улкан бир ўрани тасавур этинг-а. Ўранинг оғзидағи дов-дараҳтлар узоқлигидан бутадек бўлиб кўринмоқда. Биз турган ўра тубидан оғзигача қирқ метрча келарди-да. Ерда, оёқ оstimизда эса аллақандай жилға оқмоқда. Атрофи майсазор. Бу гагларни айтиб ўтирамай суратини олиб кўрсатардим-у, лекин коронги горнинг ичидагай тахлитда сурат олиш мумкин, деб фотоаппаратни автобусда қолдиригандим. Шундан сўнг саёҳат чогида минбаъд ҳар қандай шароитда ҳам фотоаппаратсиз юрмайман, деб аҳд қилиб кўйдим. Ҳай, нари ёндағи форга яна кириб кетдик. Унда бир анҳор окяп-

ти, унинг ёқаси бўйлаб бир оз юргач тўхтадик. Шу бандаргоҳдан у ёкка юрадиган йўл йўқ, факат сув. Энди биз қайикларга тушиб гордан чикиб кетар эканмиз. Шундай қилиб қайик келишини кута бошладик...

Бундан анча йиллар аввал ҳам шундай қайик, йўғ-е, кема келишини кутиб Италиянинг Неапол портида тургандик. Кема бизни Капри оролига элтиб кўйиши ва биз шу оролнинг дунёга машҳур форини кўришимиз керак эди. Каприга борганимиздан сўнг икки киши-икки киши бўлиб биттадан қайиқка ўлтиридик. Форнинг оғзи денгизга чикқан ва қайик сиғар-сиғмас эди.

Абжир қайиқчи йигитлар эшкак эшиб бориб, лопиглаб турган қайикни тўлқин пасайтан пайтда чапдастлик билан гор оғзи-га киритиб юборишарди. Э воҳ... Оламда шундай ҳам гўзал манзара бўлурми! Зумраддек тиник сув сокину, алтакаёқдан кириб келувчи нур уни кўкиш зарафшон қилиб товлантиради. Қайиклар бирин-кетин кириб кела бошлади. Ҳамма гўзал манзара маҳлиё бўлиб қолганди. Кишининг кўнгли яйраб, дунёning унча-мунча ташвишларини бир дам унугади.

Ундан кейинги йиллар кишини лол қолдирадиган форлардан яна бири – Югославиянинг Любрана шаҳрига бораверишдаги Постойна Яма гори бўлди. У Европанинг энг гўзал ва катта форларидан бири экан. Фор сувнинг кўп асрлик таъсири билан вужудга келган. Ер остидан оқадиган Пивка дарёси йўл-йўлакай жами йигирма километрга борадиган галерея ҳосил қилиби. Фор ичи намхуш ва салкин бўлганилигидан ҳар биримизга плашч кийизиши, темирийўл вагончаларига кириб ўлтириб форга кириб кетдик. Оппоқ тош сумалаклар – сангтоклар, пуштиранг устунлар, деворлардаги кристалилар ранг-баранг товланарди. Бир пайт каттакон бир залга чиқиб қолдик. Шифтининг баландлиги кирк метрларга борар. «Концерт зали» деб аталағидан бу саҳнга ўн минг киши бемалол сиғар, «тиқ» этган товуш ҳам жаранглаб кетганилиги туфайли унда симфоник оркестр концертлари, форшунос олимларнинг аңжуманлари бўлиб тураркан. Форда ракс зали ҳам бор.

Тош устунларнинг бўйи йигирма метргача боради. Брилиант деган устун айникса кўркам эди.

Бу фор гаройиб бир мавжудоти – «одам балиғи» билан ҳам дунёга машҳур экан. Балиқ этининг тусини одамницидан ажратолмайсиз. Нимпушти – оқи-ок, қизили-қизил. Фордаги муздек кўл сувида бир қарич келадиган шундай баликлар сузиб юрганди. Уни сувдан чиқариб олса ҳам нафас олиши ва яшashi мумкин, дейишиди. Шу боисдан ҳам Постойнада дунёда биринчи фор биологик станцияси очилипти.

...Мана, Мацуханинг қайиқчилари ҳам келиб қолишиди. 15 кишидан бўлиб иккита қайикка жо бўлдик. Қайик сув оқими билан ўзи кетаверар, қайикчи эса эшқак ўрнида бир таёкли гор шифтига, ёнига тираб-тираб қайикнинг сузишини ростлаб борарди. Оқим терсига сузишда эса аккумулятор кучидан фойдаланишар экан. Сув унча кенг бўлмаса-да, чуқурлиги ўттиз метргача борадиган жойлари ҳам бор экан.

Бир вакт устига тўр тўсиб кўйилган бояги қайнамадан чи-киб қолдик. Тоғдан тош-пош кўчиб, қайикдагилар устига тушмасин учун тўр тортилган экан.

НЕГА МЕН ГУЛ УЗМАЙДИГАН БЎЛГАНМАН?

Югославиянинг Загреб шаҳридан бир оз наридаги Плитвиц кўли бўйида дам олардик. Бир куни кўл якинидаги улкан шаршара сайрига бордик.

Бу шаршарани кўргансиз. Ҳеч бўлмагандан кинода кўргансиз. Оврўпо мамлакатларининг кинорежиссерлари Америка хиндулари билан кечадиган саргузашт фильмларнинг деярли ҳаммасини шу шаршара бўйида, унинг атрофларида суратта олгандар. 20–30 метрлар баландликдан тушувчи шаршара ва унинг атрофлари Америкага ўхшаб кетаркан. Шундай қилиб, оврўполик киночилар Америкага бориб ортиқча сарф-харажат қилиб юриш ўрнига ана шу жойдан фойдаланиб қўя қолишади.

Кулокларни қоматга келтириб гувиллаб тушаётган шаршара тубига погонама-погона тушиб бораётибмиз. Тоғ тошлари ўйилиб зиналар ҳосил қилинган, зина ён деворларининг у ер-бу ерига токчалар ўйилган. Нима мақсадда қилинганини билолмадим. Куч билан тушаётган сув тўзғиб борлиқни тумандек қоплаган. Қўёш нури шу «туман» орасидан аранг ўтиб турипти. Қўйингчи, бояги токчаларнинг бирида бўтакўзга ўхшаб кетадиган бир гул яккам-дуккам ўсиб очилибди. Нур озлигидан рангпар, имилжирик. Гул-да, кўзимга яхши кўриниб, шундан биттасини узганимни биламан – орқамдан бирорнинг: «Ўзи оз-ку, нега узасиз?» деганини эшитиб қолдим. Ўгирилиб қарасам бир қизалоқ турипти. Қайси тилда гапиргани хозир ёдимда йўқ, чамаси Югославия тилларининг бирида сўзлади – русчага яқинроқ, тушунса бўлади. Мулзам бўлдим. Узр сўрадим.

Бу воқеага ҳам анча бўлди. Шу-шу сира гул узмайдиган бўлганман. Қачон гул узмокчи бўлсан, ўша қиз кўз олдимда гавдаланади.

ЯДРАН БҮЙИДА

Сайёхлар денгиз бўйидаги отелга етиб келншганида вакт алламаҳал бўлиб қолганди. Дарров ёта қолншдн. Акбаржон тонг сахарлаб бир нарсанинг пишқиришидан уйгоннб кетди. Пишқираётган нарса денгиз эди, албатта. Акбарнинг болаликдан бери биттагина орзуси бор эди – у ҳам бўлса денгизни бир кўриш эди. Энди мана шу орзуси ҳам ушаладиган бўлди. Ано-ви дов-дараҳтлар, буталар оралаб ўтса шундоккина денгиз кирғогига чиқади. Шундай килди ҳам. Денгиз тўлкини одам бўйин кўтарилиб кирғокка пешма-пеш урилар ва у ердаги кумни йўна-тиб пўртанага айланарди...

Тушдан кейин денгиз тинчиди. Акбар сувга обдан кулоч отиб чўмилди ва қирғокқа яқин жойда сувдан бир оз дўмбайган кояга ўлтириб олиб узок-узокларга тикилди. Ядран – Адриатика денгизи хариталарда тасвир қилингандек, дарҳақиқат тиник, кўм-кўк эди. Мехр кўйганича бор экан. Ана, олис-олислардан моторли қайик шитоб билан келмокда, катер хипча қад бир қизни шатакка олган. Қиз тик туриб чилвир учини тутгани холда сув чанғисида сузиб келмокда. Қайик Акбарга якинлашиб келганида четга бурилди. Қиз бир кўлини кўтариб Акбара караб:

– Мсье¹ парашют... – дедиую сузишда давом этди.

«Э-ҳа, кеча кўргани хушрўй қиз». Кечаденгизга яқин бир кўргонни зиёрат қилишганди. Ўтмишда ёв келганида шу кўргонни ооломай орқага чекинган экан. Акбар сайдан сўнг қайтаётса, гурухидан кейинда қолтан бир қиз баланд ҳарсанг супладан тезроқ тушмоқчи бўлиб нари-бери бориб келар, гурухи эса узоклашиб борарди. Сакраб тушишга юраги дов бермасди чоғи. Шунда Акбар вазиятни кўриб дарров супа ёнига келида ва елкасини тутди.

– Мана бу ёкка ўлтиринг, – деди французчалаб. Чунки у қизни французча сўзлашаётган сайёхлар орасида кўрганди. Қиз бир оз иккиланиб турдию, лекин барибир елкага ўлтирди. Акбар эса унинг қўлидан тутиб оҳиста чўқар экан, «парашю-ют» деб кўйганди. Қиз эса кулимсираб «мерси»² деганча тудаси сари ошикканди. «Ўша», улар ҳам денгиз бўйига келишипти-да.

Бу кун ўтди-ю, иккинчи кун кечқурун Акбарлар фольклор ансамбли концертига боришиди. Концерт ҳали яримлаб улгурмасдан ёмғир томчилаб қолди. Йазлик театрнинг усти очиқ бўлиб, сахнасининг устигина ёпилган эди. Халқ бир оз ўлтирди-ю, сўнг бирин-кетин тарқала бошлади. Акбарнинг гурухи ҳам жўнаб

¹Жаноб (франц.)

²Ташаккур.

кетди-қолди. Акбар эса «ёз ёмгирининг кучи қаёққа ҳам борарди» деб ўлтираверди. Бир томондан узга юртнинг қўшиқ, рақслари кизиктирган бўлса, иккинчи томондан бир нарса уни ром қилиб қўйганди. «Нима экан, ха, топди». Программани олиб бораётган қиз микрофонга худди икки киши сухбатлашаётганидек охиста сўзлар, табийики, нималар деяётгани карнайлардан аниқ-равшан эшитилиб турар ва қулоқни қоматга келтирмасди. «Биздаги туппа-тузук одамлар микрофоннинг асл вазифасини тушунмай ичагини узгудек бўлиб баланд овозда гапиришади».

Концерт ҳам тугади. Акбар бир ўзи чиқаётса, «парашют» кизни, унинг ҳамроҳларини кўриб қолди. Саломлашишди. Қиз ёнидаги аёлга энгашиб алтанималар деган эди, у Акбарга жилмайиб ройиш қилди. Шундан сўнг улар ёнма-ён кета бошлишди.

Отел билан театр ўртасидаги хиёбон зим-зиё, қоп-коронғи эди. Боя ёмгир олдидан кўтарилган шамолдан сим узилиб чироқларни учирив қўйган бўлса керак. Мана, отел йўли ҳам келди. Бир оз нари боришган ҳам эди, дараҳтдан ажраб тушган йўғон бир шоҳ йўлни тўсиб қўйипти. Шу жойда тўхташган эди, хоним кизга қараб гапиради:

– Элиза, барибир сени отелга қўйиб сўнг буёққа ўтмоқчи эдик, – деди узокда чарогон кўринаётган ва музика оҳанглари таралаётган ресторонни кўрсатиб. – Бу ёғига йигит сенга ҳамроҳ бўлар деб ўйлайман, – деди ва Акбарга қаради.

– Бажонидил, – деди Акбар.

Шундай килиб, хотин ёнидаги эркак билан ёп-ёруғ майдон сари кетишиди. Акбар билан Элиза эса бошқа томонга юришиди.

Элизанинг назарали пошна туфлиси намхуш қумли йўлкага тикилиб-тиклиб одимини сусайтирас, оптоқ кўйлагининг парашют янглиг этаги эса шоҳ-шаббага тегиб пучмайиб-пучмайиб қўяр эди. Акбар йўғон шоҳ танасига миниб олиб уч-тўрт новдаларини синдириб ташлади. Сўнгра Элизанинг белидан ушлаб даст кўтарди ва ғовнинг нарёғига туширас экан, яна «парашю-ют», деб қўиди.

Йўлга тушишар экан, Акбар кизнинг қўлидан ушлаб олди. Бояги аёл қизнинг онаси бўлиб чиқди. Кечакатерни ҳам шу онаси ҳайдаган экан.

– Дадангиз-чи?

– Дадам йўқлар.

– Нима бўлган?

– Дадам билан онамлар... Э, бунинг гапи узок.

– Айта беринг.

– Дадам билан ойимлар «Қаршилик ҳаракати»да қатнашишган. Уруш охирларида отам қамалиб қолади. Мен ўшандада икки

яшар эканман. Фашистларнинг турмасидан чиқиб бўлмаган. Ахийри отамни ўлимга ҳукм қилганлар. Отам ўлим олдидан ёзib чиқарган хатларида айтган эдиларки...

Киз жим қолди. Акбар эса яна қистади.

– Нима дегандилар?

– Эсим кириб хат танийдиган бўлганимдан бери қалбимда уша хатни саклаб келаман, бот-бот тақрорлаб тураман унн, дадамлар билан гаплашаётгандек бўламан:

«Азиз қизгинам, онаси.

Урушга карши, урушдан наф кўрадиган одамларга қарши курашлардан сўнг, шу урушнинг жисмоний ва маънавий азоб-уқубатларидан сўнг бизнинг еримизга босқинчиларнинг зўравонликларига қарши курашишга журъат эттанилгим учун қамалдим.

Элиза! Катта бўлганингда ушбу хат хусусида қаттиқ ўйлаб кўр, чунки у дадангнинг сўнгги сатрларидир. Ақли киз бўл, менинг ўрнимни бос, онанг баҳтиёр хаёт кечирмоғи учун кўлингдан келганича ҳаракат қил.

Анита! – бу онамлар, – гўдагимизнинг севги-муҳаббати сен билан қолаётир, менинг ўлимим сабаб қалбингнинг ҳувиллаб қоладиган жойини шу қизалоғимиз эгаллайди. Менинг учун сен ҳам, қизим ҳам қора кийманглар. Бу менинг сўнгти хохишим. Агар хоҳласанг, шунда ҳам фақат болани деб шахсий хаётингни бошқатдан бошлишинг мумкин.

Алвидо, жигаргўшаларим, сўнгти даққаларда сизлар ҳақидаги ўй-фикрларим ватаним ҳақидаги ўй-фикрларимга пайваста бўлиб кетмокда. Бутун инсоният яхши кунларга эришмоғига қаттий аминман», – дегандилар.

Бу орада отелга ҳам етиб келишди ва гулзордаги скамейкага бориб ўлтиришди.

– Мана, ўшандан бери ўн олти йил ўтипти. Онам бошқа эр килмадилар. Мени «пуп-пуп»лаш, авайлаб-ардоклаш билан шунча йилни ўтказдилар. Мана мени буёкларни ҳам кўрсатгани олиб келдилар.

– Онангиз нима иш киладилар?

– У киши кимёгар. Бир парфюмерия фирмасида ишлайдилар. Отам ҳам шу ишни киларканлар...

Орага бир оз жимлик чўкди.

Гал Акбарга келганди. Ўзини, юртини танитди. Қандай қилиб, қай шароитларда французча ўргангандигини айтиб берди.

Тун кўйнида ердан тараляётган прожектор нури Акбарни лол қолдирган магнолия дарахтининг дўппидай-дўппидай гулатрини, кўм-кўк кирма духобадек баргларини кўз-кўз қилар, со-

хил иқлими гул-чечакларининг бўйлари оламни тутган эди. Икковлари ҳам сархуш эдилар.

– Онамлар билан сайру саёҳатларда юрибмиз, қаерда ҳам бўлмайлик, улар бирор хил янги хушбўй гуллар топиб коллекцияларига кўшишни сира унутмайдилар.

– Шундай дейсизу, Элиза, хид ёқтириш ҳам урф-одат, анъана, миллиатга боғлиқ бир нарса бўлса керак. Сиз оврўполиклар қандай қарайсизлару, лекин бизлар мана шу кўримсиз жида гули бўйини «жаннат ҳиди» деб фойтда ардоқлаймиз. Ҳаттоқи йилда бир «жийда гули сайллари» ўтказиб ҳам турдимиз. – Акбар йўлда келаётib узуб олган жийда гули новдачасини Элизанинг бурнига тутиб туширди.

– Кўп муаттар ҳиду, лекин мавсуми бир-икки хафтадан нари ўтмайди-да.

– Нега бунчалар оз?

– Боя айтдиму, «жаннат ҳиди» деб, жаннат йўли узоқ йўл бўлганидан бундан ортиқ туролмас экан, яна ҳид келтиргани тезда жўнаб кетар экан... Бу ерларнинг иқлими биздан бир оз пастроқ шекилли, бизда жийда гуллаб бўлганди, бўёкларга келсан энди очила бошлаяпти.

– Ойимларга айтиб боқаман, новдани менга беринг-чи...

– Агар жийда гулидан атир тайёрланса борми, бир шишинаси... – У Элизанинг кўлига кўнгган чивинни кафти билан «чиپ» этиб босди-ю:

«Олурмен икки жаҳон мулкига баҳо қилсанг...» – деб куйлаб юборди.

– Кўшик айтдингиз чоги?

Акбар кулиб тушунтириди...

Уч-тўрт кун ўтар-ўтмас Элизаларнинг сафари қариди. Улар шу ердан кемага миниб яна аллақаёкларга йўл олишмоқчи. Акбар уларни кузатиб кўядиган бўлди.

Шом маҳал бўлиб қолганди. Курорт лиманига кема келиб лангар ташлади. Гўё бу шаҳарча ёнига иккинчи бир шаҳарча келиб кўшилгандек бўлди. Кемадан беш-үн одам тушди. Яна шунча одам кемага чиқди. Улар орасида Элизалар ҳам бор эди.

Лиманда беш-олти саватчуруш, гулчурушлардан ташқари Акбардан бўлак ҳеч ким қолмади. Элизалар кириб каюталарга жойлашиб олишган, кема оркестри тинмай куй чалиб турарди (оркестр қаёқда дейсиз, энди бундай пайтларда магнитофон кўйиладиган бўлиб кетган). Чипор кўйлакдаги Элиза капалакдек шўнгигб дам у дарчадан, дам бу дарчадан ташқарига қараб кўл силкитиб хайларашарди. Дарчалардан аллақандай ёркин, майин нур тараларди.

Кема киргокça ташлаган күпргиини күтариб олиб жимнб кетди. Акбар ҳамон Лиманда турар, кема жануб сари тобора узоклашиб борар, овози ҳам тобора сүниб борарди. Нихоят, кема уфқдан гойиб бўлди. Охири овозлар тиннб, биргина бара-баннинг «дуп-дупи»гина келиб турди. Бироз фурсатлан сўнг у ҳам тинди. Лекин энди Акбарнинг юраги яккол дук-дук кыла-бошлаганди.

ОВРЎПОНИНГ «КАТТА КЎЧАСИ»

Дунай дарёсини, таъбир жоиз бўлса «катта кўча» дейиш мумкин. Измаилдан «Амур» кемасига чиқиб дарёнинг боши сари бораётимиз ҳамки, дарё ёқаси бир кун Болгарияникин бўлса, иккинчи кун Руминияники, ёхуд чап тараф Югославия бўлса, ўнг тараф Венгрия, Чехословакия (хозир бу мамлакат иккига – Чехия ва Словакияга ажралган), Австриядан то Германиягача. Дов-дараҳтлар орасидан давлат чегаралари кўзга унча ташланмайди. Турли мамлакатларнинг юқ кемалари ва пассажир кемалари дам-бадам ўтиб турипти. Дарё баайни Оврўпо давлатларини бирлаштирувчи катта бир кўча.

Яна бир ғалати хиссиёт шуки, Тошкентдан Одессага учеб Измаил орқали Венагача борибмиз ҳамки, дарё ёқалаб қайтилса Тошкент шундоккина манаман деб кўринадигандек. Киши битта жўтрафий параллелдан чиқмай ҳар қанча узоқ кетса ҳам шундай туюлармикин? (Илгари шимолий ва жанубий мамлакатларга са-фар қилганимда бундай хиссиёт бўлмаганди-да.) Зотан, харитага карасангиз, Тошкент билан Австрия битта параллелда.

Вена Дунайнинг сўл соҳилида бир оз ичкариликда жойлашган. Қадимги муҳташам саройлар, кўм-кўк кенг хиёбонлар кишини мафтун қиласди. Композитор Штрауснинг валсидан бизга таниш машҳур Вена ўрмони тепаликда бўлиб, у жойга чиқиб карасангиз шаҳарнинг яхлит манзараси кафтдек кўринади.

Бирлашган Миллатлар ташкилотининг Венадаги Атом энергиясидан тинчлик максадларида фойдаланиш халқаро агентлиги, Саноатни ривожлантириш ташкилоти каби муассасалари шаҳар рўпарасида, Дунайнинг ўнг соҳилидаги ялангликка тушган баланд бинояларга жойлашган. Ўнг соҳил шаҳарга энди кўшилаётган кўринади.

Шу жиҳатдан олганда Будапешт Дунай тожидаги дурдона номига муносиб. Дарё шаҳарнинг белидан кесиб ўтган.

Сафаримизнинг энг олис нуқтаси – Залцбургта кетатуриб, собиқ немис қамоқ лагери Маутхаузенда тўхтадик. 1938 йилдан 1945 йилгача Маутхаузен деган ном ҳаммани даҳшатга солган.

Тош конидаги азоб-уқубатли мәхнат важхидан бу ном ажалнинг хишини көлтирган. Шу лагерда 206 мингдан ортиқ маҳбус бўлган. Шундан 110 минг эркак ва аёл йўқ қилинган ёки лагер хаётининг жабридан ҳалок бўлган. Генерал Д. М. Карбишев ҳам шу лагерда ўлдирилган.

Бу улкан қамоқхона «қасри»нинг ери бегуноҳ инсонларнинг қонига беланганд.

Австрия ҳалқинингтина эмас, бутун инсониятнинг авлоди гитлерчилар золимлиги нима эканлигини ёдидан чиқармаслиги учун Австрия ҳукумати музей ташкил қилиб, лагернинг бир қисмини огоҳлантирувчи муносиб ёдгорликка айлантирипти.

Залцбургда машҳур композитор Моцартнинг ўй-музейидан зиёратчиларнинг оёғи узилмасди. Бу ерда ҳар йили опера фестиваллари бўлиб туаркан. «Зар қадрини заргар билар» деганиларицек, билетлар киммат бўлишига қарамай икки йил олдин сотилиб бўлар экан.

«Мовий Дунай» деймизу, лекин бу гап фақат валс номидагина, холос, аслида эса дарё суви бўтана. Кема нечоғли шиддат билан сузмасин, барибир соатига 30 километрдан ошиқ босолмайди. Бироқ саёҳатчилар учун бундан ортигининг кераги ҳам йўқ. Кема ҳатто поезддан ҳам тинч.

Кема саҳнига чиқиб кўприкларга разм солиб бораман: мана, чапда Руминиянинг Журжу шаҳри билан ўнгда Болгариянинг Русе шаҳрини боғловчи кўприк. Бундан йигирма йил аввал шу кўпридан поездда ўтганимда Русе кичик бир шаҳар эди. Энди бўлса ўнларча километрга ёйилиб кетингти.

Хозирги бетон кўприклар олдида бу металл кўприк энди кўпол бўлиб кўринади. Пухталик—пухталигу, лекин кишининг кўнгли гўзалликни ҳам тусар экан. Братиславадан ўтказилган янги бетон кўприк қалдирғочдек енгил, худди учиб кетаётгандек кўринади. Кўприкни тортиб кўтариб турган ёлғизгина устун тепасидаги қаҳвахона эса қалдирғоч уясини эслатади.

Белграддаги машҳур Қалъа-майдон истеҳқоми ёнидан Дунай орқали ўтказилган металил кўприк ҳам дарёнинг шу жойдаги ирмоғи – Саванинг бетон кўпригига нисбатан кўримсиз бўлиб қолган.

Дунай бўйидаги кўпгина шахарларнинг тўппа-тўғри дарёга тушиб кетган кўчалари ҳам бор. Юраётган автомобил кирғокдан солга ўтиб нариги соҳилга бораркан.

Оврўпонинг хушманзара тоғ дараларидан бири Дунайдаги машҳур Катарект танги Югославиянинг қадимги Голубац қалъасидан Руминиянинг Оршов шаҳригача ўнлаб километр чўзилган. Бу жойда Дунай 150 метргача кисилган, аммо чукурлиги 50

метрдан ошади. Шу боисдан уни Темир қопқа дейишади. Шу қопқа ёнида XI асрнинг бошларидаги рўмоли истилочилар ўнг соҳидали Кладово билан сўл соҳидали Дробети–Турну–Северин ўртасида ёғоч кўприк соладилар. Бирок кўприк ўша замонларда ёки бузуб юборилган.

1964 йилнинг кузида шу ерга курувчилар келишади. Руминия билан Югославия шерик бўлиб дарёга тўғон кура бошлийдилар. Бу тўғон Дунайда гидроэнергетика ва кема қатновига замин бўлади. 440 метр узунликдаги тўғондан ташқари, иккала қирғоқ ёнида гидроэлектростанцияларнинг бир хил тарздаги иншоотлари, шунингдек, Дунай бўйлаб тўхтовсиз кема қатновини таъминлайдиган қўшкамерали шлюзлар қуриш керак эди.

Хуллас, 1972 йили жамики иншоотлар битади. Руминия томонидан 1 миллион 50 минг киловатт қувватли ва Югославия томонидан 1 миллион 50 минг киловатли – жами 2 миллион 100 минг киловатт қувватли электростанциялар ишлай бошлийди (таққослаш учун айтсан, машҳур ДнепроГЭСнинг қуввати 650 минг киловатт, Фарҳод ГЭСиники эса 126 минг киловатт).

Дарёнинг бўғилиши натижасида ундаги ва ҳосил бўлган қарийб 200 километр узунликдаги сув омборида сув Дунайнинг эски юзасига қараганда 30 метрдан зиёд кўтарилади ва хатарли кўртошларни босиб кетади. Шундай килиб, кемаларнинг тўғаноксиз қатнови учун йўл очилади.

Мана, бизнинг кема ҳам Темир қопқа шлюзига яқинлашди. Олдинда яна бир кема кўриняпти. Шлюз банд шекилли, кемалар лангар ташламас, шунингдек, бир жойда ҳам туролмас – бир-икки километр масоффада қизиган отдек нари-бери бориб-келиб турарди.

Ниҳоят навбат тегиб 1 соат ичида шлюздан ўтиб бўлдик. Илгари эса қопқадан ўтишга бир неча кун кетаркан.

Кетаётганимизда апрел ойи бўлгани боис қирғоқлардаги довдараҳтлар ҳали барг ёзмаганди. Энди май ойида қайтаётганимизда эса ҳаммаёқ кўм-кўк бўлиб кетганди. 20 кунлик саёҳатда 2000 километр йўл босибмиз.

ХИНД ЮРТИ БЎЙЛАБ

Ҳиндистонга апрелда борсак, худди Тошкентнинг саратонидек иссиқ экан. Жазира маҳалла бўлишига қарамай, ҳиндилар бошлиланг юришни одат қилишган, факат панжоб ҳиндиларигина салла ўрашади.

Хиндистоннинг қадимий шаҳарларидан Жайпурда бизни шаҳар моҳарожасининг кароргоҳига жойлаштиришди. Давлат мустакил бўлганидан сўнг сиёсий ҳокимиyатдан маҳрум бўлган хинд моҳарожаларининг бაъзилари савдо-сотиқ ва бошқа хил ишлар билан шуғулана боштайдилар. Жайпур моҳарожаси Хиндистоннинг Испаниядаги элчиси бўлиб хизматга ўтган. Шу туфайли ўз саройларидан бирини меҳмонхона қилиб қўйган, иккинчисини эса музейга айлантирган.

XVII аср ҳинд мунажжими рожа Савай Сингх қурдирган расадхона ҳам шу шаҳарда. Бу ерда кўп йиллар мобайнида самовий кузатишлар олиб борилган.

Бобурийларнинг Агра шаҳридаги қалъя-саройи ҳозирда ҳам ўз нафосатини йўқотмаган. Сарой хоналарининг мармар деворларига ранго-ранг қимматбаҳо тошлардан гул ва накшлар ишланган. Дераза ўрнида қўйилган тобдон – нозик мармар панжаларлар орасидан Жамна дарёсининг салқин шабадаси эсиб туригти. Узокдаги гўзал Тожмаҳал мақбараси кўзга элас-элас ташланади.

Калкуттада жаҳонга машҳур ботаника боғида юрганимизда баян деган дарахт кишини ҳайратга солди. Унинг шоҳларидан кўпдан-кўп «илдизлар» осилиб тушган бўлиб, бир туп баян дарахти салкам ярим гектар майдонни эгаллаган дарахтзорга ўхшайди.

Бу мамлакатга қўлган иккинчи саёҳатим январ ойига тўғри келди. Иссиқ ўлка деймизу, лекин бобурийларнинг Агра яқинидаги қадимги пойттаҳти – Фатхпур Секрида субҳидамда юрар эканмиз – қуюқ туман тушган, ҳаммаёқ заҳ, эт жунжикарди. Худди шундай ахвол бошқа йили ҳамиша ёз Мисрда ҳам рўй берганди. Бу элда ҳам январ ойи оқшоми машҳур Жиза эҳромлари этагида Миср тарихига оид театрлаштирилган концертни томоша қилиб ўлтирадик. Бир-икки соатлар ўтгач, салқин таъсир этиб, камзул кийиб келганларга беихтиёр ҳавасланиб қараган эдим.

Концерт дедигу, Жайпурда антиқа бир концерт қўйиб берилиганини айтиб берай.

Кечки овқатдан сўнг ҳазми таом учун пастдаги боғчага тушсак (бу сафар замонавий кўпқаватли бир отелга қўнган эдик) бир чеккадаги супа-саҳна ёп-ёргуғ, ўн-ўн беш артист ниманицир кутиб турар, пастдаги креслоларда эса беш-олти томошабин ўлтиради, холос.

Биз бўлсак, боғчанинг эташидаги фаввора ёнига бориб ўлтири-

дик. Бир вакт уч-тўрт киши отелдан тушиб, биринчи қаторда қолдирилган бўш ўриниларни тўлдириди ва шу захотиёқ концерт бошланиб кетди.

Суриштириб билсак, америкалик бир жаноб кўнгли тусаган ана шу концертнинг бир кечасини сотиб олиб, артистларини бу ерга чорлаган экан.

Шундай қилиб, «шолининг орқасидан курмак ҳам сув ичар» деганларидек биз ҳам ўша концертни томоша қилдик.

Фатҳпурдан анча нарида Искандар деган бир кент бор. Бобурнинг невараси Акбаршоҳ шу ерга дағи этилган экан. Атрофи чордевор билан ўралган катта боғ. Дарвозадан ўтиб, икки тарафдаги гулзор, чимзорлар оралаб этакка тушсангиз, шу жойдаги улкан даҳма тўрида шоҳ ётибди. Сағана устига заррин қопкора парда ёпилган – бир чеккада ўлтирган қори куръон тиловат қилмоқда.

Бомбейдан кемага миниб, икки соатлардан сўнг Фил ороли деб аталмиш бир оролга бориб тушдик. Ана шу оролда оламшумул бир ибодатхона бор экан. У қурилмаган, балки бутун тоғни ўйиб-ўйиб фор қилиб ясалган. Бу улкан ибодатхонанинг жамики устунлари, ҳайкаллари, заллари, меҳроблари якпора тошини ўйиб-ўйниб вужудга келтирилган. Шунга минг йил бўйипти. (Толибон Афғонистоннинг Бомиён деган кентида якпора тоғ тошини ўйиб-ўйниб, бундан 2,5 минг йил аввал ясалган будда ҳайкалларини бузиб ташлади. Каттасининг бўйи 53 метр эди.)

Шу шаҳарда кечга яқин кинога кетаётиб, йўлда тўй маросимида дуч келдик. Куёв оқ отга мингдан, унинг жўралари файтун, очиқ автомобилларга тушиб олган, духовой оркестр тинмай чалиб турипти.

Кинодан чиқиб денгиз бўйидаги отелимизга қайтдик. Шомлик овқатдан сўнг ҳазми таом қилиб ҳовуз бўйига чиқсак, бояги тўйдагилар шу ерга йигилипти. Денгизга орқа ўигран саҳнада келин-куёв креслоларда ўлтиришар, қавчи-қариндошлар, ёр-биродарлар саҳнага биттадан чиқиб табрик сўзларини айтар, гулшода тақар ва келтирган совға-саломини топшириб пастга тушарди...

Бир вакт официантлар стол атрофида ўлтирган меҳмонларга бир ликопдан музқаймоқ тортиб чиқиши (столда бошқа ҳеч нарса йўқ эди). Бизга ҳам тегди. Шу билан тўй зиёфати... та мом-вассалом бўлди.

ФИЛ, МАЙМУН, ВАРРАК БАЙРАМИ ВА БОШҚАЛАР

Бундан анча йиллар (эллик йилларча) аввал – мен ҳам мургаккина бола эдим. Қўлимга Киплинг деган инглиз ёзувчисининг ўзбек тилига таржима қилинган бир китоби тушиб қолди. Китобда узок Ҳиндистон юрти таъриф-тавсиф этилган бўлиб, бир ҳинди боланинг отаси билан филга миниб Дехлидан Банорас шахрига қандай қилиб борганилклари, йўлда юз берган воқеалар ёзилганди.

Тун. Чорбоғда супага солинган ўринда ёнбошлиб керосин чирок ёргугида ана шу воқеаларни ўкиётиман. Қора чигирткалар нағмаси авжида, олис-олислардан ҳакқуш товуши келиб юракни эзади – бир дам ўзимни ўша китобдаги дараҳтзорларда филга миниб кетаётгандек ҳис этаман, қачонлардир бу юртларни кўришни жуда-жуда орзу киласман...

«Яхши ният – ёрти мол» деганларидек, ўша орзулар ушалди. Мен ҳам Дехлидан Банорасгача – ҳиндиларнинг айтишларича, Варанасига бордим, боз устига кемага миниб муқаддас Ганга дарёсида сайр ҳам қилдим. Дарё шаҳарнинг ёнгинасидан оқиб ўтаркан.

Филга келсак – унга ҳам миндим. Жайпур шаҳрининг бикинидаги тепаликда жойлашган моҳарожа саройи зиёратига пиёда эмас, филга миниб чикдик. Бу сарой ҳозир музейга айлантирилипти.

Баланд супадан тўппа-тўғри фил устидаги кажавага ўтиб ўлтирилди.

Умуман, Ҳиндистоннинг шаҳарлари, далаларида ўргатилган филлар тез-тез учраб туради, баъзилари ясатилган, пардозандоз ҳам қилинган. Бундай филлар тўйларда, байрамларда хизмат қиларкан...

Биласизки, бу мамлакатда қиши бўлмайди. Чамаси 14 январ куни бўлиши керак. Жайпур шаҳрида эдик. Эрталаб туриб тепага боқсан, шаҳарнинг бутун осмонини ранг-баранг варраклар тутиб кетипти: кўк варрак, қизил варрак, чипор варрак, яна неча хил варраклар. Ўзбекистонда ёзда чукурчуклар, кузда эса зоғлар осмонни қоплаганидек, бу ерда осмонни варраклар коплаган.

Суриштирсан, бугун Ҳиндистонда варрак байрами куни бўлиб, ҳафсала қилган катта-кичик қишилар албатта варрак учирашаркан. Осмонни варрак босгану, аммо ҳеч қандай товуш йўқ: бизнинг лайлаки варракларимизга ўхшайди. Ҳиндиларда дарда-

рак расм эмас экан. Шунча варрак бошамагини эгиб тортиб, дардарақ ёпиширилса борми – шахар аэроромга ўхшаб гувилаб кетар?!

Хиндилар сингирни муқаддас бир ҳайвон деб билганинктикаридан уни сўймас ва гўштини емас эканлар. Сингир қариб сутдан қолгач, у яйдоқ қўйиб юбориларкан. Шундай қыстнб, у хохлаган жойида юриб, хохлаган жойинга бориб ётавераркан. Кўча ўртасида ётиб олган бўлса, уни тургазиб четга ҳайдаб юбориш йўқ; автомобиллар, мотоцикл, мотороллерлар бир амаллаб ёнлаб ўтиб кетавераркан.

Биз ўз юртимизда пича дон сотиб олиб ёввойи кантарга сепганимиздек, Жайтурнинг шаҳар майдонларида шундай беда-фурушларни кўрдик. Беда биздагидек боғ-боғ қилинб эмас, балки бир тутам-бир тутам қилиб бoggланган. Хиндилар ана шу тутамларни сотиб олиб, ўша улоқиб юрган сингирларни беда билан сийлашар экан.

Хиндиларнинг яна бир одати кишини ҳайратга солади. Гуруҳимизга тегишли валюта банкдан келтирилгач қарасак. ҳар тўп пул белидан... сим билан тикилган эди (ўзингиз биласиз – бизнинг банклар пулни қоғоз лентага ўраб пачкалайди).

Бир замонларда бобурийларга пойттахт бўлган Агра шахрида «Шероз» деб аталмиш боғ-роғли сўлим бир отелга кўндиқ. Ҳовлисида товуслар думини камалакдек товлантирас, дөв-даражатларида бир-икки маймун ҳам кўринарди. Отел мулозимлари бизни егулик нарсаларимиз бўлса, уларни маймунлардан эҳтиёт қилишимизни тайнитлашди (худди бизда мушукдан эҳтнёт килгандек).

Маймунлар бинонинг ҳар қандай қаватига ҳам тирмашиб чиқиб хоналарни талон-торож килаверар экан. Хиндилар сингирга қандай муносабатда бўлсалар, маймунларга ҳам шундай – уларга тегишимас экан.

Учинчи қаватда турардик. Ҳамхонамнинг кастрюлкада қандайдир бир овқати бор экан. Ётар маҳали хонага келсак, дераздан кирган маймун шу овқатни пакқос тушириб бўлиб, яна кастрюлканинг қопқогини ёпиб ҳам кетибти...

ТОЖМАҲАЛ

Ҳинди斯顿нинг дуру гавҳари деб аталган Тожмаҳал мақбараси Дехлидан икки юз километр чамаси жанубдаги Агра шахрининг ёнгинасида, Жамна дарёсининг ёқасида жойлашган.

Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси фиштдан «битпилган девон» бўлса, Аградаги Тожмаҳал мармардан яратилган «достон»дир.

Дархақиқат, хозирги Ҳиндистонда инсон ақл-заковати ва санъаты акс эттирилган муҳташам обидалар қаңчалик күп бўлмасин, хинд диёрининг энг биринчи қадамжоси – Тожмаҳалdir.

XVII аср бошларида Шимолий Ҳиндистонда бобурийлар авлодидан Шаҳобиддин Шоҳжаҳон (Бобур–Хумоюн–Акбар–Жаҳонгир–Шоҳжаҳон) подшоҳ эди. Унинг севикили хотини Мумтозмаҳал бегим ўн икки фарзанд кўрган, давлат ишларида маслаҳатгўй, сафарларда ҳамроҳ ва вафодор ёр бўлган. 1630 иили жанубга қилинган бир сафарда Мумтозмаҳал бегим ўн учинчи фарзанд таваллуди асносида нобуд бўлади. У кўз юммасидан олдин эри зиммасига уч шарт қўяди: биринчиси – вафот этганидан кейин бошқа уйланмайсиз, иккинчиси – болаларимга яхши қарайсиз, учинчиси – меним учун шундай мақбара бино килдирингки, дунёда унинг тенги бўлмасин, дейди.

Шоҳжаҳон шу учала васиятни ҳам бажо келтирган: умринг охиригача бошқа уйланмаган (хотини ўлганидан кейин яна 36 йил яшаган), вафодор хотини учун у Тожмаҳал мақбарасини бино килдириганки, ҳакиқатан ҳам у дунёда беназир обидадир. Ҳар йили бутун дунёдан Тожмаҳалга келаётган миллион-миллион зиёратчиларнинг қадами узиљмайди. Тожмаҳал – Мумтозмаҳал бегимга чинакам абадий тож бўлган (машхур шоира Зебунисо бегим Мумтозмаҳал бегимга набира бўлади).

Дарвозадан киришингиз билан оппок мармар тошдан ишланган обиданинг салобатидан ҳаяжонланиб, этингиз жимирилашиб, беихтиёр тўхтаб қоласиз. Олдингизда ястанган узун мармар ҳовуз сувида ҳам унинг акси жилваланиб турипти.

Тожмаҳал катта бир боғнинг ичиди. Боғнинг уч томони баланд қизил тош билан куршалган, орқа девор Жамна дарёсига тақалган (Верешчагин ишлаган машхур расм дарёning нариги қирғоғидан туриб акс эттирилган). Мақбаранинг тўрт чеккасида тўртта минора қад кўтарған. Бутун мақбара ансамбли ишланишида симметрияяга риоя килиниб, ҳатто боғнинг икки бурчига иккита бир хилда мачитлар бино килинган.

Мақбаранинг қоқ марказида гул қилиб ишланган пастак мармар панжара ўртасидаги нақшин супа устида Мумтозмаҳал бегимнинг сағанаси жойлашган. Унинг ёнгинасида Шоҳжаҳон сағанаси турипти.

Шоҳжаҳон ўзига Жамнанинг нариги соҳилида қора тошдан шундайин мақбара ишлатишни ният қилгану, лекин насиб этмаган. Вафотидан кейин уни ҳам (гарчи симметрияни бузиб бўлсада) Мумтозмаҳал бегим ёнига дафн этишган. Уларнинг жасадлари Самарқанддаги Гўри Амирга ўхшаш сағана остидаги тагхона даҳмасига қўйилган.

Мармар сағанага ишланған ранг-баранг гулларнинг хар битта барғи беш-олти тусда товланади, кимматбаҳо зийнат тошлари ишлатилған. Шохжахон Мұмтозмаҳал бегим сағанасининг бош томонига ёңғоқдек келадиган гавҳар қўйдирған экан. Аймо кейинчалик инглизлар гавҳарни кўчириб олишган ва ўрнига ёнидагиларга ўхшаш ранго-ранг гул ишлаб юборилған, лекин эътибор бериб қарасангиз, гулнинг ямок бўлиб тушганлиги билиниб турипти (кейинчалик шу гавҳарни Лондондаги Тауэр сарой-музейида кўрдим. Гавҳар бу ерга қўйилған Буюк Британия маликасининг тожини безаб турипти).

Турбатга зиёратчилар кетма-кет кириб туришипти, сағаналар бошига хиндилар чиройли гулшодаларни такқанлар. Бир чеккада мушк-анбарлар тутамоқда.

1631 йилда, Мұмтозмаҳал бегим вафотидан бир йил ўтгач, курила бошлаган Тожмаҳал мақбарасини 20 минг уста-мардиқор 18 йил мобайнида битказған. Катта-катта мармартошлар неча юзлаб километр наридан ташиб келтирилған, бу курилишга Ўрта Осиё, Эрон, Туркия, Ирок, Арабистон, ҳатто Оврўпода атоқли меъморлар чакирилған.

Тожмаҳалнинг деворлари, пештоқлари ва дарвозаларига турли дуо, хикматли сўзлар ҳамда мақбарани ишлаган усталарнинг номлари арабча ҳарфлар билан лавҳа қилиб битилған. Шулар орасида юртдошларимиз: самарқандлик Уста Мұхаммадшариф ва бухоролик уста Отамуҳаммад номларини ўқиб фахрланасиз. Мұхаммадшариф Тожмаҳал мақбараси бош меъморининг биринчи ёрдамчиси бўлған, Отамуҳаммад эса иншоотнинг барча накшлари ва мармар гул панжараларини ясашда хизмат қилған.

Тожмаҳалнинг бўйи саксон метрча. Мақбара Самарқанддаги Бибихоним мачитидан икки баравар баланд ва катта бўлишига қарамай, пештоқларидағи лавҳалар пастдагилариdek бир хил катталикда кўринади. Шундай бўлиши учун ҳаттолар юқоридаги ёзувларни тегишли масштабда йирикроқ қилиб битибдилар...

Тожмаҳал кундузи чиройли, ойдинда эса ундан ҳам чиройли. Унга иккинчи бор кириб борганимизда кечаси соат ўн-ўн бирлар, осмонда ўн тўрт кунликоми-ўн беш кунликоми ой балқиб турарди. Осмонда у ойу, ерда бу ой – Тожмаҳал. Осмондагиси ердагисининг аксидек туюларди.

Тожмаҳал боғидаги майсазорлар, фавворалар бўйи зиёратчиларга тўлған. Ҳеч қандай чироқ ёки проJECTор билан ёритилмаган, факат ой ёғдусида товланаётган афсонавий гўзал Тожмаҳалга ҳамма маҳлиё ёди. Уфқда кенг Жамна йилтираб оқмоқда...

Зиёратчиларнинг аксарияти ёш-яланглар. Бир-бирларига муҳаббат кўйган хинд йигит-қизлари ойдинда Тожмаҳал оғушига келишиб, умр бўйи содик-вафодор бўламиз, деб аҳду паймон килишар экан.

Теварак-атроф сукунатда. Факат тошкентлик ҳамроҳимнинг митти транзисторидан хиндиларнинг эхтиросли муҳаббат кўшиклари тараљмокда. Худди манту уйқудаги ошиқ-машукларни уйғотиб қўядигандек оҳиста-оҳиста юрар эканмиз, уч юз йилдан зиёд вактдан бери ер юзидағи барча кишиларни ҳайратга солиб келаётган, инсониятнинг буюк обидаси Тожмаҳал олдида бош эгдик.

«БУЛБУЛ ГУЛИСТОНДИН ЖУДО»

Киши ўзининг болалигидаги ҳамдамларини қўмсаб туради. Турмуш ташвишлари билан бўлиб, бир нарсанинг йўқолиб кетганигини тўсатдан эслаб қолдим.

Илгари, борингки, 60-йилларнинг бошларида ҳам Тошкента – унинг бугу бўстонларида албатта булбул хонишини эшишиб кишининг кўнгли кўп яйрар эди. Эндиликда шахримизда ана шу жонивор йўқ.

Ёлғон бўлмасин, беш-үн йил бурун Жанттоҳда күшлар кўргазмаси ўтказилди. Тошкентлик машхур қушчи Мансур Отабек шу кўргазмага келтирган хилма-хил, ранг-баранг нодир күшлар орасида бир дона булбул ҳам бор эди. У кишидан шахримизда булбул йўқолиб кетганигининг сабабини сўраган эдим, «бунга олақанот айбдор» деб жавоб қилдилар. Булбул ўз усига кўйган тухумни олақанот пакқос ютар экан. Олақанотнинг шунча суллоҳликлари кам бўлиб, бизни булбулдан ҳам маҳрум этипти.

Аввалилари юртимизда олақанот бўлмас эди. Чамаси ўтиз-кирқ ийилар бўлдиёв, Ҳиндистонга борган ветеринар – байтарларимиз бир қушнинг сигир белига қўниб олиб, унинг ўқрасини чўқилаб тортиб еяётганигини кўриб қоладилар ва шу ниятда ундан уч-тўрттасини бизнинг элга ҳам келтирадилар. Бу ерда – янги жойда ҳам қуш кўпая бошлиди, учайдиганида қаноти ола бўлганлиги учун олақанот деган ном олади. Ўйламай-нетмай шунақанги номаъкул иш тутиш натижасида мана энди ўкра қолиб кетиб, бошимизга не балолар ёғилди.

Ҳиндистон шаҳарлари, йўллари, дала ва боғларини ҳам олақанот – ҳиндилар майна деб атайдиган шу қуш тутган. Йигирма йил ичida бу юртга икки марта бордим – бирон жойда бўлсин на булбул хонишини эшитдим, на ўзини кўрдим.

Мен бир нарсага ҳайронман. Олақанот бизнинг қишига қан-

дай ўрганди экан? Мажалламиизда бир ҳаваскор киши аллақаерлардан қорамурч күчтени топиб келтириб, күча эшнгидаги арик бўйига ўтказган эди. Кўчат яхши тутиб кетдию, бироқ ҳар йили мурчи пишиб етилолмай дони думбултигича қолиб кетади. Барги тол баргига ўхшайди. Худди ошрайхонга ўхшаб уруғ боғлайдиу, аммо сирен рангидаги гултайди.

Болгариянинг Несебр шаҳри якинидаги Кораденгиз бўйида дам олгандим. Ўша ердаги дараҳтзорлар, айникса ундан жануброқдаги Созопол шаҳри атрофлари булбулмакон жойлар экан. Умримда сира ҳам бундайин роҳат қилмагандим: ўнлаб булбуллар бири олиб, бири кўйиб хониш қиларди.

Ўшанда зимдан разм солиб юрдим: мамлакатнинг хеч қаерида биронта ҳам олақанот учрамади. Ҳайрият, бу ёкларга етиб келмагти.

Майна деганда ўзимизнинг туб жой майнамизни шу олақанот билан адаштирмаслик керак. У олақанотдан бир оз каттароқ, тимқора, учганида қаноти ола бўлмайди. Ўзимизники булбулга знён етказмаган, зиён етказиш у ёқда турсин, бу беозор куш булбулга таклид қилиб сайраб беради ҳам (араблар уни ҳатто «Фили булбул» деб аташади). Майна шундай таклидчи бўлганидан илгарилар у қафасда бокилиб, тўтига ўхшаш гапирадиган қилиб ҳам ўргатиларди. «Мени майна қиляпсанми» деган гап шундан қолган.

ГЎЗАЛ ПОКИСТОН

1947 йилда Покистон мустақил давлат бўлгач, Арабистон денгизи бўйидаги порт шаҳар – Карачи мамлакат пойтахтига айлантирилди. Аммо кейинчалик пойтахт мамлакатнинг бирмунча ўрталиқ, хушҳаво еридаги Равалпинди шаҳрига кўчирилди. Бу жой ҳам мувакқат пойтахт эди. Ҳозир эса Равалпиндидан бир неча километр шимолдаги курорт жойда Покистоннинг доимий пойтахти – Йсломобод шаҳри қад кўтарган. Янги пойтахт лойиҳасини италян ва юонон меъморлари ишлаган бўлиб, бинолар япон, канада, америка ва немис инженерлари бошчилигида курилган.

Карачи аэропортидан шаҳарга қараб машинада бирон соат юрганингиздан сўнг чагда Лолазор кўчаси бошланади. Унга бурилиш билан рўпарангизда ҳашаматли бир бино кўринади. Бу – «Бич луксори отел», биз сайёхлар шу қўнокхонага тушдик.

Отел дengiz плажига туташ бўлганлигидан инглизча «бич» номи келтирилган. Отел боғининг оромбахш тиник сувли ҳовузи теварагидаги майсазорларда, шийпонлар ва айвонларида ке-

чалари дабдабали қабул маросимлари ўтказиб турилади. Қаватлардаги хоналарнинг эшиклари узундан-узок пешайвонларга очилган. Хоналарда замонавий барча қулаликлар бор, жумладан, хона ҳавоси бир маромда салқин бўлиб туради.

Шаҳар истироҳат боғи – «Боги жаҳон» саҳни кўм-кўк майсазор, хиёбонлар ёкаси ранго-ранг латиф гулзорлар, унда-бунда адол сарвлар, хурмолар. Йиғлизлар ҳукмронлиги даврида боғ ўтрасига готика услубида қурилган собиқ шаҳар маҳкамаси биноси давлат музеий ва кутубхонага айлантирилипти. Музей экспонатлари орасида бобурий подшоҳлар ва маликаларнинг рангли расмлари ҳам бор. Расмлар тухум шаклида ишланган бўлиб, кафтдек келади. Гарчи дини ислом кишиларнинг расмини чизишни тақиқлаган бўлса-да, буларни ўша замонларда дengиз орқали келган «фаранг»лар орасидаги рассомлар ишлаган ва эҳтимол подшоҳлар уларни пинҳона сақлаган. Чунки саёҳат давомида Покистонда биронта ҳам хайкал учратмадик. Фақат Покистон давлатининг асосчиси Мухаммадали Жинна билан президент – Садри Аъзам портретларидан бўлак сурат йўқ. Музейнинг нодир китоблари орасида «Девони Жомий» асари ҳам бор.

«Боги жаҳон»да бир оз сайд қилгач, автобусда шаҳар аквариуми сари йўл олдик. Консулхоналарнинг кўркам иморатлари жойлашган кўчалардан ўтиб дengиз бўйига чиқиб олдик – сайхонликда ёлғиз қад кўтарган бинога кирдик. Жаҳон меъморчилигининг энг сўнгти ютукларини назарда тутиб ишланган бу бинога жазирама иссиқдан киргач, салқин нимқоронғилик оғушида ойнабанд деворлар ичидаги сувга қўйиб юборилган минг турли ажойиб балиқларни кўриб нафас ростладик. Карачида дунёдаги бошқа шаҳарлар ҳавас қиласа арзигулик аквариум бунёд этилипти.

Шаҳарнинг энг муҳим қадамжоси – Муҳаммадали Жинна мақбарасидир. Самарқанддаги Гўри Амирига ўхшатиб ишланган мақбаранинг ер тагидаги сагана қўйилган катта оқ мармар залидан зиёратчиларнинг оёғи узилмайди.

Кўчалар фоятда гавжум, серқатнов. Трамвай, автобус, такси, фойтун, от кўшилган киракаш арава, мототаксилар йўловчи хизматига мунтазир. Киракаш аравага суюнчикли курси қўйилган бўлиб, тўрт киши бир-бирига орқа ўғириб иккитадан бўлиб ўлтиради, юккаш мотороллернинг кузовига ўриндиқ қўйилиб соябон ёпилган. У бошқа ҳеч қандай транспорт ўта олмайдиган жойларга бемалол кириб бораверади.

Хунармандларнинг устахоналари эса дўконларига туташ. Ишланган маҳсулот шу жойнинг ўзида сотилаверади. Баззозлик расталаридаги дўконларнинг сўриларига кўрпача тўша-

либ, устидан оқ чойшаб ёзилган. Харидор келиб күрпачага ўлтириши билан ёнига түп-түп газламалар ташланади. Бир вакт қарабсизки, чой ҳам тутиляпти, кока-кола шишасининг оғзи очиляпти.

Нариги дўйондаги сўрига аёллар ўлтириб олиб харид қилиш япти. Кўпчилгининг бошида паранжи. Унинг бичими биздаги ларга ўхшамайди: чамаси дастурхондек келадиган мато бошдан оёқ ташлангану, кўз олди ўйилиб тўр тутилган. Кизлар паранжисининг аксарияти қора. Аммо зарпопуклар, зебигардонлар тақиб очиқ юрган хотин-халаж ҳам учрайди.

Покистонликларнинг уйларида бўлмадигу, лекин айтишларича, уй албатта ичкари-ташкарилик қилиб солинаркан.

Покистон авиакомпаниясининг ҳаво кемаси бизни Карабичдан Лоҳурга икки соатларда элтиб қўйди. Лоҳур – Покистоннинг кўхна шаҳарларидан. У бир вактлар бобурийларнинг пойтатхи ҳам бўлганди.

Хинди斯顿да бобурийлар салтанатининг умуман тўртта – Дехлида, А.рада ва унинг яқинидаги Фатхтур Секрида, Лоҳурда қароргоҳлари бўлган. Подшоҳлар кўнгли тусаганига бориб турвергандар.

Лоҳурдаги қатъа-сарой Бобурнинг 1556–1605 йиллар мобайнида подшоҳлик қиласи невараси Акбаршоҳ билан унинг ўғли Жаҳонгир замонида бунёд этилган.

Рави дарёсининг сўл қирғогида лаъл тошдан ишланган сарой ҳозиргача яхши сакланган. Дарвозадан киргач, узун кетган гулзор оралаб борсангиз, таҳт ўрнатилган мармар зал – «Акбарий маҳал» келади. Унинг ёнидаги «Девони ом»нинг каттапина болохонасида подшоҳ ҳар куни эрталаб фуқаронинг арз-додини тинглар экан.

Оппоқ мармардан ишланган хосхона – «Боргоҳ»нинг кенг ҳовлисидаги атиргуллар чаман-чаман очилган, гулдан ҳам гўзал камалагини ёйган товуслар унда-мунда оралаб юрипти. Шу ердаги атиргулларни дастлаб Жаҳонгир подшонинг маликаси – Нуржаҳон бегим ўтқаздирган бўлиб, у киши ухлашдан олдин ўринларига гулбарг сочдиришни одат қиласи эканлар.

Жаҳонгирнинг ўғли Шоҳжаҳон даврида сарой янада кенг гайтирилиб, муҳташам уйлар қурилипти. Подшоҳ хоналарининг деворларига ранг-баранг қимматбаҳо тошлар силлиқ гул қилиб терилган. Ходим сайёҳларни олти қиррали бир залга олиб киргач, панжара гулчин эшикларни ёпди: уй ичи коронги бўлиб кетди. Шу заҳоти у шам ёқиб, бизни гумбаз шифтига карашга унлади. Бундай карасак, коронги осмон тўла «юлдузлар». Хона шифтига қадалган қавариқ кўзгулар коронгиликда

юлдузларга ўхшаб милтиар экан. Беш гумбазли ушбу зал «Шиша маҳал» деб аталган.

Шоҳжоннинг ўғли Аврангзеб Оламгир даврида Қатъанинг сардараси – бош дарвозаси ёнида катта масжиди жомий курилган. 1674 йилда битказилган шу «Подшоҳи масжид»нинг тўрт бурчагида тўртта баланд мезанаси, катта ховлиси тўрида уч гумбази бор. Жилоланган оқ мармар ёткизилган саҳни бўлиб, масжидда бир йўлға юз минг киши намоз ўқиши мумкин. У меъморчилик санъатининг энг гўзал намуналаридан ва дунёдаги энг катта масжидлардан биридир. Ҳатто Дехлидаги «Масжиди Жомий» ҳам катталиги жиҳатидан «Подшоҳи масжид»нинг олдига тушолмайди. Покистоннинг юз руپиялик пулида «Подшоҳи масжид» сурати бор.

Икки юзу уч зинапоя босиб мезаналардан бирига кўтарилидик: қадимий Лоҳур кўзга кафтдек ташланиб турарди.

Покистонда улуғ шоир ва муғафаккир Мұхаммад Иқболга халкнинг хурмат-эътимоди шу қадар баландки, Лоҳур ахолиси унинг мақбараси учун «Подшоҳи масжид» дарвозаси олдидағи гулзордан булак жойни муносиб кўрмалти. Гулзор ўртасидаги мармар кўшк ёнидан ўтиб сўл тарафга боқсангиз, бўйи бешолти метрлар келадиган кесик пирамида турипти. Лаъл тошдан ишланган сода ва гўзал мақбара остида аллома Мұхаммад Иқбол мангу ўйкуда ётипти.

Подшоҳ Жаҳонгир Лоҳурни багоят ардоқлаганидан шу ерга дағн этишларини васият қилган. Шаҳарнинг шимолигарбидаги Рави дарёси ўнг соҳилида Жаҳонгир шохнинг ажойиб мақбараси бор. Тўрт минорали баҳайбат мақбара ўтасидаги подшоҳ сафanasига бинонинг тўрт тарафидаги дарвазалардан кириб келаверса бўлади. Шарқ меъморчилигининг ислимий ва гиреҳ услуб нақшлари солинган мақбаранинг мармар панжаралари, деворлари, эшик кунгуралари зўр маҳорат билан ишланган. Шу ерда биз чўк тушдик ва андижонлик Эгамберди ҳожи бобурийларнинг руҳи покларига куръон тиловат қилдилар.

Мақбаранинг чор атрофи чорчаман – лоҳурликларнинг саиилгоҳи экан. Баланд дараҳт соясидаги майсага тўшалган гиламда чордана қуриб ўлтирган бир кўша хонанда ва созандаларнинг куйларига бир дам қулоқ тутдик.

Шу боғнинг бир дарвозасига кўхна бир карvonсарой ичидан ўтиб борилади. Тўрт тараф гир айланган неча юзлаб хужралар. Уларнинг олди пешайвон. Коровуллар эгаллаган бир неча ҳужрани ҳисобига олмаганда қолган ҳаммаси бўм-бўш. Лоҳурликроҳбин Махмуд оғанинг айтишича, бир замонлар бухоролик ва

самарқандлик савдогарлар тұғри шу саройға келиб тушишар экан. Карвонсаройдан бир оз беріса Нуржахон белгім мақбара-си салобат түкіб турипти.

Шохжахон шахар теварагыда сұлым истироҳат боллари барпо қылдырган. Шулардан бири – Шалимар бөғи ҳанузгача латофатини йўқотмаган. Бу сўз «Истироҳат чашмаси» деган маънони билдирилган. 1641 йилда битказиган бу богнинг номи жисмига монанд мармар ховузлару фавворалар, кияма деворлардан тушадиган шаршаралару оппок мармар шийпонлар. Қалин соя берувчи дов-дараҳатлар йигирма гектар майдонни эгалтаган. Дастраб бокқа сув олиб келиш учун 150 километр наридан арик қазиб келтирилгти.

Шалимар эртаю кеч истироҳатчилар билан гавжум, каттаю-кичик ҳаттоқи чилласи чикмаган чақалокларни ҳам кўта-риб оромбахш ҳаво олганн келишаверар экан.

Лоҳурнинг янги кўчалари кенг ва равон. Шахарда барча кулийкларга эга бўлган ўн-ўн беш қаватли кўркам маҳкама, муассаса, савдо-сотик биноларини кўрасиз. Бу биноларда хозирги замон архитектурасининг энг сўнгти ютуклари билан бирга Шарқ мъеморчилигининг гўзат накшлари, панжаралари мохирона му-жассамланганки, Оврўпонинг бирор шаҳрида бу қадар жозиба-дор иморатларни топиш кўйин.

Лоҳурда биз кўнган «Парк луксори отел» олди боғ, унинг нарёғи салқин кўча. Ҳамиша ёз эмасми – катта йигинлар чақириладиган бўлса, фалакнусха ва қип-қизил килиб бўялган мато сирилган енгил буклама ғов аравадан туширилдади, майсаор-нинг тевараги иҳоталаниб, отелдан стул, мебел чиқариб кўйилади. Қарабсизки, бир зумда микрофонлар, чироқлар ўрнатилган, фалакғов орқасида чой дамланган, ош-овқат хозирланган.

Биз кўнган кечаларда бу ерда шахар дўхтирларининг алтанасрага бағишенган ўтириши, бошқа хил йигинлар бўлиб ўтди. Айтишларича, ҳанузгача ўтмиш анъаналари давом этар, ҳар хафта шахарнинг бирор жойида мушоира бўлиб тураркан.

Покистонликлар бизнинг Тошкентдан келганилгимизни билишиб, ҳурматимизни ўрнига кўйишди ва жонажон шаҳри-миз сари равона бўлар эканмиз, тошкентликларга салом айтиб қолицди.

ВЬЕТНАМ ДИЁРИДА

Москвадан парвоз килиб Тошкентга кўниб ўтган ҳаво кемаси уч соатда бизни Каракиға элтли. Яна уч соат учеб Калькуттага, шундан сўнг яна тўрт ярим соат учеб Вьетнамнинг

пойтахти – Ханойга етказиб қўйди. Бўлар. Йўқ, кам экан. Тагин икки соатлик учимиз қолган экан, ниҳоят жануб томон кетиб, Сайгонга бориб тушдик.

Машриқ сари шунча учеб аэропортдаги соатга қарасам – Тошкент билан атиги икки соат фарқ килиб турипти-я. Лекин энди тамомила бошқа бир оламга келиб қолган эдик. Дов-да-рахтлар, ҳайвону наботот тамомила бошқача. Умримда кўрмаган чечаклар, гуллар, ранглар... Умримда кўрмаган, емаган анвойи мевалар. Ҳаво қизиганда осмонда биронта қушни ҳам кўрмайсиз. Эрталаб соат бешда тонг отадиу, кеч соат еттида бирданига қоронғи тушади. Бизда-ку ёзда шом бўлгач, бироз салқин тушади. Вьетнамда бўлса, барибир кечаси ҳам иссиқ-нинг ҳовури пасаймайди.

Чидолмай, эрта бўлса-да, яна отелга кириб кетаман. У ерда кондиционер, вентилятор, яхна сув бор... Кондиционер-ку, кейинги йилларда русум бўлди. Илгарилари нима қилишганикин? Вьетнамликларнинг ҳаммаси қотма, чайир одамлар. Йигитлик чоғларимда мен ҳам қотма эдим. Шундан биламанки, қотма одам унча-мунча иссиқни писанд этмайди.

Чигиртканинг чириллаши кишига бальзан ёқмайди, оромни бузади. Аммо биздаги қора чигиртканинг чириллаши чириллаш бўлибдими, Вьетнам чигирткасиникини эшигининг худди пилорама вағиллашининг ўзгинаси – сира чидаб бўлмайди.

Қош қорайганда хиёбондаги стулда ўлтирган эдим, нарироқдаги буга оралаб чироқ пирираб ўтди. Ха, энди биронтаси велосипедда сайд қилаётган бўлса керак – велосипеднинг чироги у, десам янгишган эканман, шундай бир тур ҳашарот бор эканки, тунда у велосипед фонариҷалик нур берадиган «чироғи-ни ёқиб ўчириб-ёқиб ўчириб» ов қилиб юаркан.

Каучук дараҳтларини ҳам шу диёрда кўрдим: теракдек йўғон дараҳтнинг танаси марғула – спирал қилиб тилиб ергача туширилар, учига митти бир нов ўрнатилар ва тагига кокос ёнғоғининг бўшаган палласи қўйиб қўйилар экан. Новдан томчилаш тушаётган қаймоқ янглиғ каучук шираси косани тўлдиригач, пешма-пеш йиғиб турилар экан. Барги магнолия дараҳтининг барига ўхашаш қаттиқ, силлик.

Бизда шафтоли ўтқазилганидек, ҳар бир вьетнамликнинг ҳовлисида албаттга уч-тўрт туп банан ўстирилар экан. Шоҳигулнинг барига ўхашаш пастки новдалари орасида шода-шода банан тилладек етилган бўлса, тепа шоҳидагилари ҳали кўмкўк – пишмаган.

Сайгондан автобусга тушиб, жанубга – денгиз бўйидаги Винчяу шахри сари кетяпмиз. Мана, Меконг дарёсидан ҳам ўтишимиз

керак. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлиб, бу қадар улкан, бу қадар серсув дарёни ҳали кўрмагандим.

Қизик. Далаларнинг у ер-бу ерида катта-катта кемалар қакқашиб турибди. Далани кўпдан-кўп каналлар кесиб ўтган бўлиб, денгиз суви қалқиганида у билан бирга дарё сувн ҳам кўтарилиб, кемалар манзилига бемалол етиб олар, сув кайтган маҳалда юкини тушириш ва бошқа юк ортиш билан банд бўлиб турар, иккинчи бор сув қалқиганида эса орқага қайтар экан.

Одамлари кемасозлик билан шугуланаётган қишлоқларни ҳам кўрдик: баъзи кемалар битиш олдиша, баъзиларига эса энди ковурға тортилаётганди.

Бўйрадан ясалган қайикни кўрганмисиз? Шунақанги қайик ҳам бўларкан. Қайик шаклида тўқилган бўйра устидан қалин килиб қорамой суртиб куритилса, таппа-тайёр қайикка айтанаრкан. Икки-уч киши тушиб олиб балиқ овлаб юрган шундай қайикларни ҳатто денгизда ҳам кўрдим.

Жанубий Хитой дентгизи сувининг таркиби шунақанги шифобаҳаш бўлиб чиқдики, бадандаги унча-мунча темираткиларни икки марта тушишимнинг ўзидаёт тузатиб юборди...

Шунингдек, йўл-йўлакай кичик-кичик фишт заводлари, чепепица заводлари, хаттоки бориб турган замонавий мебел устахоналари ҳам тайёр бўлган маҳсулотларини териб кўйганди. Устахона ёнига йўғон-йўғон кизил дараҳт таналари тушнириб кетилган. Ишчилар уларга оддий арра солиб ишга мос тахта тилмоқдалар. Электрнинг ўзи йўқ.

...Мана бу пайкалга сув бостирилган. Дехқонлар қўшни пайкалда етилган шолипоя кўчатидан олиб унга ўтқазмоқдалар. Ундан нариги пайкалнинг шолиси етилиб ўроққа келиб қолган. Бир ерда эса тоғорадан икки ёққа тортилган икки жуфт тизимчани тортиб ушлаган икки киши пастдаги ариқ сувини юқоридаги пайкалга дам-бадам тортиб қуйиб турипти. Яна бир сувли пайкал кўтос қўшилган омоч билан ҳайдалмоқда. Қиши бўлмагач, йил ўн икки ой дехқончилик қилинаверар экан.

Кўтоснинг иккинчи номи – сув сигири. Иссиқ эмасми – ҳайвон ўзини сувга ургани-урган. Сувдан бошигина чиқиб турипти. Болалар, аёллар даладан қайтишда унга миниб олишар экан. Кўтоснинг ўзига юк ортилганини кўрмадиму, лекин велосипеднинг тоза «жонини суғуришаркан». Тўрт-беш қопдан юк ортиб етаклаб кетилаётган велосипедларни кўрдим.

Бизда обкаш ўз оти билан, факат сув ташишдагина ишлатилиди. Вьетнамлик бўлса юкини орқаламайди ҳам, бошида кўтариб юрмайди ҳам, уни қоқ иккига бўлиб обкашлаб элтади. Кўча ошхоналари ҳам обкашлаб кўчириб юрилади. Обкашнинг бир

палласида керогаз, бир қарич-бир қарич курсичалар, иккинчи палласида қозон тұла овқат ва зираворлар. Шундай килиб, гавжуроқ йўл чеккасида бир зумда «ошхона» очилади-кўяди.

Велосипеддан сўнг энг замонавий транспорт – мопед. Кўпроқ япон мопедлари. Уларга ёнилғи қўйиб олиш масаласи ҳам боллаб ҳал этилган: кўчанинг бирор камгакроқ жойида ёнига канистр қўйиб ўлтирган киши бензини тутаб қолган мопедга уни қўйиб ҳам беради, мабодо камераси тешилган бўлса ямаб ҳам беради.

Турли хил майший хизматлар шу қадар bemalolki, масалан, аёллар педикюрчини излаб юрмайдилар, аксинча, унинг ўзи мижоз ишлаб турган жойга келади. Бир атторлик дўконидан қашлағич харид қилаётсам, дўкоидор аёл ўрнидан турмас ва юмушини қизалогига буюарарди. Не бўлди деб бундай қарасам, пастда мункайиб олган педикюрчи ўз юмушини бажараётган экан. Биз кўнган отелда кийим-бош ательеси ҳам бор эди. Унга бугун кириб костюм буюрсангиз, эртасига эрталаб тайёр қилинган буюртмани кийиб кетаверар экансиз.

Бизга асосан Оврупо таомлари тортилиб турилганди. Бир куни «Кимда-ким вьетнам таомидан тановул қилмоқчи бўлса овқат кечкурун денгиз бўйида тортилади» деган эълон бўлиб қолди. Шунда мен секин сирғалиб қолмоқчи бўлган эдим, бўлмади – кўпчилик билан боришга тўғри келди.

Денгиз бўйининг пальма дарахтзорлари тагида икки ошиёнли қилиб курилган ошхонага кўтарилсак, кўзимиз тушган биринчи нарса каттакон бир кундаю, унга бир учи урилган болта бўлди. Мен орқароқда бораётгандим – тўсатдан бир хоним қаттиқ қичкириб юборди. Ўгирилиб қарасам сочи елкасига тушган, девдек йигит бир ярим қулочлар келадиган илоннинг думидан ушлаб чўзиб турипти. Жилпанглаб турган билакдек келадиган шу қора илон тиқилинчда бояги хонимнинг оппоқ билагига бехосдан тегиб кетган экан.

Яна орқага ўтиб кетдим. Қўйингчи, бояги йигит – морқасоб илонни тўнкага қўйиб калласини олипти, уни нимталаб, кейин ўчоқбошига узатипти. Бирор соатлардан сўнг дастурхонга турли хил таомлар тортилди. Графинда нимтатир пушти арак ҳам келтириб қўйилди (кейин билсам, аракқа бояги сўйилган илоннинг қонидан ҳам аралашибириб юборилган экан). Мен бўлсам бир бурда нон билан ярим пиёла мошхўрдадан тотиндим (ҳа, Вьетнамда мош бор – мошхўрдаси бир оз қуюкроқ бўларкан). Шундай қилиб, тўланган 4000 дўнг «зиёфат» пули «чапак чалиб» кетди, мен эса ўша куни ўринга чалакурсоқ бўлиб ётдим.

...Субҳидамда уйғонаман ва балконга чиқаман. Ҳаво салти-

на салқинашган, ҳаммаёқ жимжит. Ит ҳам хуримаиди, мушук ҳам миёвламайдын, хүрөз ҳам кичкирмайды. Чунки уларнинг жамики «бекорчиши» еб битиритган. Ёлғон бўлмасин, узокда бир йигит хўрозми-товукми, бир нарсани қўтиқлаб, кирдан тушиб келяпти. У пастрокка тушгач, ўрлаб бораётган бир аёл ҳалиги-га харидор бўлиб колди. Йигитнинг иккинчи қўлтиғидаги нарса тарозу экан. Шундай қилиб, хўроз тарозунинг бир палласига қўйилди. Йигит шайнинни кўтариб энди тортмокчи бўлиб турганида, хўроз қанот қоқиб тарозуни бузиб юборди, бу ҳол бир неча бор такрорланди.

...Мамлакат шаҳарлари, кишлокларида еру кўкни дўкон, бозор тутган. Мол шу қадар тикилганки, бир жойда ерга теритган чиннилар орасидан зўрга жой топиб оёқ қўйдим. Япония, Хитой, Тайван, Корея, Сингапур, Таиланд, Россияннинг сара моллари... Сотувчилар шу қадар хуштавозе, шу қадар сермуло-заматки, қўзингизга тикилиб худди ўзининг сўйган кишисицек муомала қиласди.

Сайгон бозори сари бормоқдаман. Ёмғир фасли бўлғантигидан дам-бадам ёмғир ёғиб, кўча-кўйларни чиннидай қилиб туритти. Назаримда, элас-элас... сурнай товуши келаётгандек. Кўча айтаниб яқинлашиб борсам, чиндан ҳам чорпояга чордана қуриб олган созандалар аллақандай ёқимли бир кўйни ижро этишмоқда, орада сурнайчиси ҳам бор. Сурнайни бизникидан каттароқ. Куй тутаб тин олишаётганида зехн солсам, сурнайнинг пардалари, овоз берадиган найпачаги айни бизникидек. Пешдами – чалаётгандиа оғизни коплаб туралиган қалқони йўқ, холос. Кавказ, Эрон сурнайлари олдида бизникини нақадар баланд овоз берса, Вьетнам сурнайига таққослаганида боягилар холига тушиб қолади.

Шу жойда ғалати бир ҳол кўзга ташланди. Биздаги сурнайларга одатда садаф гуллар қадалган бўлади. Сайгон сурнайида эса биронта ҳам садаф йўқ. Ҳолбуки, дунёга донғи кетган садаф қадама буюмлар фабрикаси айни шу шаҳарда. Уни зиёрат қилидик. Ҳатто садаф қадама ширмаларгача ишланганки, унинг садаф гуллари, расмларининг ўзи бир олам.

Банклар эшиги оғиздаги эълонларга кўзим тушди: русчаси ҳам бор – бу ерда ишлатган Россия нефтчилари назарда тутилган бўлса керак. Банкка қўядиган пулингиз учун йилига 100 фоиздан даромад бериш ваъда қилинган. Шу тахлитда кордонлик йўлини тутган давлат икки-уч йилдаёқ мамлакатни маъмур, тўкин-сочин қилиб юборган.

Ханой – серкўл шаҳар. Биз қўнган «Виктория» отели сув-

нинг устига курилипти. Қозик-устунлар устида турган отел сүзбид кетаётган афсонавий бир кемага ўхшайди.

Шаҳар марказида Хошиминга турбат – мавзолей қурилипти. Иссик мамлакатда унинг ичини салқин ҳолда саклаш харжатлари озмунча бўлмаса керак. Шундай қилиб, Хошимин раҳбарлигига социалистик тузум қурамиз деб ўттиз йил курашган ва миллион-миллион кишиларни курбон берган ҳалқ, тирикчилиги ўтмагач, яна ўша эски тузум ўйлидан бормоқда.

ХИТОЙ САФАРИ

Чегарадаги темирйўл станцияси – Забайкалскдан ўтаётганимизда кеч кириб қолган эди. Барчамиз вагон деразалари олдида тизилишиб, Хитойнинг биринчи кенти – Манчжурияни кўришга ошиқардик. Коронгилик қўйнида кўзга дафъатан ташланган оловлар, сўнг маржон-маржон чироклар шаҳарчани бизга яқин килиб қўйди. Олов ниманики бўлди экан?

Поезд якинлаша борди. Фиштин мўрили чоғроқ бир корхона. Мўри ёнида қизил юлдуз ёниб турар, унинг тагида куртка билан шим кийиб қизил дурра танғиб олган хитой аёли бир нарса билан машгул.

Бу – хитой услуби билан металл эритадиган печ экан. Неча асрлардан бери ажнабий мамлакатларга муте бўлиб қолган Хитойга эндилиқда ҳалқ ҳўжалиги учун зарур бўлган барча ашёларни ва ноз-неъматларни ўзида етишириш учун аввало металл керак. Шунинг учун ҳам Хитойда техниканинг янги ютукларидан фойдаланиб курилган ва курилаётган йилига миллион-лаб тонна пўлат, чўян ишлаб чиқарувчи металтургия заводлари билан бирга ҳалигидек оз бўлса ҳам, тез маҳсулот берадиган кичик-кичик печлардан ҳам фойдаланилаётган экан.

Катта заводларни куриш учун бир неча йиллар керак. Йилига 60 тонна мис қуйиб берадиган хитойи печни эса тўрт кунда ишга тушириб юбориш мумкин.

Бизга Хитой ўтмишидан бир аёлнинг тутган иши ҳақида хикоя қилиб беришди. Ҳоқон – эри ўлгач, таҳтга чиққан хотин ҳукуматнинг ҳарбий денгиз флоти қуриш учун ажратган пулини ўзи учун ёзлик сарой қурдиришга сарфлайди. Ихеюан деб атальмиш шу сарой Пекин яқинида икки юз гектардан зиёд майдонни эгаллаган бўлиб, хитой меъморчилигининг энг яхши обидалари шу ерда. Бирорқ ана шу сарой боис флотсиз қолган Хитой ўтган асрнинг охирларида японларга қарши урушда енгилади ва уларнинг асоратига туша бошлиайди.

Ухан шаҳридаги металтургия заводини кўриб қайтар эдик. Кенг асфальт йўлнинг чеккасида худди байрам намойишига келаетган одамлар сағн кўринди. Олдинда музикачилар, улардан кейин уч йигит аждаҳо макетини ўйнатиб бормокда. Ундан сўнг яна тўрт киши узун замбил кўтариб борарди. Замбил усти ранго-ранг кўхли кашталардан тикилган чодир билан ўралган. Суриштиrsак, бу нарса киз узатиш маросими бўлиб, чодир ичида келинбиби бораркан.

Ухан, Шанхай томошахоналари жуда қизиқ. Ўртала ҳовли қолдирилиб тевараги икки-уч қаватли бинолар билан куршалган саройда бир вақтда баравар кинофильмлар, цирк томошалари, шунингдек, драма ва опера спектакллари тўхтовсиз кўйилиб туради. Билет олиб саройга эрталаб кирган киши кечасига қадар биридан чикиб, иккинчисига кириб ҳоҳлаган томошасини кўравериши мумкин. Операнинг ўзидан неча хили бор: Пекин операси, Шаосин операси... Бизга айникса Шаосин операси ёқди. Унда эркаклар ролини ҳам аёллар ижро этишар, овозлари ва куйлаш услублари эса бизнинг мусиқали драмаларимизга ўхшаб кетарди. Хитойликлар бу ерни театр-комбинат дейишаркан. Ҳақиқатда ҳам исми мазмунига монанд эди.

Хитойда 1949 йилги революциядан кейин биринчи бўлиб курила бошлаган иморатлар институт бинолари бўлипти. Пекиннинг ўзида илгари бўлмаган ўттиздан ортиқ турли техника институтлари учун бинолар курилган.

Бино куриладиган бўлса, ўзидан аввал ҳавозаси битказиб кўйилади. Бамбук ходалар бир-бирига каноп билан боғланади. Шу туфайли ундан яна иккинчи бинога ҳавоза турғазища ҳам фойдаланса бўлади.

Пойтахт аҳолиси электр энергиясини тежаб-тергаб сарфлайди, одамсиз жойларнинг чироги дарров учирашиб кўйилади. Бироқ туни билан чироқ машъала қўлиб кўйиладиган жойлар ҳам бор: булар курмакорлик майдонларицир. Иморат бошландими – туну кун ишланиб, ҳар қандай катта бўлганида ҳам узоги билан бир йилда битказиб юборилади. Хитойлар тоштарошлиқда ниҳоятда моҳир ҳалқ: юзи бўйрадек келадиган текис тошлар орасига қил симайдиган қилиб жипспаштириб терилган.

Пекинда инсон идроки яратган қадимий муҳташам бинолар кўп. Қадимий Хитой хоқонларининг қишлиқ саройи – Гугун 999 ўйдан иборат. Ҳовлима-ҳовли юриб адашиб қолишингиз ҳеч гап эмас.

Андерсенning эртагидаги машхур хитой булбули бор нарса экан. У соат тепасига кўндирилган бўлиб, хоқонларга тортиқ килинган соатлар залида туриптги.

Илгари бундай саройларга авом халқнинг кириши ман этилган бўлса, эндиликда улар музейларга айлантириб қўйилипти. Энг муҳими эса, тошдан, мармардан, ёғочдан бундай ажойиб бинолар яратадиган усталар ҳали ҳам кўп. Улар қадимий ёдгорликларни аслидан ҳам гўзалроқ қилиб тикламоқдалар.

Шаҳарлар жуда озода. Қайси бир хитойликни кўрманг, унда албатта ён дафтар билан қалам бор: кези келганда бирон нарсани ёзиб олади.

Айтмоқчи, хитой ёзуви масаласига келсак, хитойликларнинг нима учун тезроқ фонетик алифбога ўтмаётганликлари кўпларни ажаблантиради. Гап шундаки, Хитойда тил ягона эмас. Пекинликнинг тилини шанхайлик, шанхайликнинг тилини кантонлик тушунмайди. Лекин иероглиф Хитойдаги барча лаъжалар учун бир хил, иероглифни ўрганиб олсангиз, тил билмасангиз ҳам каерда чикканлигидан қатъи назар хитойча газетани ўқиб тушунаверасиз. Шунинг учун ҳам биздагидек фонетик алифбога ўтиш учун дастлаб тилни ягоналаштириб олмоқ керак. Шундай ҳам қилинмоқда. Бошлангич синф ўкувчилари Пекин лаъжаси ва шу билан бирга лотин алифбосига ўргатилмоқда. Шанхай, Кантон шаҳарларидағи (биз Кантон деб келган шаҳарнинг асли хитойча номи Гуанчжоу бўлиб, уни инглизлар бузиб талаффуз қилиб Кантон деб юборишган экан) вивескаларга қарасангиз, иероглиф ёзувидан кейин унинг Пекин лаъжасида айтилиши лотинча ёзилган. Пекинлик билан кантонлик гаплашадиган бўлса, ўртада кантонликнинг боласи таржимонлик қилиб турадиган ҳоллар ҳам бўлиб турар экан.

Хитой дехқонларига ер бўлиб берилгач, уни янгича усул билан ишлаб мисли кўрилмаган ҳосил олмоқдалар. Гуанчжоу иқлим шароити ердан йилига уч мартагача ҳосил ундиришга имкон берар экан. Илгари бир гектар ердан 3 тоннагача ҳосил олинган бўлса, ҳозир 30 тоннагача ҳосил олинмоқда. Бундай катта ҳосилга ерни то бир ярим метрғача чукур қилиб ҳайдаб, қатлам-қатлам қилиб ўғит солиш туфайли эришилган.

Хитой ҳозир пахта етиштириш жиҳатидан дунёда биринчи ўринга чиқиб олган. Бунга асосан фўзани аввал иссиқхоналарда ўстириб, ер қизиб етилганидан сўнг ниҳолни пайкалларга кўчириб ўтқазиш натижасида эришилмоқда. Ана шу тадбир туфайли пахта эрта пишади ва у эрта куздаёқ тамоман териб олинали, ер эса шудгорлаб қўйилади. Хитойда 1995 йили 13,5 миллион тонна пахта етиштирилди.

УЗОҚ ШАРҚ – МАШРИҚ

Қоқ бикүни дengiz пляжи бўлган шаҳарни бўласизми? Владивосток шундай шаҳар.

1860 йилдан курила бошлаган бу шаҳар энди дунёдаги барча океанларнинг улкан бир портига айланган.

* * *

Южно Сахалинск кўчасидан ўтиб бораардик. Ҳамроҳим йўл ёқасида очилган ажиг гуллардан бир нечасини узиб олди. «Чакки килди-да!» Кейин билсак оролнинг эстрапинка деган киргули ҳамиша шу таҳлитда ўсаверар экан.

Автобусда Сахалиннинг жанубидаги катта порт – Корсаков сари йўл олдик. Икки ёқ дала, худди туркман гилами тўшалгандек. Ёзда эстрапинка далаларни шундай яшнатиб юбораркан. Шу оролдагина ўсадиган бундай ўт-ўлан, дов-дараҳтлар кўп.

Бир замонлар чор ҳукумати маҳбусларнинг маскани бўлган – маҳбуслар «кругом вода – посредине беда», «кругом море – посредине горе» деб атаган Сахалин ороли ҳозир саноати ривожланган, дехқончиликни ҳам бошлаб юборган, балиқ деганингиз ошиб-тошиб ётган маъмурчилнк ўлкасига айланган.

* * *

Бизни Камчаткага элтаётган кемада мингдан ортиқ йўловчи бор эди. Тинч океан тарафидан Курил ороллари ёқалаб бораётсиб Шикотан оролига келганимизда шу йўловчиларнинг ярмидан кўпи тушиб қолса бўладими! Улар бутун Россиядан ийғилиб, ёзни Шикотандаги балиқ консерва заводида, балиқчи кемаларда ишлаб ўтказгали келган жаҳонгашталар экан: илмий ходимлардан тортиб студентларгача, ишчилардан тортиб идора ходимларигача ҳар хил касб-кордаги одамлар эди.

Узоқ шарқдаги шаҳарлар сингари Петропавловск ҳам кеининги ўн йил ичida анча ўсган. Шаҳар паст-баланд ерларда жойлашган. Сейсмик миңтақа бўлганлигидан иморатлари Тошкентнинг курувчи инженерлари билан ҳамкорликда курилаётган экан.

Шундокқина дengiz ёқасидаги боғда икки юз, уч юз ийлилк дараҳтлар савлат тўкиб турипти. Камчатканинг ёзи чўмилса бўладиган иссик, ярим оролнинг ичкарисидаги Паратунка деган доришибулоги катта бир бассейнга – шифохонага айлантирилган. Тушганда кишини энтиклирадиган даражада иссик бу булоқ «етмиш икки дардга даво» экан – нафи сезилди.

Камчатканинг машхур вулкон чўқицаларн олисдан садафдек ялтираб кўринади.

ЯПОНИЯ ТА АССУРЛОЛАРИ

Кўргон девори тагидан нураган нишаблик тубанидаги кўлмак янглиғ ариқ бўйида турли хил ўт-ўланларни оралаб чумчук, читтаклар юрипти. Ўзингизни бир дам дала сайрида юргандек хис этасиз. Аммо орқангизга ўгирилиб қарасангиз... булутўпар бинолару паст-баланд, айқаш ўтган осма йўллар ва турна қатор автомобилларни, ундан нарида телеминорани кўрасиз. Мен Япония пойтахти – Токионинг қоқ киндиғида турибман. Киши мозийни табиий ҳолда хис этмоғи учун марказдаги бир парча жойни японлар шундай «қаровсиз» ҳолда қолдирганлар. Токио худди биздагиdek соз тупрокли ерда бунёд этилганлигини ана шу кўргон тагидан билдим. Шаҳар майдонида қаердаки бир-икки туп дарахт ўсиб турган бўлса, унинг тўкилган барги ҳам супуриб олинган эмас. Тўкилган жойида беозор чиришига «кўйиб берилган».

Мамлакат бўйлаб бирон гов-панжара учун металл ишлатилган эмас: жудаям зарур бўлса ерга бамбук қозик қоқилиб, унга бир қаватгина арқон тортиб кўйилгипти, холос. Чунки ишорат бўлса бас: ҳеч ким уни ҳатлаб ўтмайди. Шунингдек, светофорда қизил чироқ ёнса, кўча бўш бўлса ҳам биронта йўловчи асло уни кесиб ўтмайди.

Киши бу мамлакатдаги чап томонлама кўча харакатига ўрганомай хуноб бўлади. «Чап томонлама» деймизу, умуман кўча харакати қоидасини дунёда биринчи бўлиб японлар расм қилган, сўнгра бу қоидани инглизлар кўчиришган экан.

Биз тушган кема Токионинг юқ портига келиб лангар ташлаганда дастлаб бунга ҳайрон бўлгандик. Сабаби кейин аён бўлди: шаҳар шоҳ кўчаси Гинза шу портдан бошланар ва биз ҳоҳлаган пайтда шаҳар марказига пиёда бирпасда етиб олардик. Саёҳат бюросининг ходимлари бизнинг имкониятларимиздан келиб чиқиб, истисно тарзида шундай қилган бўлсалар кепрак.

Гинза «нуқрагарлик» деган маънени беради. Бир замонлар шу кўчада кумуш безак асбоб усталарининг дўконлари жойлашган экан. Аслида Япония шаҳарларидағи кўчаларнинг номи, уйларнинг номерлари йўқ. Жой ёки гузарнинг номи билан тушунириб ёки чизиб берилган схема адресе вазифасини ўтайди (30-йилларгача Тошкент Эски шаҳарида ҳам ахвол шундай бўлган).

Бир куни Токионинг машҳур улгуржи балиқ бозорини томоша қиладиган бўлиб қолдик. Бозор ҳам биз тўхтаган порт-

нинг бикىнтинасида экан. Кечаси соат 3 яримларда туриб пиёда жүнадик. Гинзадан бир оз чапига бурилган ҳам эдик – бозорга етиб келибмиз. Баланд-баланд қозык устунларга улкан бир бино қўндирилгану (кейин билсак у консерва заводи экан), устунлар орасида балиқ бозори кизиб турипти. Ҳаммаёк чарогон.

Катта-кичик сон минг баликлар, умримда кўрмаган денгиз жониворлари... Бари янги тутиг бектерилилган. Суви жилдира-тиб оқизиб қўйилган ҳовузчаларга, аквариумларга солиб қўйилганлари ҳам бор. Бир кўлига фонар тутган ветеринар иккинчи қўлидаги наиза билан наҳанг баликларнинг ойкулогини очиб ёруқса солиб, уларнинг нечолик янгилигини аниклаяпти... Қўйингчи, шу куни эрталабгача сотилмай қолган баликлар ва жониворларнинг ҳаммаси иккинчи қаватдаги консерва заводига чиқариб юборилар экан.

Фира-шира субҳидамда изимизга қайтдик.

Бозорга келаётганимизда бир жойда ишчилар кўча тузатишашётганди, қайтишда ўша жойдан ўтаётсак, улар ишни битириб бўлиб кўча юзини суптуриб олишаётпти.

Япон курувчиларининг қанчалик саранжом-саришта эканликларини битта нарсадан яққол билса бўлади: Осака шаҳрида автобусимиз йўл очилишини кутиб туриб қолди. Ёнгинамизда курилаётган кўтарма йўлнинг баҳайбат устунинг бетон қўйилаётган экан. Унинг бир пахсаси котгач, тирноқ қилиб чиқарилган арматуралар устидан иккинчи пахса қўйиб қотирилади. Ана шу арматура бағазлар то янги пахса қўйилгунча қор-ёмғирда занглаб қолмасин учун ҳар биттасига пластик қин кийгизилиб таги boglab қўйилипти. Занг босмаган арматура бетон билан қаттиқроқ тишлишади-да!

Токио телеминорасига чиқиб шаҳарни томоша қилдик. Улкан миноранинг ҳар бир қавати ресторонлар, турли-туман кўргазмалар, дўконлар билан банд.

Автобусда Осака шаҳридан Япониянинг қадимги пойтахти Киото сари боряпмиз. Киотога бориб қайтибмиз ҳамки, хайдовчининг автобус шифтига ўрнатилган телевизорни созлаб қўйишига сира ҳам эҳтиёж бўлмади. Ҳайдовчи оппоққина қўлқоп кийиб олган. Кечкурун қайтганимизда қарасам қўлқоп салгина бўлса-да кораймалти ҳам. Мен факат хайдовчилар шундай қўлқоп кийиб ишлашар экан деб ўйласам, ҳатто кўча суптурувчилар ҳам оқ енг такиб олишганлигини кўрдим.

Ҳар бир автобусда бир киз хизмат қилиб туради. Автобусга чиқаётганимизда у ҳар битта кишига эгилиб таъзим қиласди, йўл-йўлакай эса термосидаги чойдан тутади. Автобус манзилга етиб бориши биланок, югуриб пастга тушади ва хуштак чалиб

хайдовчига ишорат бериб туради: ҳайдовчи эса бир лаҳзада автобусни тегиши жойга тисарыб, «қантариб қўяди».

Кетаётган йўлимизнинг икки ёнига аллақандай гов девор тортилган. Бундайин гов бир томондан шовқинни сўндиrsa, иккинчи томондан далада ўтлаб юрган мол-холнинг автомобил йўлига ўтишига имкон бермайди.

Тўхташ жойларида бўлса узум ишкомининг ярим палласига ўхшатиб қўндирилган поя трубаларга тортилган брезент сира сув ўтказмай, автобус кутаётган йўловчини пана қилиб туради.

Киотога бориб подшо саройига кирганимизда мислсиз бир санъат асарини кўришга муссар бўлдик. Саройдаги бир дарвозанинг тобдони – тепа панжараси жуда антика усулда ясалганди: турли қуш, ҳайвонот ва наботот ажиб бир манзара ҳосил қилган. Дарвозадан ўтиб панжаранинг орқа тарафидан қарасангиз, мўъжиза рўй бериб, расм тамомила бошқа бир манзарани ҳосил қиласди.

Ундан нари ўтиб узундан-узоқ пешайвоннинг паркет полига оёқ босишининг билан у фижирлайди, жуда эҳтиёт бўлиб оёқ қўйганингизда ҳам, барибир, фижирлайверади. Пол мана шундай фижирлаши билан хоқонга ҳушёр «қоровул» вазифасини ўтаб турган.

Боғ-роғлар орасидаги «Олтин ибодатхона»ни ҳам зиёрат этдик. Унинг томи ҳар бири 10 кв. см дан келадиган 100 мингта соғ олтин пластина териб ёпилганидан шундай ном олган экан. Кўл бўйидаги дов-дараҳтлар кўйнида турган ибодатхона бағоят кўркам.

Шу шаҳарда япони зиёфат ҳам берилди. Эшикдан кирсам, худди бизнинг қадимги ҳовлиларимизга ўхшаш ҳовли, кичик бир ҳовзуи ҳам бор, теварагида гуллар, пастак дараҳтлар. Ҳовлидан ўтиб уйга кирдик. Биздагидек пойабзал ечиб кирилар экан. Икки гуруҳ – қирқ-эллик чоғли одамнинг пойабзали қаёққа сигди экан, деб турган эдим – японлар бунинг ҳам эвини топишган. Каттагина ковушандозга узун қилиб пояндоз ёзишилти. Мехмонлар шу пояндоз теварагида туртинишмай, сикилишмай бемалол туриб пойабзалини ечиб кириб бораверишар экан.

Катта бир уйга хонтахталар кўйилган, даврасига эса «якка оворадан» кўрпачалар тўшалган. Косада, пиёлада, сапча товоқларда ҳом балик, қовурилган балик, суюқ-куюқ овқатлар. Таомларни тановул қилиш учун бир жуфтдан чўп кўйилган. Учи қофозга ўроғлик шу чўпларнинг боши ажратилмаган, уни ўзингиз ажратасиз (эшидан ажралган чўп тутилган ҳисобланиб, иккинчи бор ишлатилмай ташлаб юборилади). Камина бундан

аввалги Хитой саёчатида чўпда таом ейишнинг ҳаддини олгандим, бошқалардек кийналиб ўлтирамадим.

Кўча-кўйларда умуман ошхона, ресторонларнинг витриналарига таом намуналари сузуб кўйилган ва нархи кўрсатилиган: бутун мамлакатда бирон нарса, буюм ёки хизмат нархи устига «чойчақа» ташлаш ёки уни олиш одобга тамомила зид иш хисобланар экан.

Шимолдаги Саппорода «ер ости шаҳри»га тушдик. Дарҳақиқат ер остида афсонавий бир чароғон шаҳар бунёд этилганки, ер устидан ҳам гавжум, ҳавоси тозароқ, ҳалақит берадиган ҳеч қандай автомобил йўқ, бамайлихотир айланаверасиз. Дўкон дўконга, ундан нари гулзор туташиб кетган. Дунёнинг қайси ерида нимаики неъмат этилган бўлса, шу жойда ҳаммаси муҳайё. Палақдан янги узилган бодринг, қовун-тарвуз дейсизми, анвойи узумлар, сархил олмалар, ноклар, кулупнайлар дейсизми... Бир юзи тиллойи, бир юзи қирмизи олмага «табиий» дуолар битилган. Ҳайрон бўласиз: олма пишиб этилиши олдидан ҳар биттасига қофоздан қирқилган дуо-иероглифлар ёпиштириб ўтилар ва мева фарқ пишгач, узуб олинаётганида бояги қофоз кўчириб ташланса, ўрни оппок бўлиб қоларкан.

Мебел дўконида танча атрофига кўйиладиган оёқсиз крес-лога қизиқиб қолдим (японларнинг ўйида танча бор). Суянганда оғиб кетмайдиган килиш учун унинг анчагина иши бор бўлиб чиқди.

Бизни шаҳардаги донг таратган пиво заводига ҳам олиб бориши. Заводни кўриш қаёқда дейсиз – тўппа-тўғри унинг зиёфат залига олиб кириши. Столнинг ўртасида аллақандай тўнтарма газ қозони қизиб турипти. «Икки оворадан» килиб бир саватга икки-уч килодан тўғралган кўй гўшти, бир саватда пиёз, турли хил ошкўклар кўйиб кетиши. Энди ўзингиз гўшт ва кўкатларни ҳалиги қозонга териб кабоб тайёрлайсиз. Пиво бўлса баркашга терилган кружкаларда кетмакет келиб турипти. «Текин томок тани тоза килади» деган ақидани ўйлаб топиб, орамизда 15 кружкагача пиво ичган азаматлар ҳам бўлди.

Эртасига виски заводига бордик. Завод эмас, бир bog-парк. Бу ерда ҳам тўғри «чашнак олиш» залига бошлиашди.

Вискини «жўхори конъяги» деса бўлади. Уни тайёрлаш технологияси узум конъягиники сингари. Аммо таркибининг камида 51 физини жўхори спирти ташкил қилиши шарт. Қолганига нима кўшиш пиширувчининг ихтиёрида бўлади.

Шундай килиб, залдаги столларга хилма-хил лимонадлар, кока-колалар, минерал сувлар, фужерлар териб кўйилган. Хоҳ-

лаган одам бўш рюмкани олиб, виски бочкаларидан тортилган жўмракнинг қулогини ушлаган ходимга уни тутқизади ва виски қўйдириб олади. Кўнгил тусашига қараб жўмрак олдига так-рор-такрор боравериш мумкин...

Зонтикнинг хили кўп: бирон жойга кириб кетаётганда маҳсус қўндокка қўндириб маҳкамлаб кетиладиганларидан тортиб, ёмғир тингач стакан сингари ташлаб юбориладиганларигача бор. Токио сайрида ёмғирдан қочиб бир отел фойесига кирган эдик, эшик ёнидаги курсига аллақандай узун-узун пластик филофлар тахлаб қўйилипти. Отелга битта одам кириши билан унинг нима эканлиги маълум бўлди: у шу филофлардан биттасини олиб унга зонтигини тикиди. Отел ходимлари меҳмон то хонасига етгунича пояндоzга сув томмаслиги учун ўйлаб топишган чора бу.

Биттадан магнитофон хариd қиладиган эдик. Пойтахтнинг Акихабара деб аталмиш электр асбоб-анжомлари растасига қараб йўл олдик. Икки километрларга борадиган қўчанинг икки ёғида икки, уч, тўрт қаватли биноларнинг ҳаммаси магнитофон, телевизор, видеокамера, ҳисоб машиналари, калкулятор, компьютер ва бошқа минглаб хил моллар билан лиқлиқ. «Сони» каби машхур фирмаларнинг қароргоҳлари ҳам шу кўчада.

Биз Токио яқинидаги Цукубо деган жойда бунёд этилган Диснейлэндда ҳам бўлдик. Диснейлэнд – болалар ва катталар дам олиб томоша қиладиган, ўтмишни ва келажакни киши қўз ўнгидаги намоён этадиган турилти, аттракционлардан иборат бир шаҳарча бўлиб, уни тўлиқ кўриб чиқиш учун бир кун камлик қиласи. Дунёда Америкадан сўнг иккинчи бўлиб қурилгани учун бўлса керак, Токио Диснейлэнди АҚШдаги Лос Анжелос Диснейлэндидан ҳам мукаммал, баркамол чиқсан дейишиади.

...Кемамиз Сангар ёхуд Цугару бўғизидан ўтиб бормоқда. Атроф сокин. Сув мавжланиб турипти, узоқ-узоқда кичик бир кема кўринади, холос. Ваҳоланки, тагимиздан «Сейкан» тоннели ўтказилган бўлиб, бир ёқдаги энг катта Хонсю оролини иккинчи ёқдаги Хоккайдо ороли билан бοлаган. Бўйи 9 метр, эни 11 метрга борадиган бу тоннелдан поездлар қатнаб турипти.

Тоннел қурилиши 21 йил давом этиб, чоракам 3 миллиард доллар сарфланган. Унинг жами узуњлиги 34 километрга боради, шунинг 23 километри сув бетидан ҳисоблаганда 240 метр чукурликдан ўтган.

Ўтган аср «инженерлик санъатининг гаройиботи» деб ном

олган бу тоннел қурилишига кетган вақт бошқа бир ғаройибот – «меъморчилик санъатининг намунаси» бўлмиш Тожмаҳал қурилишига кетган вақт билан қарийб бараварлашади.

Зеро, Тожмаҳал инсоният руҳини, вужудини арши аълога кўтариб келаётган бўлса, «Сейкан» инсоният мушкулини осон килиш учун хизматда туриб, шу хилқатнинг қадр-қимматини кўз-кўз қилиб, бутун вужудимизни ғурур-ифтихорга тўлдириб-тоширмокда...

Кўпчиллик японлар юзи-кўзидан ўзбекларга ўхшаб кетади. Урф-одат, муомала, уй-рўзгор, ҳовли-жой тутишларида ҳам ўхшашиклар бор. Бу юрга борган туркистонлик ўзини бегона ҳис этмайди.

* * *

Шундай қилиб, қўп йиллар мобайнида Мағрибдан Машриқкача анча-мунча эл-элатларда бўлдиму, лекин ҳаммасини қаламга ололмадим, албатта.

Тошкентдаги баъзи хонанишин биродарлар: «Хўш, шуларнинг ичидагайси зўр?» деб сўраб қолишади. Менга қолса ҳар бир элнинг ўзига хос бир фазилати борки, уни иккинчисидан сира-сира камситиб бўлмайди. Мен эса мавлоно Муқимий янглиг ҳатто Сариоғочга¹ бориб дунёнинг шу гўшасидан ҳам бир янтилик топа биламан, завқ ола биламан. Шундай шукроналар қилганман ҳам....

* * *

Шунча эл-элатларни кезиб, кўриб турибсизки, яна Тошкенти шаҳри азимдаман.

Мен-ку инсон, ҳатто «Тошкентнинг таригини еган чумчук Маккадан ҳам қайтиб учеб келади» деган гаплар бор-а.

Зеро «Ўз уйинг – ўлан тўшагинг»...

¹ Тошкентга туташ Қозогистон кенти.

МУНДАРИЖА

Италия ва Марокашда	4
Биродарлашган Тунис	7
Кибрис ороли	8
Кўхна театр	10
Инглизча таълим	10
Шекспир ватани	11
Жанна д'Арк	12
Париж пантеони	13
Бельгия саёҳати	13
Копенхаген – савдо порти дегани	17
Яман, Кувайт ҳаволари	18
Алҳазар!	25
Макка зиёрати	26
«Гул-лолалар пояндоз менга»	33
Тоголча	33
Форлар чиройи	35
Нега мен гул узмайдиган бўлғанман?	37
Ядран бўйида	38
Оврўпонинг «катта кўчаси»	42
Хинд юрти бўйлаб	44
Фил, маймун, варрак байрами ва бошқалар	46
Тожмаҳал	48
«Булбул гулистондин жудо»	51
Гўзал Покистон	52
Вьетнам диёрида	56
Хитой сафари	60
Узок шарқ – Машриқ	63
Япония таассуротлари	64

ТУРОБОВ ШАРАФИДДИН (КҮНЧИ)

МАРОКАШДАН ЯПОНИЯГАЧА

Toшкент «Маънавият» 2004

Мухаррир *A. Жўрасев*

Рассом *M. Аглияров*

Техн. мухаррир *T. Золотилова*


Мусаҳхиқ *C. Абдулсаматова*

Компьютерда тайёрловчи *A. Турсунов*

Теришга 18.03.2003 й.да берилди. Босишга 04.02.2004 й.да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/2, Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли
б.т. 3,78. Шартли кр.-отт. 3,99. Нашр т. 3,75. 2000 нусха. Буюртма № 92.
Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриёти. Тошкент, Буюк Турон, 41-й. Шартнома 34-03.

«Аттарпинг» масъулияти чекланган жамияти босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, X. Бойкаро кўчаси, 51-й. 2004.



Moraine